



telegram.me/@DustlikARM/admin: @Atahiya

## ДЕТЕКТИВ АСАРЛАР

( Ушбу асарлардан тузувчининг рухсатисиз андоза олиш мумкин эмас.

Таклифларингизни билдиринг: [telegram.me/@Atahiya](https://t.me/@Atahiya) ёки

[telegram.me/@Beknazar\\_Raxmatov](https://t.me/@Beknazar_Raxmatov) )

**Маргарет Меннерс**  
**ОМБОРДАГИ МУРДА**

«Эртага Юқори Сойлик фермасида түй қилишади. Мен түйга бормайман. Балки эртага мен умуман тирик бўлмасман. Мен қариман, неча йилдан бери менга ором бермай келаётган хасталик сўнгги пайтларда бутунлай тўшакка михлаб қўйди. Аммо ётиб қолмаганимда ҳам бу түйга бормасдим. Деворга ўгирилиб ётганимча дуоларимда Худодан бир нарсани сўраяпман: жазосиз юрган ёвузлар охир бир кун қилмишларига яраша жазоларини олишсин.

О, қанийди ҳамма бўлиб ўтган воқеаларни бошдан оёғигача айта олсам эди! Кошки, бунга бошқалар ишонишса эди! Аммо бутун шаҳар мен ҳакимдаги бўлмағур уйдирмаларга ишонса ишонадики, асл ҳақиқатга ишонмайди. Биламан, ўзим ўч қуроли воситасига айланмас эканман, ёвузлар муносиб жазоларини олишмайди. Ҳа, бу дунёда ҳамиша ҳам айбдорлар муносиб жазосини олиб, бегуноҳлар оқланавермайди. Мен бир қариб-чуриган кампирман, ўз ғам-ҳасратимга ўралиб ёлғиз ётибман. Бир умр ёнимда бўлган, яхши кунимга шерикчилик қилганлар эса ҳозир менга заррача ҳам раҳм қилмайди.

Оғриқ бир оз тинганда, пазандалик маслаҳатлари битилган эски қоғозларни титиб, уларни оқ, юпқа қоғозга кўчираман. Одамларнинг ёвуз қилмиши ҳақидаги бу ҳаётий қиссамни ҳам улар орасига яшираман. Яхшиси, французча қўймоқларни қандай тайёрлаш ҳақидаги маслаҳатлар билан ёнма-ён қўяман. Шахримиизда қўймоқнинг бу хилини унчалик ҳам хуш кўришмайди. Шунинг учун қўлёзмани тез орада топишмайди.

\*\*\*

Р еймондларни бошданоқ – улар Юқори Сойлик фермасини сотиб олиб, кўчиб келишган пайтиданоқ ёқтирмай қолгандим. Айниқса, аёлини жиним суймасди. Хусусан, унинг такаббурлиги, димоғдорлиги асабимни қўзитарди. Унинг сочи ҳам меъёридан ортиқ сап-сариқ, кўзлари ҳам ҳаддан ташқари кўм-кўк, ҳасадгўйлиги-ю очкўзлиги ҳам чегара билмасди. У гўёки ўзига етишмаган ҳамма нарсани бирваракайига қўлга киритишни истарди.

Эрига эса ачинардим, айни пайтда ундан ижирғанаардим. Ҳамма аёллар, ҳатто кампирлар ҳам иродаси бўш эркаклардан жирканишади. Нима қилайлик – биз шундай яралганмиз. Билль Реймонд латта эди. Хотини уни истаган кўйига солиб, ноғорасига ўйнатарди. Бутун мол-мулклари хотинининг номида эди. Ўзингиз айтинг, шундай бўшбаёв эркакни ҳурмат қилиб бўладими? Улар ана шунаقا ўзаро номутаносиб жуфт эди. Галма-галига уйда ким хўжайнлигини бир-бирларига исботлашга уринишарди.

Кирди-чикдиларнинг ҳаммаси менга дастлабки учрашувимиздан кейиноқ аён бўлди. Фермаларимиз ёнма-ён жойлашган бўлиб, ўзимнинг Қуёшли Даламдан туриб уларнинг ҳаётини ойлаб кузатардим. Жияним Камилла қизлар мактабида муаллималик қилади, шунинг учун кўпинча уйда бўлмайди. Ёлғиз кампирнинг қўшниларникида нима бўлаётганини кузатишдан бошқа яна қандай қизиқарли эрмаги қолади – ҳеч қанақа. Одамларни яхшилаб кузатсангиз, улар ҳақида жуда кўп нарса билиб олишингиз мумкин экан.

Шундай қилиб, Реймондлар билан келишмовчилигим улар кўчиб келган илк кунларданоқ бошланди. Дастлаб булоққа олиб борадиган

ёлғизоёқ йўлакнинг кимга қарашлилиги устида баҳслашиб қолдик. Юқори Сойлик фермасининг илгариги эгалари – Тэрнбулларга мен доимо йўлакдан юришга рухсат берардим. Аллақандай Реймондларнинг менинг фермам ҳудудидаги йўлакдан юришларига эса тоқатим йўқ эди. Уларни ичимлик суви учун айланма йўллардан боришларига мажбур этдим. Кейин бузоқ билан боғлик воқеа юз берди.

Юқори Сойлик фермаси, номидан ҳам кўриниб турган бўлса керак, тик тепаликда жойлашган. Унинг бир томони менинг пастқам яйловим билан туташ ўша жойга девор ўрнатган эдим. Сабаби Тэрнбуллар барибир ферманинг бу тикка жарлик бўлган хавфли жойидан фойдаланишмас эди. Бир куни кечаси Реймондларнинг бузоғи деворнинг тешигидан ўтаётуб пастга тушиб кетиб, умуртқаси синиб ўлди. Билль Реймонд бунга деворни сабабчи деб тўнғиллади. Мен илгари бу ерда ҳеч ким мол боқмаган деб исботласам ҳам, у вайсай-вайсай бузоғини ўрага қўйиб сўндирилмаган оҳак билан кўмди. Кейин негадир уни қазиб олиб, қайтадан кўмди. Азбаройи менинг асабимга ўйнаш учун бўлса керак.

Кейин фермаларимизнинг чегаралари бўйича тортишувлар бошланди. Тўғриси, ўша бир парча ер ҳақиқатан Реймондларга тегишли эди. Мен йўқотсан бор-йўғи ҳеч кимга кераги бўлмаган бир тупгина терагимни йўқотардим. Кейинчалик бари бир уни кесиб ташлашга тўғри келди – мисс Люкасни нафас қисиши касаллиги безовта қила бошлади. Очиги – Реймондларни жиним суймасди, нима қилиб бўлса ҳам уларнинг ҳаётини енгиллаштирумасам дердим.

\*\*\*

Кузнинг охиригача Реймондлар билан ўртамизда адоват девори қад ростлаб бўлган эди. Бизнинг шаҳарчамиз Ист-Хантлида бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқ. Улар ҳақида почтахонада, бозорда тинимсиз гап тарқатдим. Яшириб нима қилдим, бошда бу ўзимга ҳам ёқарди. У пайтлари хасталигим ҳали бунчалик авжига минмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда ундан алҳол яхши эди-да. Охир-оқибат ўша бир парча ердан ҳам кўра ким кимни енгиши мени кўпроқ қизиқтириб қўйди.

Бутун қиши баҳс – жанжалимиш давом этди. Камилла рождество байрамига келганида, мен Реймондлар билан гаплашмас эдим. Билль Реймонд аёлларга анграйишни яхши кўрарди. Бу нафратимни қўзитарди. У Камиллага илжайиб тикилиб қолди. Жияним эса қулоғига қанча қўйганимга қарамасдан Билль билан очилиб қўришди. Ўшанда Камилла мени қариб эсини еб қўйган деб ҳисоблаганди. Унинг ҳозир мен ҳақимда нима ўйлашини ёлғиз Худонинг ўзи билади!

Кейин шаҳарчамизда бир фалокат юз бериб, Реймондларни эсимдан ҳам чиқариб қўйдим. Эрта кўкламда музлар эриб, бутун округда сувлар ўзанидан чиққанида, Ефраим Джадж қоядан сув гирдобига қулаб тушиб, чўкиб кетди.

Шу фалокатдан сал бурун биз у билан уйимни бўяш устида ғижиллашиб қолган эдик. Ҳар йили шу аҳвол такрорланарди. Ўша куни Ефраим Джадж менинига тушдан кейин келди. Одати бўйича бўяш ҳақини уч баравар қиммат сўради. Мен ўтган йили уйимдан ортиб қолган бўёқлар билан Такерларнинг омборхонасини бўяганини эслатиб, нархини пасайтиришини сўрадим. У тутақиб бақириб берди, ҳатто менга қўл кўтармоқчи ҳам бўлди. Шаҳардаги ҳамма бизнинг жанжалимиздан хабар топган эди. Чунки баҳсимиз айни авжига чиққан пайти Жорж Бенсон уйимиз ёнидан ўтиб кетаётган эди. Жоржнинг эса одатини яхши биламан, у эшитган-кўрганини бошқаларга етказмагунча кўнгли тинчимайдиганлар хилидан. Кечга

яқин биз тил топишдик, бўяш нархини келишдик ва Ефраим уйига йўл олди. Ҳаво айниётганини кўриб унга эҳтиёт бўлишини тайинладим.

Бечора уйига етиб боролмабди. Кейинроқ у пастга қулаб тушган қояни топишди. Қоянинг туртиб чиққан қиррасига қон юки унниқиб қолган эди. Ефраим боши билан шу қиррага урилган, сўнг гирдобга тушган бўлса керак деб тахмин қилишди. Муз аралаш сув қолган ишни қилган эди. Мурданинг топилмаганига ҳеч ким ҳайрон бўлмади. Бажорда бу гирдблар даҳшатли ўпқонларга айланарди. Сув ости оқимлари ҳамма нарсани дарё сари оқизиб кетар, дарё сувлари эса тошқину жалалар пайти денгиз томон янайм шиддат билан оқарди.

Ўшанда юз берган фалокатдан хабар топиб қаттиқ қайғурдим. Урушиб-жанжаллашиб турсам ҳам Ефраимга қаттиқ боғланиб қолганимни билдим. Унинг бевасига қўлимдан келганича ёрдам, далда бердим. Ўшанда ҳамشاҳарларим мени қаттиқ ҳурмат қилишарди. Мени ҳозир бетоблигимдан ҳам кўра кўпроқ азоблаётган туйғу шаҳарликларнинг менга қарши бирлашганидир.

\*\*\*

Яна Реймондларга қайтсан. Юқоридаги фожиадан кейин бир оз муддат ўтиб, улар менга хушомадгўйлик қила бошлишди. «Кўздай қўшни бўлсак, аҳилчиликка нима етсин, келинг, муроса-мадора қилайлик» дейишиди. Бу ҳақда бир неча бор гоҳ уларнинг уйида, гоҳ меникода сухбатлашдик.

Нихоят, уларни етарлича қийнадим, деган хулосага келдим. Билль Реймондни хотини шунчалик қийнаб қўйган эдики, унга қараган кишининг раҳми келмасдан иложи йўқ эди. У бирма-бир ҳамма мавқе, даражаларини қўлдан бериб, кейин ўжарлиги тутиб обрўйини тикилашга жон-жаҳди билан уринадиган кишилар хилидан эди. Билль болаларга ўхшаб аҳмоқ ва инжиқ эди. Баъзан хотини Эвелин Реймонд унга қандай тоқат қилиб келаётганига ақлим етмасди.

Эвелиннинг эрига муносабатини ўша сўнгги оқшом жуда яхши билиб олдим. Билль кундузи мени кўриб қолиб, кечки қаҳваҳўрликка таклиф қилган, «ишимиз ҳақида гаплашиб оламиз» деганди.

Уйларига яқинлашаётганимда, уларнинг жанжаллашаётгани қулоғимга чалинди. Билль ҳуштакка ўхшаб чийиллаб гапирав, аммо овозидан чорасизлиги билиниб турарди. Эвелин эса паст овозда, совук оҳангда:

- Ўзингни босиб ол. Худди ёш болага ўхшаб жиннилик қиласан. Ўзингни мана шунаقا кулгули тутишингга тоқатим йўқ, - деди.
- Биласанми, Эвелин, менинг ҳам сабр косам тўлиши мумкин.
- Ўҳӯ, ҳали шунақами? - заҳарханда кулди Эвелин. - Хӯш, қўлингдан нима келади?

Билль нозик жойидан тутилгандай, ҳатто саросимага тушгандай сўради:

- Баъзан мени ўлдириш ҳам қўлингдан келадигандай туюлади.

Эвелин яна ўша совук оҳангда деди:

- Ўзинг мени шунга мажбур қиласан, аҳмоқ!

Эшикни тақиллатдим. Уни очган Билль менга кўзи тушиб ўзини нокулай ҳис қилди:

- Э, ҳа, сизми? Келинг, марҳамат, миссис Карнби. Эвелин, у кишини таклиф қилганим хаёлимдан бутунлай кўтарилибди.

Қажва ича туриб биз у ёқ-бу ёқдан гаплашдик. Иккаласининг ҳам таъби тирриқ бўлган, тезроқ менинг кетишимни исташарди. Бу менга ёқмади, албатта, бир иложини қилиб уларни ҳам «чимдиб» олиш ҳаракатига тушдим. Туриб-туриб девор ҳам, тепача ҳам менга

тегишлилигини бутун шаҳар билишини айтдим. Аммо бу сафар меъёридан ошириб юбордим, шекилли. Билль важоҳат билан ўрнидан туриб:

- Терагингиз ҳам, ерингиз ҳам, деворингиз ҳам бошингиздан қолсин! Сиз билан одамга ўхшаб яхшиликча гаплашмоқчи эдим. Садқаи одам кетинг! Йўқолинг, қорангизни ҳам кўрмай! - деди-да, уйидан чиқишим билан эшикни қарсиллатиб ёпди.

\*\*\*

Эртаси куни Биллга бирор марта ҳам кўзим тушмади, Эвелин унда-бунда кўриниб қоларди. Назаримда у нимадандир мамнундек туюларди. Бу менга ёқмади. Ўч олиш учун бирор ҳунар ўйлаб топишяптими деган ўйга ҳам бордим. Орадан бир-икки кун ўтиб, Реймондларнинг совишини пойлаб, кейин уйларига чиқдим.

Эвелин мени оstonада қаршилади. Юзидаги ўша мамнуният ифодаси ҳали ҳам кетмаган эди. Аммо менга нимадандир безовтадай, ҳаяжонланаётгандай, хаёли аллақаёқдадай туюлди. Эрингиз кўринмайди деганимга у, бир ёқقا кетувди, бу яқин орада қайтмайди деб жавоб берди.

- Ўша куниёқ-а? Кутимаганда-я? - тагдор қилиб сўрадим.

Эвелин ғалати кулиб қўйди:

- Ҳа, кутимаганда, миссис Карнби. Ўша арзимас ерни деб ораларингизда кўнгилсизлик бўлиб ўтганидан жуда таассуфдаман. У бекорга қизишиб кетди. Биз у қуриб кетгур ерга қайтиб ҳеч қачон даъвогар бўлмаймиз.

Назаримда, у тезроқ кетишимни истарди.

- Эрингизнинг ўзи келмасидан туриб бунақа қатъий гапирманг. Балки, бу қарорингиз унга ёқмас, - дедим жўрттага унинг иззат-нафсиға тегиши учун. Мўлжални хато олмаган эдим. У бошини ғоз тутиб менга тик қаради:

- Юқори Сойлик менинг пулимга сотиб олинган, у менга қарашли, таг-туғи билан! Буни эрим жуда яхши билади, тушундингизми, миссис Карнби?

- Тушундим, - дедим паст келиб ва унга миннатдорчилик билдириб изимга қайтдим. Эй Худо, ўша дамларда бу такаббур аёлни кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ эди.

Ўша ҳафта ҳам, кейинги ҳафта ҳам Билль Реймонд кўринмади. Эвелин билан кўришиб қолганимизда эрини сўрасам, ҳали ҳеч қанақа хат-хабар йўқлигини, кутмаётганлигини ҳам, чунки эри жуда банд бўлиши кераклигини айтарди. Унинг асаби таранглашган, рангининг қони қочгандек қўринарди менга. Мен почта бошлиғи Эльвира Картердан суриштирганимда, у ҳақиқатан ҳам Биллдан ҳеч қанақа хат-хабар келмаганини тасдиқлади. Шундан сўнг Эвелинни эри ташлаб кетган бўлиши керак деган хулосага келдим.

Бир куни Эльвира билан бу ғалати жумбоқни гаплашиб турганимиз устида ўғли - Ист-Хантли темир йўл бекатида бошлиқ бўлиб ишловчи Билль Картер келиб қолди. У ҳикоямизни эшитиб ўйланиб қолди.

Эртасига Билль Картер атайлаб келиб мен айтган куни ҳам, эртасига ҳам ходимлари темир йўл бекатида Эвелиннинг эрини кўришмаганини айтди. Биз Эльвира билан бир-биримизга тикилиб қотиб қолдик. Ниҳоят Эльвира тилга кирди:

- Тез уникуга бориб айтинг. Бирор фалокат юз берган бўлмасин.

Борсам, Эвелин омборхонасидан чиқаётган экан. Кўзларининг ости кўкарган, юзлари салқиган, гўё кечалари эзилиб бир нималарни ўйлаб ухламай чиқсанга ўхшарди. Мен олиб келган хабаримни

юмшатиброк айтишга ҳаракат қилдим. У заррача хавотирга тушмади, фақат бир оз ҳайрон бўлди, холос.

- Ия! Ҳали унинг ғойиб бўлгани ҳақида полицияга билдирамайсизми? Худо кўрсатмасину, бирор бир фалокат юз берган бўлса-чи? - дедим шўрлик Ефраимнинг бошига тушган кун ёдимга тушиб.

- Унга ҳеч нарса қилмаган, - деди у босиқлик билан. - Тўғри, Ист-Хантли бекатида поездга чиқмагани ғалати. Аммо Уэст-Хантлида ҳам темир йўл бекати бор-ку.

- Ё тавба! - дедим ҳайратимни яширмай. - Бошқа бекатга бориш унга нима зарур эди? Ахир тагида на машинаси, на оти бор эди. Уэт-Хантли бу ердан нақ ўн беш миль нарида-ку. Ўзимизникигача эса яёв беш дақиқалик йўл. Бундан ташқари, шу пайтгача ҳали ундан бирорта ҳам хат олмадингиз. Ҳамма иши жойида бўлса битта-яримта хат ёзмасмиди?

Унинг кўум-кўк кўзлари жаҳлдан чақнаб кетди:

- Миссис Карнби, менинг шахсий ташвишларимни бунчалик юрагингизга яқин олмасангиз? Нега оиласвий ишларимиз сизни бунчалик қизиқтириб қолди? Эрим бошда хат-пат ёзмаслигини менга аниқ-тиник қилиб айтган. Шунинг учун ҳам ундан кўнглим хотиржам, тушундингизми? Бундан буён шахсий ишларимга бурнингизни тиқманг!

Бундай муомалани кўриб шартта турдиму, жаҳл билан бурилиб кетдим. Аёлнинг эри ҳақидаги бундай сирли, хавотирли хабарни шу даражада бепарво қабул қилганига, ҳаммасидан ҳам мендан жаҳли чиққанига ҳайрон эдим. Ваҳоланки, бунчалик жон куйдирганим учун менга раҳмат айтиши керак эди-ку.

Уйта келиб узок пайт шу ҳақда ўйладим...

\*\*\*

Эртаси куни эса янада ғаройиб воқеалар юз бера бошлади... Дераза олдида иш тикиб ўтирадим. Қарасам, шериф Юқори Сойликка қараб боряпти. Ёнида белкурак ушлаган бир неча киши. Тикишимни бир четга қўйиб мен ҳам ўша ёққа бордим.

Шериф одатдагидан сўзамолроқ ва хушмуомалароқ эди. Мендан у-бу маълумотларни билиб олмоқчилиги шундоқ сезилиб турарди. У менга маркасиз, почта муҳрисиз конвертни кўрсатди. Конверт устида газетадан қирқиб олинган босма ҳарфлар ёрдамида «ШЕРИФГА» деб ёзиб қўйилган эди. Хат ҳам нуқул газетадан қирқиб олинган ҳарфлар ёрдамида битилган бўлиб, унда «Мурда Юқори Сойликка кўмилган» деб ёзилган эди. Ҳеч қанақа имзо кўринмасди.

- Буни қаердан олдингиз? - деб сўрадим, хаёлимдан эса «Ҳа, нега эри билан қизиққанимга жони чиққанини энди билдим. Уни ўзи ўлдирган экан-да!» деган ўй кечарди.

- Миссис Карнби, бизга бу ишда кўмак бермайсизми? - саволимга савол билан жавоб қайтарди шериф. - Фермангиз Юқори Сойлик фермаси билан ёнма-ён. У ерда нималар бўлгани сизга кафтингиздагидек кўриниб туради. Кўзингиз эса Худога шукр, ҳалиям бинойидай кўради. Таваккалига қазиб нима қилдик. Сизнингча, бегоналар тополмаслиги учун мурдани ферманинг қаериға кўмиш мумкин?

Шериф нима деётганини тушуниб турардим. Ҳақиқатан, ферманинг ҳар қарич ерини мен беш қўлимдек билардим.

- Полиз ичига кўмса ҳам бўлади, - дедим иккиланиброк, - аммо ернинг кавланганлигига кўз тушмайдиган жой бўлиши керак.

- Балки ҳайдаб қўйилган ерdir?

- Йўқ, - ишонқирамай бош чайқадим. – Омборхона бўлса бошқа гап. У ерда устига бетон плиталар бостирилган ўралар ҳам бор.

- Фоят миннатдорман, миссис Карнби, - астойдил хушомадгўйлик қилди шериф гўёки яқин орада маҳаллий сайловлар бўладигандек. Сўнг у ёнидаги гувоҳларни бошлаб омборхонага томон кетди. Мен ҳам уларга эргашдим. Эвелин Реймонд бизларга пешвоз чиққанида, унинг юзу кўзига тикилиб ич-ичимдан қувонаётганимни сезиб қолдим. У қўлларини қўкрагига чалиштирганча жим тураг, гўёки бу ёғига нима бўлишини кутарди.

Гувоҳлар бетон плиталарни четга суриб, устига тупрок тортилган ўраларни кавлай бошлишди. Ҳа деганда бирор натижа чиқавермади. Шериф ўзини ноқулай сезиб, гўё ҳаммасига сен айборсан дегандай дамба-дам менга қараб-қараб қўярди. Нихоят белкураги нимагадир тегди шекилли, бир гувоҳ қазишдан тўхтаб, тиз чўкиб тикилди, кейин эҳтиёткорлик билан тупрокни бир четга сура бошлади. Мана, нихоят мурданинг усти очила бошлади! Унинг эгнидаги кийими титилиб бўлган, этлари ҳам ирий бошлаган, юзини эса оҳақ бутунлай куйдириб улгурган, бош суюклари кўриниб қолганди. Лоп этиб Реймондларнинг ўлган бузоги эсимга келди.

- Бўй-басти мархумники билан тахминан teng, - деди гувоҳлардан бири.

Аммо мурдани ҳаммадан ҳам Эвелин аниқроқ таниди. У ўранинг ёнига гандираклай-гандираклай келиб қарди-ю, ёввойи овозда қичкириб юборди:

- Билль!

То доктор Бейли келиб юзига бир нима сепмагунча у жазавага тушган телбалардай тинимсиз такрорлай берди:

- Билль! Билль!

Юзига сепилган дори таъсирида у тинчили, аммо юзи аллақандай аламли тус олди.

Унга металдан ясалган гугурт кутисини кўрсатиши. Қути занглаган бўлса ҳам, қопқоғи устига ўйиб ёзилган «Б.Р.» ҳарфлари аниқ билиниб турарди. Эвелин ҳўнграганча қути эрига тегишлилигини тасдиқлади.

Аммо ҳаммасидан ҳам мурданинг кафти ичидан топилган тугма барчани ўйлантириб қўйди. Шериф уйда тинтуб ўтказаётиб кийим жавонининг пастки тортмасидаги қопнинг ичидан эски-туски латта-путталар орасидан шунаقا тугмали оч қизил жун свитер топди. Свитернинг ҳақиқатан бир дона тугмаси йўқ эди! Эвелин қичкириб юборди. У анчадан буён шу свитерини тополмай юрганини, тугмаси далани айланиб юрганида йўқолиб қолганини, уни излаб кетган эри тополмай келганини кўз ёшини тия олмай айтиб берди. Бу гапларига ақлини таниган кишининг ишониши қийин эди, албатта.

Унинг нега эри бедарақ кетгани ҳақида полицияга хабар бермаганини изоҳлаши янайм ишонарсиз чиқди. Эвелин эри билан ўрталари яхши бўлмаганини яшириб ўтирмади. Яширолмасди ҳам-да, чунки мен ўзим уйларида гувоҳи бўлган жанжаллари ҳақида аллақачон айтиб берган эдим.

- Ҳа, муносабатларимиз борган сайин ёмонлашарди. Бунга эримнинг менга моддий қарамлиги сабаб эди. Мен уни кўз очиргани қўймасдим. Лекин ўша оқшом миссис Карнби кетгач биз жанжални йиғишириб жиддий гаплашиб олдик. Эрим ҳамма балога ўзининг укувсизлиги, иродаси бўшлиги сабаб эканини тан олди. Ўртамиизда

ўзаро хурмат анчайин кўтарилигган бўлса ҳам, биз ҳамон бир-бirimizni севардик. Шу оқшом янгича ҳаёт бошлишга қарор қилдик. Билль бир ўзи иш излаб чиқиб кетишини, то тайинли, тузуккина даромадли бир иш топилмагунча менга хат ҳам ёзмаслигини, қўнғироқ ҳам қилмаслигини айтди. Аввалига унинг режаси менга тентакликдек туюлди. Кейин ўйлаб туриб уни маъқулладим. Бу гал омади келса не ажаб, деб умид қилдим, унинг ҳам кўнглини кўтардим.

Эвелиннинг гапига яна шунинг учун ҳам ишониш қийин эдики, эри уйидан ҳеч қанақа иссиқ кийим олмаганди.

Эвелиннинг овози титради:

- У эрталаб мени уйғотмасдан, хайрлашмасдан чиқиб кетган. Шунга келишган эдик. Шунинг учун нега иссиқ кийим олмагани менга қоронғи. Балки, кейинроқ хатида почта орқали жўнатишимни сўрар, ортиқча юқ бўлмасин деб олмагандир деб ўйловдим...

Нижоят Эвелиннинг ўз гапида туриб олиши шерифнинг жонига тегди.

- Мисс Реймонд, - деди у асабий оҳангда бу эртагингизга илгари ишонса бўларди. Лекин ўзингиз кўриб, тан олиб турибсиз – эрингиз ҳеч қаёққа кетмаган, ўлдирилган, омборхонангизга кўмилган. Мана мурдаси. Нега сизга эрингиз поездга чипта олмаганини, темир йўл бекатига чиқмаганини айтишганида хавотирга тушмадингиз? Шу эрингизнинг мурдасими? Тан оласизми?

- Ҳа, шериф, – деди Эвелин умидсиз бир алфозда.

- Уни сиз ўлдиргансиз. Буни илгаридан ўйлаб юргансиз. Бошқалар ҳам бу нияtingизнинг ўз оғзингиздан чиққанини эшитган. Қотиллигингизни тан оласизми?

- Йўқ! – деди Реймонд сувда чўкаётиб хаста ёпишган одамдай талвасага тушиб. – Йўқ! Тўғри бу фикр баъзан хаёлимга келарди. Ахир, ҳар қанақа одамнинг ҳам тоқатини тоқ қилишса хаёлига нималар келмайди... Аммо мен ўлдирганим йўқ, йўқ!

Охирги гапи ўзига бўлган гумонни баттар оширди. Ист-Хантлида бирор бир одам ҳар қанча ғазаб отига минганида ҳам ўз яқинини ўлдириш хаёлига бормасди. Бу аёл бизни ваҳимага соларди.

Доктор Бейли далолатнома тузди. Ўлим мархумнинг чаккасига етказилган зарб оқибатида юз берган эди. Бундай зарбни бирор бир қишлоқ хўжалик қуроли ёки ўткир қиррали тош ёрдамида етказиш мумкин эди.

\*\*\*

Уни суд қилишди. Ист-Хантли тарихида бунақаси ҳали бўлмаган эди. Ишни ҳафсала ва холислик билан кўриб чиқиши. Азбаройи батафсил тингланганидан энг арзимас тафсилотлар ҳам бизга ёд бўлиб кетди. Унга ўзини оқлаши учун ҳамма имкон берилди. Аммо киши далилдан қочиб қаёққа ҳам борарди. Эвелин Реймонд ҳарчанд уринса-да, эри темир йўл бекатидан поездга чиқмаганини айтишгач, нега полицияга хабар қилмаганини ишонарли изоҳлай олмади.

Судда мени ҳам ҳайратга соган бир тафсилот маълум бўлди. Бу шериф мурда қаерда кўмилганини билиб олган хат билан боғлиқ эди. Хатни Супи Дин ўз ғоридан топиб олган экан. Супи шўх, ўйинқароқ бола. У бир йилча олдин шаршара остидаги қоя ичида торгина ғор борлигини «кашф этган», шундан буён бўш бўлди дегунча шу ғорда ўйнар эди.

Хатнинг ғорда қанча пайт ётгани номаълум. Супи сўнгги икки-уч ҳафта Ярмутдаги қариндошлариникида меҳмон бўлган. Тикка қоядан кириладиган ғорга эса ундан бошқа бирорнинг кириши гумон эди.

Сузи уйига қайтиши билан ғорига юрган. У хатни дархол шерифга олиб бориб берган. Балки, Сузи мәжмонағана, жиноят янаям тез очилармиди.

Аммо хатта боғлиқ тарих шу билангина якун топмади. Қолған гаплар бевосита менга боғланар эди. Хат ёзилған қоғоз менга жияним жүнатған бандеролга ёпиширилған почта бланкаси экан. Хат битилған босма ҳарфлари эса чордоғимда ётған эски детектив журналлардан кирқиб олинған экан.

Химоядан бирор натижа чиқишига умид йүқ әди. Судланувчи буни англаб етиб, баттар қайсарлашды. Бу суд маслаҳатчиларида ҳам ёмон таассурот қолдирди. Ҳукм чиқарыладиган куни унинг юзига қараш жуда оғир әди. У құрқұвдан күзларини катта-катта очғанча ҳайкалдай қотиб туради. Мен шүрлик доргача етиб боролмаса керак деб үйловдим. Янглишган эканман. Жазо ижро этиладиган кун арағасидаги тунда миңжа қоқмай чиқдим. Маслаҳатчилар ҳам кечани үйқусиз үтказишкан бўлишса керак. Унинг айбордлигини билиб турған бўлсак ҳам, лекин аёл кишини дорга осиш, ҳатто у қасдан одам ўлдирған эса-да, даҳшатли иш әди.

Агар Эвелин Реймонд бошдан бошқача кўргазма берганида, эрини тасодифан, эҳтиётсизлик орқасидан ёки ўз-ўзимни ҳимоя қила туриб ўлдирдим деганида ҳам, уни қамоқ жазосига маҳкум этишлари мумкин әди. Аммо аёл ўз гапида оёқ тираб туриб олди!

У: «Эрим ўзини кўрсатиш, иш топиб мустақил равищда пул орттириш учун чиқиб кетганди» деб такрорлайверди. Бир гал у менга ҳам «ташланиб қолди» – гўёки қотилликни мен қилиб, ўзимни шубҳадан соқит этиш учун, хатни уюштирган эмишман. Суд залига тўпланганлар бу уйдирмага ишонишмади. Аксинча, Эвелин бу сўзлари билан ўзига бўлган озгинагина ҳамдардликни ҳам сўндириди.

Суд жараёни Ист-Хантлидаги ҳаётни алғов-далғов қилиб юборди. Шу пайтгача шаҳарчамизда бунақа ошкора қотиллик бўлмаган, айборд ўлимга ҳукм этилмаган әди. Ҳатто Эвелин қатл этилганидан сўнг ҳам анча пайтгача одамларнинг турмуши илгариги тарзга тушиб кетолмади. Уларни хотира юки руҳан эзарди.

\*\*\*

Билль Реймонд кузда қайтиб келди. Яратганга беадад шукрларки, ҳадемай оламдан ўтаман, қайтиб бундай даҳшатнинг гувоҳи бўлмайман.

Мен Юқори Сойликни ёнлаб ўтган йўл бўйлаб шаҳарга кетаётган эдим. Тэд Харман машинасини ферма дарвозаси олдида тўхтатди. Юқхонадан бир неча жомадонни олиб ерга қўйди, сўнг машина эшиги ёнига бориб очиш-очмаслигини билмагандай туриб қолди. Унинг юзи бўздай оқариб кетган, лаблари титрарди. Тэд менга бир нималар демоқчи бўлар, лекин тили айланмасди.

Шу пайт машина эшиги очилиб... мен даҳшатдан қотиб қолдим, миямдан яшин тезлигига «Бўлиши мумкин эмас! Кўзларимга ишонмайман!» деган ўй ўтди. Ҳа-ҳа, машинадан Билль Реймонд тушди.

У кўп ҳам ўзгармаганди. Тўғри-да, орадан бор-йўғи бир неча ой ўтганди, холос. Ҳа, бу тўрт мучаси соғ, офтобда тобланган, тетиклашган Билль Реймонд эди.

У мени кўриши билан дўстона қўл чўзиб истиқболимга юрди. Юзу кўзида «ўтган гапга саловат, бошдан кампиршоҳ билан яхши муносабат ўрнатиш керак» деган ифода муҳрланган әди. Кейин у тўхтади, қовоғини уйиб сўради:

- Нима гап? Нега кўринишингиз ғалати, миссис Карнби? Ёки мазангиз йўқми? Бир сиз эмас, негадир бошқа таниш ҳамشاҳарлар ҳам мени ғалати қаршилашяпти. Тинчликими ўзи?

- Шу пайтгача қаерларда эдингиз? - дедим. - Наҳотки, бехабар бўлсангиз? Нега дарҳол етиб келмадингиз?

У энсаси қотиб жавоб қайтарди:

- Мушук-сичқон ўйнамасангиз-чи, миссис Карнби. Бу ёқларда нималар бўлганидан қаёқдан ҳам хабарим бўлсин. Савдо флотида хизмат қилдим. Портма-порт юриб бутун дунёни кезиб чикдим. Майли, бу гапларни кейин бафуржга гапириб берарман. Ҳозир тезроқ хотинимни кўрай.

Тилим гўё танглайимга ёпишиб қолди. Биллнинг енгидан маҳкам ушлаб, то тилим калимага келмагунича қўйиб юбормадим.

- Фермангизга кирманг, - дедим ниҳоят пицирлаб, - хотинингиз у ерда йўқ.

У бошини кўтариб уйига ҳайрон бўлиб қаради. Эвелин осилганидан буён уйга ҳеч ким яқин йўламаган, атрофини ўт-ўланлар босиб, қаровсиз ҳолга келиб қолган эди.

- Наҳотки, кутишга унинг сабри чидамади? - деди Билль ўзгарган овозда. - Наҳотки, менга заррача ишончи қолмаган бўлса?

Унинг гап оҳангода сунъийлик бордек туюлди менга. Ортиқ чидай олмадим, бақириб юбордим:

- У ўлган, ўлган! Аллақачон кўмиб ҳам бўлдик! Уни эрини ўлдирганликда айблаб осишли!

Билль маст кишидек чайқалиб кетди, сал бўлмаса жомадонларининг устига ийқилиб тушарди. Тэд билан икковимиз уни оҳиста чимзорга ўтқизиб, бир-биримизга қараб қўйдик. Шаҳардан одамлар оқиб кела бошлиашди. Ҳамма Биллга ачинарди.

Нафсилембрини айтганда, Эвелиннинг ўлимига ҳаммамиз ҳам айборд эдик. Бу фикр ҳар биримизга азоб берарди. Демак, шўрлик аёлнинг бизга эртакдек туюлган гаплари ҳақиқат экан-да! Суриштириб кўрилганда, Биллнинг савдо флотида ишлаганлиги тўғрисидаги ҳамма гаплари тасдиқланди. У ҳатто олис Россияда ҳам бўлиб улгурибди!

\*\*\*

Бунинг қачон бошлангани эсимда йўқ. Аввалига узунқулоқ мишишлар пайдо бўлди. Кейин қўшиб-чатиб уларни шиширишди. Дастрлаб бунга эътибор бермадим. Бора-бора ўзимга бошқаларнинг душманлик билан қараётганини сезиб қолдим.

Нима эмиш, бу ҳатни мен шерифга бежиз юбормаган эмишман. Агар бирор айбим бўлмаганида нега ҳамма билганларимни очиқласига, ҳақиқий насронийларга ўхшаб айтиб бермабман. Супи Дин қиёфасида хуфиёна воситачига нима ҳожат бор экан? Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Бундан ташқари, омборхонадан топилган мурданинг ким эканлигини ҳам изоҳлаш керак эди. Дарҳол Ефраим Джаджни, у билан орамизда бўлиб ўтган жанжални эслашди. Реймондларни ёмон кўрганим учун мурдани топиб олиб, уларнинг омборхонасига кўмиб қўйганлигим ҳақида гап тарқатишиди.

Бора-бора бутун шаҳар менга тескари бўлиб қолди. Тўғри-да, бир бегуноҳ аёлни ўлимга ҳукм қилишди, энди айборни топиб, ўз айбларини унга ағдаришлари керак эди-ку! Шерифга қаерни қазиш лозимлигини ким кўрсатган – Бэсси Карнби! Бир оёғи гўрда бўлган мендай бир кампирнинг мурдани ташиб келтиришга, чукур ўра қазишга кучи етмаслиги эса ҳеч кимнинг эсига келмасди.

Лекин Билль Реймонд ўзини ғалати тутарди. У шаҳарликларнинг таъна-дашномидан мени ҳимоя қила бошлади. Менинг қарилигимни, кучдан қолганимни, оғир касаллигимни айтиб, қилган гуноҳларим учун шу жазонинг ўзи етарлилигини айтарди. У мени кечирган эмиш. Ҳаммасидан ҳам жияним Камилланинг Билль билан иноқлашиб бораётгани мени хавотирга соларди. Бир-икки марта унга эҳтиёт бўлишини тайинлаганимда, гўё «Қилиғингизни қаранг! У сизнинг ёвуз қилмишингизни кечирди-ю, сиз бўлсангиз...» дегандай қаради. Бу ҳаммасидан ўтиб тушди. Бутун киш бўйи тўшакдан турмадим, ҳисоби.

Эртага бўлса Юқори Сойликда тўй! Ўша «кечиримли одам» — ўша котил менинг жиянимга уйланяпти! Демак, ҳадемай менинг фермам — Қуёшли Дала ҳам унинг номига ўтади. Мен эсам гўрга кираман!

Ахир, мен хатни ёзмаганимни, ғорга қўймаганимни ўзим яхши биламан-ку! Ефраим Джаржнинг мурдасини ҳам мен топиб олмаганман. Уни Билль топиб олиб, ўзларининг омборхонасига кўмган. Ёвузона режасини амалга ошириши учун шу нарса керак эди. Кейин мурданинг юзига сўндирилмаган оҳак тортган. Бу борада эса ўлган бузоғини кўмганида тажриба орттирган эди. Ҳойнаҳой, у бузоғини ҳам атайлаб жарликка ҳайдаган бўлса керак.

Мурдага қўшиб гугурт қутиси билан хотинининг тугмасини ҳам атайлаб кўмган. Маълумки, бу буюмлар металлдан ясалган эди.

Кейин бошқа тайёргарлик чораларини кўрган. Бошқалар эшитиши қулай бўлган вақтни, жойни мўлжаллаб бир неча бор хотинининг жаҳлини чиқариб, дўйқ-пўписа, таҳдид қилишигача олиб борган. Сўнгги жанжални эса атайлаб мен учун уюстирган.

Ўша оқшом мен кетгач, у хотини кўзи олдида тавба қилувчи ролини ижро этган. Биллни бу ролида ҳудди ҳозир кўриб тургандайман! Шўрлик хотини бунга чиппа-чин ишонган. Хатни ҳам Супининг ғорида ўзи қолдирган. Сўндирилмаган оҳак ҳам ўз ишини қилган. Сўнг яrim кечаси пиёда Уэст-Хантли темир йўл бекатига қараб йўлга чиқкан. У ердан юк поездига ўтирган. Гапларига асос бўлиши учун кейин савдо флотига ишга ёлланган. Асли ҳақиқат ана шундай бўлган. Тўғри, Билль Реймонд Ефраимни ўлдирмади, унинг мурдасидан фойдаланди, холос. Билль ўз хотинини ҳам ўлдирмади, бунга бутун шаҳар аҳлини мажбур қилди.

Ҳозирги ҳолатимда кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Ҳамма бўлиб ўтган воқеаларга мени сабабчи деб билади. Ҳеч ким мен билан гаплашмайди — Билль Реймондан бўлак ҳеч ким! Ҳар оқшом у сунъий қулимсираб, тил учида меҳрибончилик қилиб тепамга келади. Бутун шаҳар унинг фариштадек беозорлигидан ҳайратда эди. Камилла уни сиғингудай яхши кўрарди.

Ётибман. Ўйларим исканжасида қийналаман. Деворлар гунг, кар. Каравотим устида пазандалик маслаҳатлари ёзилган қофозлар сочилиб ётибди. Булар хўжакўрсинга, улар мени шу иш билан банд деб ўйлашсин. Хаёлимда эса режамни пишитаман.

Сўнгги пайтларда оғриқ кучайиб боряпти. Аммо чидашим керак. Бир талай морфий таблеткаларини тўплаб қўйдим. Хизматкоримиз Энни ҳар гал белгиланган соатларда менга дори беради, лекин уни ичдимми-ичмадимми — иши бўлмайди. Энди ҳеч кимнинг мен билан иши йўқ. Ўзим ҳам аллақачон ҳаётимга қасд қилиш тўхтамига келгандим. Фақат аввал ўйлаб юрган режамни шошмасдан, тўғри амалга оширишим керак эди.

Хозиргина Эннини чакиртирдим. Унга шериф номига ёзган хатимни бериб, тезда унга етказишини, ҳеч кимга бу ҳақда лом-мим демаслигини буюрдим. Хизматкор буни икрорномам деб үйлаган бўлса керак. Ўйлайверсин. Аммо бу икрорнома эмас. Мен хатимда хурматли шерифга Билль Реймонд ҳамма үйлаганидек беозор эмаслигини ёздим. У бир неча бор дори қутичамдан морфий таблеткаларини ўғирлаганини пайқаганимни кўрсатдим. Ҳойнахой, мени заҳарлаш ниятида бўлса керак, ундан ҳимоя қилишингизни сўрайман, деб ёздим.

Бир неча дақиқадан сўнг эшик очилиб, ҳар галгидек Билль Реймонд киради. У юзида ўша сохта табассуму меҳрибончилик билан менга хайрли тун тилайди. Шунда мен тўсатдан ўзимни ёмон ҳис қиласман. Ундан юрак хуружига қарши доридан томизиб беришини сўрайман. Дори идишни олиш учун орқасига ўгирилганида эса стакандаги сувга бир неча морфий таблеткасини ташлаб юборишим қийин эмас. У стаканга дори томизгач, ичириб қўйишини илтимос қиласман.

Морфийли идиш хона бурчагидаги жавонда турибди. Унга менинг қўлим етмайди. Мурдамни ёриб кўришганида эса морфийдан заҳарланиб ўлганимни аниқлашади.

Унгача шерифга менинг хатим етиб борган бўлади. У албатта Биллнинг бармоқ изларини излашга тушади... ва стакандан топади. Стакан тубида эса морфий юки борлигини аниқлашади.

Билль Реймонд суд залида ўзини оқлашга уринаётганда Юқори Сойлик бекасини эслashi шубҳасиз. У дорга томон борар экан, кўз олдида малла соч, кўк кўз хотини намоён бўлса, ажаб эмас».

#### ЭСЛАТМА:

Ушбу қўлёзма миссис Карнбининг ўлимидан ва Вильям (Билль) Реймондинг бу қотилликда айбланиб жазоланганидан бир неча йил кейин топилди. Қўлёzmани миссис Карнбининг жияни Камилла Реймонд олиб келди. Унинг тасдиқлашича, қўлёzmани холаси ёзиб қолдирган пазандалик маслаҳатлари ичидан топиб олибди.

#### Имзо:

Прокурор Уинстон Томас.

### ➤ Агата Криста Ибодатхонадаги қотиллик

- Қани, доктор Пендер, энди сизнинг галингиз. Бизга нима айтиб берасиз?

Ёши бир жойга бориб қолган доктор хижолатомуз жилмайди:

- Менинг умрим тинч, хилват жойларда кечган. Ҳаётимда ҳайратланарли, қизик ҳодисалар айтарли бўлмаган, - у жиндак ўйланиб қолди. - Ҳа, айтганча, ёш йигитчалик вақтимда жуда ғалати ва фожиали ҳодисанинг гувоҳи бўлган эдим.

- Жуда яхши-да! Қани, эшитайлик, - Жойс Лемприер жонланди.

- Орадан қанча йиллар ўтган бўлса ҳам ҳамон ўша воқеани унута олмайман, - ҳикоясида давом этди руҳоний. - У ҳаётимда шунчалик чуқур таассурот қолдирганки, ҳатто ҳозир ҳам майда-чуйда тафсилотларигача яхши эслайман. Мана шу топда ҳам ўша қотиллик қуролининг изи қолдирилмай ўлдирилган киши кўз олдимда турибди.

- Шу гапингизданоқ этим жимиirlаб кетди, - пицирлади сэр Генри.

Доктор Пендер қулимсираганча оромкурсига ўрнашиб ўтириди-да, к'зойнагини ечиб, юмшоқ, мулоим овозда ҳикоясини давом эттирди:

- Ораларингизда бирор киши Дартмур ҳақида тасаввурга эгами? Мен айтадиган жой ана шу Дартмур билан чегарадош. Табиати ниҳоятда

сўлим, қўрғон ҳам файзлигина. Анча пайтгача харидор топилмаганига ёнидаги жойлар ҳақида ҳар хил гаплар юрган бўлса керак. Уни Хейдон – Ричард Хейдон сотиб олди. Бир пайтлар коллежда бирга ўқиган эдик. У билан анча пайт қўришмагандик. Эски дўстлик ришталаримиз мустаҳкам эканми дейман, янги сотиб олган «Сокин дараҳтзор»га (қўрғонни шунақа деб аташарди) меҳмонга таклиф қилганидан хурсанд бўлиб кетдим.

Меҳмондорчилик унча катта, дабдабали бўлгани йўқ: унда Ричарднинг амакивачаси Эллиот Хейдон, леди Маннеринг ўзининг рангпар қизи Виолет билан, капитан Рожаре рафиқаси билан (икковиям офтобда қорайган, қадди-қомати келишган уста чавандоз) қатнашишди. Ҳа, айтганча, меҳмонлар орасида ёш доктор Саймондса ва мисс Диана Эшли ҳам бор эдилар. Диананинг номи менга яхшигина таниш эди. Унинг суратлари матбуотда киборлар ҳаёти саҳифаларида тез-тез чиқиб туради. Уни гўзал деб ҳисоблашарди. Ҳақиқатан ҳам, қизнинг ҳусну малоҳати ҳар қандай кишини лол қолдиради. Унинг бўйи баланд, соchlари тим қора, териси ниҳоятда силлиқ, нозик эди. Кўзларини ярим юмиб қараши билан ҳам кишини ўзига тортиб оларди. Овози худди қўнғироқдай жарангдор, ёқимли эди.

Дўстим Ричард Хейдон бу хонимга ошиқу бекарор бўлганини дарҳол пайқадим. Диidor ғанимат деганларидек, меҳмондорчилик ҳам уни кўриш учун бир баҳона эди. Аммо Диана Ричардни севмасди, назаримда. Дейлик, у бугун сухбати билан факат Ричардни хушнуд этиши, атрофида бошқа ҳеч кимни кўрмаслиги мумкин эди. Эртага Эллиотга худди шундай иштиёқ билан муносабатда бўлиши, Ричардга умуман эътибор бермаслиги, индинига эса босиқ ва уятчан доктор Саймондснинг бошини айлантириши ҳеч гап эмасди.

Эрталабдан Ричард бизларга бутун қўрғонни қўрсатиб чиқди. Уйнинг одамни қойил қолдирадиган даражадаги ҳеч нарсаси йўқ, аммо у девоншир харсангтошидан мустаҳкам, пишиқ қилиб қурилган эди. Деразадан баланд-баланд тепаликлар кўриниб туради.

Қўрғон яқинида қазиш ишлари олиб борилиб, у ердан аллақандай бронза жиҳозлар топилган эди. Ричард Хейдон тарихий буюмларга қизиқарди, шунинг учун у топилмалар ҳақида бажону дил ҳикоя қилиб берди. У жумладан, бу ерлар ўтмиш ёдгорликларига бой эканини айтди.

Яланғоч текислик ўртасида қалин дараҳтзор бор эди.

- Уни қаранглар, - деди Хейдон, - баъзи дараҳтлар қуриб қолган, бошқалари ғовлаб, ўсиб кетган. Улар финикияликлар шу ерларда яшаган даврларга ҳам гувоҳдир. Юинглар, томоша қиласиз.

Биз Ричарднинг ортидан эргашдик. Даражтзорга етиб келишимиз билан ўз-ӯзидан юрагим сиқила бошлади. Балки мутлоқ жимликданми: бу ерда бирор-бир қушнинг чирқиллаши эштилимас, улар бу дараҳтларга ин ҳам қўймасди, шекилли. Хейдон менга синовчан кулимсираб тикилиб турганини пайқаб қолдим.

- Ҳа, Пендер, ўзингни ғалати сезяпсанми? Ичинг безовтами, дейман? Бирор нарсадан уяляпсанми?

- Менга бу ер ёқмаяпти, - босиқлик билан жавоб бердим.

- Ёқмаслиги табиий. Бу ерда сенинг эътиқодинг душманларининг бир қалъаси бўлган. Бу эса «Астарталар дараҳтзори».

- «Астарталар дараҳтзори?»

- Астарталар ёки Иштарлар, хоҳлаганингдай атайвер, маъноси бир хил. Менимча, бу яқин атрофда уларнинг диний маданияти билан боғлиқ бошқа жой бўлмаса керак. Аниқ исботим йўқ. Аммо ишончим

комил — қарашибарингизда ўша «Астарталар дараҳтзори». Мана шу дараҳтзорлар орасида муқаддас амаллар бажарилган.

- Муқаддас амаллар? - пичирлади Диана Эшли. - Қизик, улар қандай бажарилган экан?

- Ҳеч ҳам қизиғи бўлмаган, - қаттиқ кулди капитан Рожерс.

Хейдон унга эътибор бермай гапида давом этди:

- Дараҳтзор ўртасида ибодатхона қурилса, зўр бўларди-ю, бунга маблагим етмайди-да. Аммо ўзимнинг кичкинагина орзуимни амалга ошириш ниятим бор.

Бу пайтда биз ўтлоққа чиққандик. Ўтлоқнинг қоқ марказида тош уй бор эди. Диана Эшли Хейдонга савол назари билан қаради.

- Мен буни саждагоҳ деб атадим, - изоҳ берди Ричард, - ёки «Астарталар ибодатхонаси» деса ҳам бўлади.

Ичкарида қора дараҳтдан қилинган тагликка ўрнатилган, шерга минганди, ярим ой шаклидаги шоҳлари бўлган финикиялик аёл ҳайкали ўрнатилган эди.

- Финикиялик астарта! - ҳаяжонланиб эълон қилди Хейдон. - Ой маъбудаси!

- Ой маъбудаси! - қийқириб юборди Диана. - Келинглар, бугун оқшом унинг шарафига ҳақиқий базми жамшид уюштирамиз. Маскарад костюмларини киямиз, бу ерга келиб ой ёғдусида Астарта шарафига ибодат бажо келтирамиз!

Мен ўзим билмаган ҳолда кескин бир ҳаракат қилдим, шекилли, Ричарднинг амакиваччаси Эллиот Хейдон:

- Падре, сизга бу нарсалар ёқмаяптими? - деб сўради.

- Ҳа, - силтаниб жавоб бердим, - ёқмаяпти.

- Булар ҳаммаси масхарабозлик-ку! - қулди у. - Дикнинг ўзи ҳам аслида муқаддас дараҳтзор қаерда бўлганини аниқ билмайди. У фақат хаёл қиляпти.

- Мен одатда умумий муҳитга унча сезгир эмасман. Аммо дараҳтзора киришим билан, бу ерда аллақандай ёвузлик, хатар борлигини ҳис қилдим, - ичимдагини яширмадим.

Эллиот беихтиёр елкаси оша орқасига қараб қўйди-да, қўркув аралаш:

- Ҳа, бу ер ғалати. Аммо сиз пича ошириб юбордингиз, чамаси. Тўғрими, Саймондс? - деди.

Доктор бир зум сукут сақлаб, кейин паст овозда жавоб берди:

- Буларнинг барчаси менга ҳам ёқмаяпти. Ўлай агар. Негалигини билмайман-ку, ёқмаяпти, вассалом.

Шу пайт ёнимга Виолет Маннеринг югуриб келиб ялинишга тушди:

- Қўрқиб кетяпман. Илтимос, бу ердан тезроқ кетайлик.

Икковимиз биринчи бўлиб орқамизга қайтдик. Бошқалар кетимиздан эргашишди. Фақат Диана Эшлигина жойидан жилмади. Орқамга ўгирилиб қараганимда, у маъбуда ҳайкалидан кўзини узолмай турарди.

Диана Эшлининг ажойиб костюмларда базми жамшид қилиш ҳақидаги таклифини ҳамма бажону дил қабул қилди. Шивир-шивир, ўйин-кулгу билан улар бир-биридан яшириб, костюм тикишга киришишди. Кечки овқатга йиғилганимизда ҳамма бир-бирининг ўзига хос костюмига қойил қолганини изҳор қилди. Рожерс билан хотини неандерталларга ўхшаб кийиниб олишганди. Ричард Хейдон финикиялик матрос кийимида чиқди, унинг амакивач八大是 эса қароқчилар атаманининг ғирт ўзи бўлиб қолганди. Доктор Саймондс бош ошпаз, леди Маннеринг ҳамшира, унинг қизи эса черкас қизи қиёфасида пайдо

бўлишди. Мен эса руҳоний ридосида эдим. Эшли кечки овқатга энг охирида чиқди. Унинг эгнидаги кенг-мўл қора доминол кўпчиликнинг ҳафсаласини пир қилди.

- Мен - номаълум аёлман! - тантанали эълон қилди у. - Энди, Худо хайларингизни берсин, дастурхонга марҳамат.

Кечки овқатдан сўнг ташқарига чиқдик. Илик, сокин, ажойиб оқшом эди. Кўкда ой кезарди.

Биз гап сотишиб, сайр этиб бир соат ўтганини билмай қолдик. Бир пайт қарасак, орамизда Диана Эшли йўқ!

- Ухлагани кетган бўлса керак, - хулоса чиқарди Ричард.

- Йўқ, йўқ, - бош чайқади Виолет Маннеринг, - чорак соатлар олдин унинг ана у ёққа кетаётганини кўрувдим, - Виолетта ой нурида қорайиб кўриниб турган дараҳтзорни кўрсатди.

- Кизик, нима хаёлда борган экан, - паст овозда деди Ричард Хейдон, - жин чалмадими, ишқилиб? Юринглар, бориб қараймиз.

Ҳаммани аллақандай сирли хавотирлик чулғади. Ричардга эргашиб дараҳтзор томон йўл олдик. Ҳар қадам босганим сайин менинг безовталигим ошарди. Гўё мени бир куч кўкрагимдан орқага итараётгандай туюларди. Бу жойларнинг нахс босганлигини илгариgidан ҳам аниқрок, кучлироқ ҳис қиласдим. Менимча, меҳмонларнинг мендан бошқа яна баъзи бирлари ҳам шундай ҳолатни бошдан кечиришарди-ю, буни ошкора тан олишгиси келмасди. Ой ёруғида дараҳтларнинг таналари бир-бирига қалишиб, бизнинг йўлимиизни тўсмоқчидек кўринарди гўё. Кундузи сув қуйгандек жимжит бўлган дараҳтзор ҳозир шивир-шивирлару хўрсишишларга тўлиб кетганди. Ҳаммамиз ваҳима ичиди, бир-биrimизнинг пинжимизга кириб аста-секин илгарилий бердик.

Ниҳоят дараҳтзор ўртасидаги ўтлоққа этиб келдик. Етиб келдигу ҳайратдан қоққан қозиқдек қотиб қолдик. Саждагоҳ остонасида шаффоф матога ўранган, гўё ой нурида чўмилаётган аёл туради. Унинг хурпайган соchlари узра бир жуфт ой ўроғи кўриниб туради.

- Вой, Худойим! - ҳайқириб юборди Ричард Хейдон.

Виолет Маннерингнинг кўзлари ўткирроқ экан:

- Бу Диана-ку! Шўрим, у нима балолар қилибди, ўзига ўхшамай қолибди, - деди.

Шунда саждагоҳ остонасидаги аёл қўлини юқорига кўтариб, олдинга бир қадам ташлаб, ёқимли, жарангдор овозда гапира бошлади:

- Мен Астартанинг коҳинасиман. Менга яқинлашманг, акс ҳолда маҳв бўласиз.

- Бўлди, азизим, - леди Маннеринг овози титраб ялина бошлади. - Одамни кўрқитманг. Ростдан кўрқиб кетяпмиз, бас қилинг.

Хейдон Диананинг истиқболига юрди:

- Вой, Худойим! Диана, жуда гўзалсан!

Менинг кўзларим энди ой ёруғига кўнинкан эди. Яхшилаб тикилиб Диана ҳақиқатан ўзгарганини кўрдим. Унинг юзи шарқона тус олган, кўзлари совуқ, қатъият билан чақнар, лабларида ғалати кулгу зоҳир эди.

- Эҳтиёт бўлинглар! - огоҳлантириди у. - Маъбудага яқинлашманлар! Кимки менга қўл теккизса, ўлим топади!

- Сен тенги йўқсан! - ҳайқириди Хейдон. - Факат, илтимос, бас қил бу томошангни. Менга ёқмаяпти.

Ричард Диана томон дадил юриб кетди. Шу пайт Диана Хейдонга қўлини чўзди:

- Тўхта! Яна бир қадам қўядиган бўлсанг, Астартанинг сехру жодуси билан сени йўқ қиласман!

Ричард беларво кулиб қадамини тезлатди. Шу асно ажабтовур ҳодиса юз берди. У чайқалди, нимагадир қокилди ва... бор бўйи билан ерга қулади.

Бизлар даҳшатдан қотиб қолгандик. Ричард юзтубан ётаверди, ўрнидан туриш тугул, қимир этмасди. Кутилмаганда Диана жазавага тушиб қула бошлади. Эллиот биринчи бўлиб ўзига келиб турган жойида бақирди:

- Бўлди, етар, тоқатим тоқ бўлди! Дик, тур ўрнингдан. Турсангчи!

Аммо Ричард Хейдон ақалли қимирламади. Эллиот унинг ёнига югуриб бориб, Ричардни чалқанчасига ағдарди. Сўнг Эллиот сакраб ўрнидан туриб, хиёл чайқалиб қичқирди:

- Доктор! Илтимос, бу ёқقا келинг. У ўлиб қолганга ўхшайди.

Саймондс жойидан қўзғалди, Эллиот эса шошмасдан биз томон юрди. У негадир қўлларига ғалати қараб қўйди.

Шу лаҳза Диана даҳшатли овозда ўкириб юборди:

- Уни мен ўлдирдим! Вой, Худойим! Буни хоҳламагандим, аммо уни ўлдирдим!

Диана ҳушини йўқотаётгандай ҳолсизланиб ўт устига ўтириб қолди. Энди миссис Рожерс бақиришга тушди:

- Тезроқ бу қўрқинчли жойдан кетайлик. Худо қўрсатмасин, бизларга ҳам бир бало бўлиши мумкин. Даҳшат, даҳшат!

Эллиот ёнимга келиб елка қисди:

- Бундай бўлиши мумкин эмас. Ақлим бовар қилмайди. Одамни бунақасига ўлдириб бўлмайди. Мумкин эмас, ғайритабиий.

Уни тинчлантиришга уриндим:

- Ўзингизни босинг. Ҳойнаҳой, амакиваччангизнинг юрак хасталиги бўлган. Буни ҳеч ким, балки, ўзи ҳам билмаган. Ҳозир кучли ҳаяжон, асабийлашувга бардош беролмаган...

- Сизнинг ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ, - гапимни бўлди у ва қафтларини қўрсатди. Улар қон юки эди.

- Дик ҳаяжондан ўлмади. Унинг кўкрагига нимадир санчишган. Аммо у ерда ҳеч қанақа қотиллик қуроли қўринмади.

Мен унга ишонкирамай тикилдим. Шу пайт Саймондс ўз ишини тугатиб ёнимизга келди. У титрар, рангидан ранг қолмаганди.

- Ҳаммамиз ақлимииздан озига қолмадикми? - сўради у. - Нималар бўляпти ўзи бу ерда?

- Демак, Эллиотнинг гапи тўғрими? - сўрадим Саймондсга қараб.

У бошини лиқиллатди:

- Кўкрагига узун, ингичка ханжар санчилган бўлиши керак. Аммо ҳеч қанақа ханжар йўқ.

- Лекин бўлиши керак! - Эллиот Хейдон бақириб юборди. - Ўша атрофда бўлиши керак. Фақат тополмагандирмиз. Яхшилаб қараб кўриш керак.

Биз ўт устини излай бошлаганимизда Виолет кутилмаганда:

- Тўхтанглар, менимча, Диананинг қўлида нимадир бор эди. Худди ханжарга ўхшаган. Ҳа-ҳа, кўрувдим, у пўписа қилаётганданда қўлида нимадир ялтираганди, - деб қолди.

- Ахир, Ричард билан ораларида анча қадам бор-ку! - Эллиот эътиroz билдириди.

Леди Маннеринг Диананинг устига энгашди:

- Ҳозир қўлида ҳеч нима йўқ. Ердаям ҳеч вако кўринмайди. Хато қилмаяпсанми, Виолет?

Доктор Саймондс ерда ётган Диананинг ёнига келди:

- Уни уйга олиб бориш керак. Рожерс, ёрдам бериб юборинг. Кейин қайтиб келиб Ричарднинг танасини бир ёқли қиламиз.

Пендер ҳикоясини тўхтатиб, тингловчиларни бир қур кўздан кечириб чиқди:

- Ҳозир детектив асарлар, кинолар шарофати билан мишиқи бола ҳам мурда то полициячи келиб, кўздан кечириб рухсат бермагунча топилган жойида туриши кераклигини билади. У пайтлар биз катталар ҳам бундан бехабар эдик. Шунинг учун Ричард Хейдоннинг мурдасини унинг харсангтошдан квадрат шаклида қурилган уйининг ётоқхонасига олиб кириб қўйдик. Сўнг хизматкорни велосипедда полициячини чақириб келгани жўнатдик. Полиция участкаси қўрғондан ўн икки миллар нарида эди.

Кейин Эллиот Хейдон мени четга тортиб, қулоғимга шивирлади:

- Мен яна дараҳтзорга қайтиб бормоқчиман. Қотиллик қуролини албатта топишим керак. Ҳамроҳлик қиласизми?

- Борди-ю қурол бўлмаса-чи?

Унинг жаҳли чиқиб силтанди:

- Миянгизда бемаъни хаёл ўрнашиб қолибди. Сизнингча, ўлим ғайритабии тарзда юз берган, шундайми? Бўпти, дараҳтзорга якка ўзим бoramан.

Уни ниятидан қайтаришга уриндим, аммо фойдаси бўлмади.

Туни билан ҳеч ким мижжа қоқмади. Етиб келган полициячилар бизнинг айтганларимизга унча ишонишмади. Улар мисс Эшлини сўроқ қилишмоқчи эди, лекин доктор Саймондс қарши чиқди. Мисс Эшли ўзига келганида, аникроғи, транс ҳолатидан чиққач, доктор унга кучли уйқу дори берди. Полициячилар уни сўроқ қилишни эрталабгacha кечикиришга мажбур бўлишди.

Эрталаб соат еттиларгача Эллиот Хейдон ҳеч кимнинг эсига келмади. Тонг ёришганда Саймондс уни сўраб қолди. Менинг жавобимни эшитиб у баттар қовоғини уйди:

- Бекор қилибди. Бу тентаклик.

- Нима, унга ҳам бир бало бўлган деб ўйлаяпсизми?

- Ишқилиб, соғ-саломат бўлсин. Падре, бирга бориб қараб келсак бўларди.

У тўғри гапираётган эди. Бу таклифга кўнишим учун ички қўрқувимни өнгишим керак эди. Бирга ўша бехосият дараҳтзорга йўл олдик. Етиб келиб икки марта Эллиотни чақирдик, жавоб бўлмади. Нихоят, дараҳтзор ўртасидаги ўтлоққа чиққанимизда, Саймондс қўлимни шунчалик қаттиқ сиқдики, оғриқдан додлаб юборай дедим. Кеча Ричарднинг мурдаси ётган жойда ҳозир амакивачаси Эллиот юзтубан ётарди.

- Ё Худо! - пицирлади Саймондс. - Униям ўлдиришибди, шекилли.

Ютуриб Эллиотнинг олдига бордик. У ҳушсиз, аммо нафас оларди: узун, ингичка бронза тиф санчилган ярасидан қон сизиб туради.

- Хайрият, тиф елкага санчилибди. Юракка тўғри келса, бечора тирик қолмасди, - изоҳ берди доктор. - Бошқа бирор нима дейишга ҳам ҳайронман. Ҳа, майли, ҳаёт-ку, ўзи айтиб беради нима бўлганини.

Афсуски, Эллиот Хейдон фожиага тузук-қуруқ ойдинлик кирита олмади. Унинг ҳикояси алмайи-алжайи эди.

Тунда ханжарни топгани келгач у тезда беҳуда уринишини бас қилиб, бутхона олдида тўхтабди. Назарида уни кимдир дарахтлар орасидан кузатаётгандай туюлибди. Бу хаёлни миясидан чиқаришга ҳар қанча уринса ҳам, нафи бўлмабди. Шу пайт совук шамол эсибди, аммо дарахтлар тарафдан эмас, ибодатхона ичидан! Нима гаплигини билиш учун ичкарига муралаганда борган сайин катталашаётган маъбуда ҳайкалчасига кўзи тушибди. Шу лаҳзада бошига бир нарса билан қаттиқ уришгандай туюлибди, ҳушини йўқотиб йиқилаётиб чап елкасида қаттиқ, ачиштирувчи оғриқ турибди.

Мехмонлар бу бронза ханжар қўрғон атрофига қазилма ишлари олиб борилганда топилганини, сўнг Ричард сотиб олганини эслашди. Аммо кейинчалик у ханжарни уйида ёки саждагоҳда асраганини ҳеч ким айтиб беролмади. Қотиллик сирлилигича қолаверди.

Пендер ҳикоясини тугатди. Орага жимлик чўқди. Ниҳоят сукунатни Жойс Лемприер бузди:

- Бирор нима дейишга ҳам ҳайронсан. Жуда қўрқинчили ва ғайритабиий воқеа экан. Доктор Пендер, ўзингизнинг бирор тахминингиз бордир?

- Ҳа, - бош силкиди кекса руҳоний, - аммо тахминим нотўғрилигини яқинда билдим.

- Мен арвоҳлар билан мулоқотлар сеансларида қатнашганман, бу маросимларда кўплаб ақлга сифмайдиган мўъжизалар юз беради. Балки ўшанда ҳаммаларингиз гипнозга тушиб қолгандирсизлар? Ҳалиги аёл ҳақиқатан ўзини Астарта коҳинаси деб ҳис қилгантир. Ростдан ҳам у ханжарни отгандир. Мисс Маннеринг ҳам унинг қўлида ханжарни кўрибди-ку, - Жойс руҳонийдан сўради.

- Ёки найза, - тўлдирди Рэймонд Уэст, - ой нури жуда ёруғ бўлмайди-ку. У найза санчиб ўз қурбонини ўлдириб, яна найзани тортиб олгандир.

- Мен ҳам циркларда пичоғу ханжарлар ёрдамида қанақа мўъжизалар қилишганини кўрганман, - сэр Генри гап қўши. - Дарахтлар орасида уста қотил яшириниб турган ва пичоқ ёки ханжар ёрдамида ўша жойдан ўз ишини бажарган бўлиши мумкин. Иккинчи жабрдийданинг ўзини кимдир кузаттандай туулгани ҳакидаги гапларини ҳам эслаб кўринг. Ҳаммаси тўғри келяпти.

- Аммо бу барча тахминларда бир камчилик бор, - мистер Петерик томоқ қириб давом этди. - Биз қотиллик қуроли қаёққа ғойиб бўлганини эсдан чиқариб кўйяпмиз. Мисс Эшли шунча узоқда туриб найза билан ўлдирганда ҳам, уни қайтиб ололмасди. Агар дарахтлар орасида яшириниб турган кимса қотиллик содир этганда ҳам, қурол жароҳатда қолиши керак эди. Шунинг учун ақл бовар қилмайдиган назарияларни бир четга суриб қўйиб, факат аниқ далилларни қолдиришимиз керак.

- Қанақа аниқ далилларни? - Ҳамма баравар сўради.

- Қотиллик пайтида марҳумнинг ёнида ҳеч ким йўқ эди. Мана шу нарса аниқ-ку. Демак, қотилликни унинг ўзи содир этиши, ўз жонига қасд қилган бўлиши мумкин.

- Уни бундай муджиш қадам қўйишига нима мажбур қилган? - ишонқирамай сўради Рэймонд Уэст.

- Буни ўйлаб кўриш керак, - адвокат яна йўталиб қўйди, - ғайритабиий кучларни инкор этадиган бўлсак, қотиллик айнан шундай содир этилган. У аввал ўзига ханжар санчган, йиқилаётиб эса уни суғуриб олиб, бир четга улоқтирган.

- Менимча, янглишяпсизлар. Тўғри, баъзан кишининг хаёлига келмаган ҳодисалар ҳам бўлади. Лекин... - ниҳоят гапга аралашди мисс Марпл.

- Холажон, сизнингча, унга тифни бошқача усулда санчишганми? - юмшоқлик билан сўради Рэймонд.

- Албатта-да, азизим! - жавоб берди мисс Марпл. - Фақат аввал шўрлик Ричарднинг нимага қоқилганини аниқлаб олишимиз керак. Ҳойнаҳой, кўзини Дианадан узмай кетаётганда оёғи дараҳт илдизига илинганд бўлса керак. Аммо тиф уриш Эллиот Хейдоннинг иши.

- Эллиот Хейдон! Сизнингча, қотил уми?! - Рэймонд эшитганига ишонгиси келмасди.

- Ҳа, бошқа ҳеч кимда ундаги имконият бўлмаган. Мистер Петерикнинг доно маслаҳатига амал қилиб, фактларни қолдириб, мажусий маъбудани бир дақиқага унутайлик. Шундай қилиб, амакиваччасининг танаси олдига Эллиот биринчи бўлиб келди. Ҳаммага орқа ўгириб туриб танани чалқанчасига ағдарганида у bemalol қотилликни амалга ошириши мумкин эди. Яна бир далил - у қароқчилар атамани кийимида эди, демак белида бирор бир совуқ қурол бўлган. Эсимда, ёш қизлигимда маскарадлардан бирида қароқчи кийимидағи киши билан рақсга тушгандим. У камариға нақ бешта ҳар хил пичоқ ва ханжарлар осиб олган эди, - гапини тугатди мисс Марпл.

Энди ҳамма тугуннинг ечимини кутиб доктор Пендерга қаради.

- Бўлиб ўтган фожиадан кейин беш йил ўтгач мен асл ҳақиқатни билдим, - гап бошлади у. - Ўшанда Эллиот Хейдондан хат олдим. У хатида ўзи ҳам Эшлини севганини, аммо бор-йўғи камбағал юрист бўлганини ёзганди. «Агар йўлимга Ричард тўғаноқ бўлмаганида, устига-устак унинг бойлиги, қўрғони менга тегишли бўлганида, орзуим рўёбга чиқиши шубҳасиз эди.

Амакиваччамнинг танаси устига энгашганимда, ханжар белимдан тушиб кетди. Ўйлаб ўтиришга вактим йўқ эди. Ханжарни шартта унинг кўксига санчдим. Сўнг ханжарни яна камаримга осиб қўйдим. Ўзимда шубҳа уйғотмаслик учун кейин ханжарни ўзимга урдим.

Мана, беш йилдирки, худди дўзахда яшагандай-ман. Эртага жанубий қутбга экспедицияга кетяпман. Қайтиб келмасам, ҳеч бўлмаса гуноҳимни ювиш учун муносиб ўлим топарман», деб тугатганди у мактубини.

Яна орага оғир жимлик чўкди.

- Ҳа, у ҳақиқатан муносиб, шарафли ўлим топди, - ниҳоят жимликни бузди сэр Генри. - Доктор Пендер, билишимча, сиз хикоянгизда қаҳрамонингизнинг ҳақиқий фамилиясини ўзгартирдингиз. Аммо мен гап ким ҳақида кетганини англадим.

- Бечора Эллиот хатида нима деб ёзган бўлмасин, - кекса руҳоний давом этди, - менимча, у ўша тунда мажусийлар маъбудаси Астартанинг ёвуз руҳи таъсирига тушиб, бу ваҳшиёна қотилликни содир этган деб ўйлайман.

➤ **Жонатан Клейг  
МАРГИМУШ**

Сал бўлмаса у қўлга тушарди. Вазият шунчалик қалтис эдики, ҳатто ҳозир уй орқасидаги бутазорлар орасида яшириниб ётган бўлса ҳам, аъзои бадани қўркувдан титрар, пешонасидан совук тер қўйиларди. Бундан ярим соат олдин ўзи уйнинг орқа эшиги олдида тўппончасини шайлаб турганди. Энди эшикни тақиллатмоқчи бўлганида уйнинг олд томонидан шериф Фред Страттоннинг таниш овозини эшилди:

- Чарли! Ҳой ярамас фирибгар, муҳлатинг етди. Эшигингни бузмасимдан туриб оч!

Чарлининг жавобини Эрл Мюнгер эшитмади. Чунки шу заҳоти бутазор томон югурди. Агар шериф беш дақиқа кейин келганида Эрлни қотиллик устида қўлга олармиди.

Ҳозир Эрл пашшаларнинг ғинғиллашига қулоқ тутиб туаркан: «Мени штатдаги энг дангаса ва тўнка шериф қўлга олса, ёмон алам қиласди-да», дея хаёлидан ўтказди. Фред Страттон билан Чарли Тейт турфа феълли одам бўлишса ҳам қалин дўст эдилар.

Дунёда ғалати одамлар кўп-да. Масалан, мана шу Чарли Тейтни олайлик. Ёши етмишдан ошганига анча бўлган. Ҳамма билади – унинг пули ачиб-бижиб ётибди. Аммо шунга қарамай бечоралардек турмуш кечиради. Шерифдан бошқа ҳеч кимга ишонмасди. Банклардан эса умуман нафратланарди. Агар у жадвалдаги қанчадан-қанча уйжойларда ижарада турувчилар тўлайдиган ижара пулларини уйида сақлайдиган бўлса, демак ярим миллион долларга яқин маблағи бўлиши керак. Шунга қарамай Чарли Тейт ярим оч ҳаёт кечирад, ҳар бир центини тежаб-тергаб ишлатарди. Қария фақат ойналарга панжара ўрнатиш ва илгак учун пул аямagan эди.

«Чарлига пул керак бўлмаса, менга керак. Ёшим 23 га борган бўлса ҳам, каталакдек уйда тураман. Биттагина эски костюмим бор. Майли, ҳадемай ҳаммаси ўзгаради.Faқат шов-шувлар тингунича пича сабр қилишимга тўғри келади. Акс ҳолда, озуқалар ва ўғитлар дўконидан бўшаб, бу лаънати шаҳардан бош олиб кетишим шубҳа уйғотиши мумкин», хаёлидан ўтказди Эрл. Ҳа, у кейин бу ерлардан кетади. Қимматбаҳо, бежирим костюм-шим кийган барно йигитга айланади. Ҳашаматли машинаси ҳам бўлади. Қарабсизки, у билан айланниб келишга ҳар қандай гўзал нозанин ҳам рози бўлади.

Ўша куни Эрл буюртмаларни тез-тез буюртмачиларга етказиб берди. Вақтдан ютиш учун танаффус қилиб ўтирмади. Сўнг Чарли Тейтни ўлдириш учун йўл олди. Кичкина, кўримсизгина машинасини бутазорлар орасига яшириб, дарахтларга пана бўлиб, Тейтнинг уйига етиб келди. Шерифнинг машинаси узоқлашгач, бутазорлар орасидан чиқиб, эшикни тақиллатди. Ичкаридан қариянинг шошилмай одимлаши эшитилди. Сўнг эшик қия очилиб, чолнинг ёшланиб турган кўзлари кўринди.

- Ҳа, сенмисан, Эрл! Яхши юрибсанми? – Ҳол-аҳвол сўраган бўлди қария. – Нима гап?

- Жаноб Тейт, хўжайин манавини бериб юбордилар.

- Қизик, нима экан?

- Билмадим, – Эрл елка қисди. – Қоғозга ўралган нарса.

- Ие, мен ҳеч қанақа буюртма бермовдим-ку.

- Жаноб Тейт, эшикни бутунлай очмасангиз, бу нарса сиғмайди.

Чарли бир зум Эрлга тикилиб турди-да, илгакни тушириб, эшикни катта очди. Йигит чаққон бир ҳаракат билан ичкари кирди.

- Нима қиляпсан? - ҳайрон бўлиб сўради Чарли Тейт.

- Мен пулга келдим. Долларларингизни олиб чиқинг.

- Қўйсанг-чи, ўғлим, - босқинчининг кўнглини юмшатишга ҳаракат килди чол.

- Ўзингиз бу гапингизни қўйинг, - деди кескин оҳангда Мюнгер. - Танланг: пул азизми ёки ҳаётингиз.

- Ўғлим, мен...

Эрл унга тўппонча ўқталиб, атай юмшоқ оҳангда, гўё эркалагандай деди:

- Пулни чўзинг! Гапимни тушундингизми, Чарли? Бошқа пачакилашиб ўтирумайман.

Тейт хийла иккиланиб тургач, хона ўртасидаги стол томон юрди.

Стол устида деярли тўла виски шишаси турарди. Аммо стакан кўринмасди.

- Пул манавининг орасида, - чол столга ишора қилди.

- Ҳазиллашаётган бўлманг. Мен бунақа ҳазилни ёқтирумайман.

- Ишонмасанг, тахталарнинг орасини қараб кўр, - тушунтириди Тейт.

- Ўғлим, балки...

- Ўчир! - зарда билан гапирди Эрл. У остки тахтани тортганида орада иккита темир ғаладон турганини кўриб қотиб қолди. Кейин тилга кирди:

- Оч!

- Ўғлим, ҳалиям бу йўлдан қайтсанг бўларди. Мен ҳеч кимга оғиз очмайман.

- Оч, дедим!

Чарли оғир хўрсиниб, чўнтағидан иккита калит олиб, темир қутиларни очди. Эрл қувончдан ҳапқириб кетди - қутилар эллик ва юз долларлик пулларга тўла эди. Умрида бунча кўп пулни кўрмагани учун қутилардан кўз узолмай қолди. Сўнг яна бир ёқимсиз иш қилиши зарурлиги ёдига тушиб, шифтга қараб сўради:

- Анави нима?

Чарли Тейт ҳам беихтиёр орқасига ўгирилиб, тепага тикилди:

- Қайси, қани?

Мюнгер фурсатдан фойдаланиб унинг энсасига тўппончаси билан кучи борича урди. Қария худди кесилган теракдек қулаб тушди. Эрл чолнинг устига энгашиб яна уришга ҳозирланди-ю, аммо бунга ҳожат йўқлигига амин бўлди. Чарли Тейтнинг жони узилган эди. Эрл Мюнгер қаддини ростлади-ю, қорни азбарои қаттиқ оғриганидан буқчайиб қолди. Йигит базўр стулга ўтириб, виски шишасининг тикинини очиб оғзига олиб борди. Оғриқданми, қўрқувданми қўли қалтираб, столга озроқ виски тўкилди. Ютоқиб ичимликтан бир неча қултум ичди. Анча ўзига келди. Иш силлиққина битганидан кўнгли тўлиб, мийиғида кулиб ҳам қўйди. Аммо шу пайт яна қулоғига таниш машина овози эшитилди. Деразадан қараса, шерифнинг автомобили уйга яқинлашаётганини кўрди.

Тез ҳаракат қилиш керак эди. Дарҳол пуллик қутиларни қўлтиқлаб орқа эшикдан лип этиб чиқди. Эрл машинасини атайлаб тепаликка чиқариб қўйган эди. Токи мотор стартёр ёрдамисиз ўт олсин деб. Эрл кабинага сакраб чиқиб, қўл тормозини бўшатиб, иккинчи тезликка ўтказди. Машина тепаликдан тушишига оз қолганда мотор астагина ўт олди.

Бир чакирилмалар юргач, Мюнгер машинани тупроқ йўлга бурди. Маҳаллий аҳоли Хоббс ҳовузи деб атайдиган кўлга етиб келгач автомобилини тўхтатди. Пулларни ва тўппончани емдан бўшаган қопга ўраб қўйди. Пулдан бўшаган пўлат қутиларни эса сувга ташлади. Пул ўралган бўш қопни ем тўла бошқа қоплар орасига тиққач, кўнгли хотиржам тортиб, дўконга йўл олди. У бугун ёки эртага кечаси пулларни ишончли бирор жойга кўмишни, бир неча кундан сўнг бирор арзимас баҳона топиб, хўжайини билан жанжаллашишни режалаштириб қўйди. Шундан сўнг бемалол ишдан бўшаб, Худо урган бу ерлардан бош олиб кетса бўлади.

Дўконнинг ҳожатхонасига қамалиб олиб яrim соатлар эринмасдан ювинди. Ичган вискиси ошқозонда хиёл «тўполон» қилгандек туюлди. Аммо Эрл бунга эътибор бермади. Энди ҳаммаси жойида бўлади, деди. Албатта, яrim миллион долларлик бойваччанинг ҳамма иши жойида бўлади-да.

Ҳожатхонадан чиқса, дўкон олдида шерифнинг машинаси туарди. Фред Страттоннинг ўзи эса эски йиғма стулда ялпайиб ўтирганича атрофдагиларга нимадир ҳикоя қиласади. Эрл уларга яқинлашаркан, негадир: «Шериф азбаройи семизлигидан бошқаларнинг кўмагисиз жойидан туролмаса керак», деган ўй хаёлидан ўтди.

- Нима гап? - Мюнгер қўшни дўкон сотувчиси Жорже Диллидан сўради.

- Қария Чарли Тейт қайтиш қилибди, - қовоғини уйганча жавоб берди Дилл. - Ўзини заҳарлабди.

- Нима-нима? - қулоқларига ишонмагандай қайта сўради Эрл.

- Заҳар ичибди, - қайтарди Дилл. - Ўз жонига қасд қилибди. Нимасини тушунмайсан.

Шериф Страттон Эрлга қараб бош силкиб қўйди.

- Қалайсан, Эрл? - сўрашди у. - Жорж тўғри айтяпти. - Чарли заҳар ичибди. Сабабини ёлғиз Худо билади.

- У... у ўзини заҳарлабдими? - гангид қолиб яна такрорлади Эрл.

- Менга у илгаридан жиннига ўхшаб кўринар эди, - ўз фикрини билдириди сут маҳсулотлари дўкони хўжайини Норм Хайтауэр. - Унинг соғ эмаслигига энди тўлиқ ишондим.

Эрл шу топда шерифни саволга кўмиб ташлагиси келди. Аммо қақраган лабларини ялаб, ҳикоянинг давомини кутди.

Страттон кўкрак чўнтағидан аллақандай конверт чиқариб, унга ҳайрон бўлиб қараб қўйди. Кейин конвертни яна чўнтағига тиқди.

- Чарли менга ҳозирги хатни ўлимидан яrim соатлар олдин бериб, кечки овқат олдидан очишимни тайинлаганди. Аввалига ҳазиллашаётган бўлса керак деб ўйладим. Ундан пича узоклашгач, сабрим чидамай машинамни тўхтатиб, хатни ўқиб чиқдим.

- У ўзини ўлдирмоқчилигини ёзган эканми? - сўради почтальон Жо Кирк. Фред Страттон бош лиқиллатди.

- Сабабини-чи? - қизиқсинди сартарош Френк Дорн.

- Йўқ, - хўрсиниб қўйди шериф. Фақат қандай ўлдиришини ёзган экан. - У шимининг ўнг чўнтағидан кулранг металл қутичани олиб бошқаларга кўрсатди. - Фақат нега айнан шу усулни танлаганига ҳайронман. Маргимуш ичибди. Идишини стол тагидан топиб олдим, - шериф яна бир бор хўрсиниб, металл қутичани чўнтағига солиб қўйди.

- Нима ичибди дедингиз? - ёғоч омборхонасининг ҳаммоли Сэм Коллинз қайта сўради.

- Сичқонни ўлдирадиган заҳар ичибди, Сэм. Бунақа азобли ўлимни душманингга ҳам тиламайсан.
  - Нега бундай қилди экан? - ҳайрон бўлди механик Жим Рейерсон.
  - Жинни дедим-ку, жинни! - ғўлдиради Норм Хайтауэр.
- Шериф амаллаб ўрнидан туриб, ғичирлаган стулга хижолат чеккандай қараб:
- Майли, мен борай. Полицияга хабар беришim керак. Улар паталогоанатомни юборишади. Яхшиямки, Чарлининг қариндошлари йўқ. Акс ҳолда уларни топиш учун ҳам сарсон бўлардим.
  - Бир куни мен ертўламдаги каламушларни маргимуш билан заҳарлаган эдим. Уларнинг қандай азоб чекиб ўлганларини кўриб, тавба қилгандим. Тўғри, улар зааркунанда маҳлук. Барибир, кишининг раҳми келар экан, - деди дорихоначи Том Мартин.
  - Ҳа, - «уф» тортиб қўйди шериф. - Нега Чарли келиб-келиб шу усулни танлади экан-а?
  - Балки у маргимуш қанака таъсир қилишини билмагандир, - тахминини айтди дорихоначи.
  - Шундай бўлса керак, - қўшилишди Страттон. - Бўлмаса бутун бир қишлоқ ахолисини ўлдиришга етадиган маргимушни бир шишагина вискига қўшмасди-ку.
- Шериф кетди. Эрл Мюнгер эса ваҳима ичидаги қолди. Дорихоначидан маргимуш қанча вақтдан кейин таъсир қиласди, деб сўрасинми? Йўқ, бу жуда хавфли - гумонсираб қолишади. Назаридан заҳар ўз таъсирини кўрсата бошлагандек туюлди. Нима бўлганда ҳам тезроқ ошқозонини ювдириши керак. Балки ҳали кеч эмасдир.
- У шалдироқ араваси томон шоҳди. Айни пайтда югурмасликка ҳаракат қиласди. Аксига олиб, машина эшиги ҳам зўрға очилди. Катта йўлга чиққач газнинг педалини охиригача босди.
- Худо урган бу жойларда шифокорнинг уруғи кам эди. Энг яқини - Он Уиттейкер етти чақирим нарида яшарди. Хотинининг айтишича, у беморни кўргани уйига кетган экан. Мюнгер бошқа бир доктор - Кортни Хэмптонникига йўл олди. Йўлда биринчи оғриқни туйди. Назаридан оғриқ ҳар сония кучайиб борарди. «Ҳа, маргимуш ўз «иш»ини қиласди» хаёлидан ўтказди Эрл.
- Бахтига Хэмптон уйида экан. Қабулида ҳам ҳеч ким йўқ эди. Ошқозонини ювдириб, ярим соатлардан кейин шифокор ҳузуридан чиқар экан сўради:
- Яна келиб кўринайми, дўхтир?
  - Оғриқ безовта қилса келинг. Ҳозир ўн доллар тўланг. Бундан кейин эҳтиёт бўлинг. Маргимушдан заҳарловчилар азалдан фойдаланиб келишган. Чунки унинг хиди ҳам, таъми ҳам бўлмайди.
- Ортига қайтаркан, Эрл Мюнгер қувончини ичига сиғдиролмасди. Фақат болалигидагина икки-уч марта бунақа кучли шодлик хис қилганди, холос. Машинани дўкон ёнидаги гаражда қолдириб, қўшиқ хиргойи қилишдан тўхтамай уйи сари йўл олди. Атрофдагилар бу ҳолдан ҳайрон. Фақат зинадан кўтарилаётгандагина қўшиқ айтишни бас қиласди. Эшигини очди-ю, хона ичидаги ягона стулда шериф Фред Страттон ялпайиб ўтирганини кўрди.
- Бу ерда нима қиласиз, шериф? - ҳайронлигини яширмай сўради Эрл.
  - Биз ёрдамчим билан сени дўкон ёнида кутиб турган эдик.
  - У ерда сизларни кўрмадим-ку. Нима ишларингиз бор эди?
  - Биз кўринмасликка ҳаракат қилдик-да. Сен кетганингдан кейин машинангни кўздан кечириб, тўппонча билан пулни топдик.

- Пул? Қанақа пул? Ҳеч қанақа пулдан, түппончадан ҳам хабарим йўқ.

Шериф синчков нигохини Эрлдан узмай, кўкрак чўнтағидан таниш конверт чиқарди:

- Кичик қизимдан хат олдим. Яқинда бобо бўладиганга ўхшайман.

- Ахир, сиз бу хатни Чарли... - Эрл тўсатдан жим бўлиб қолди.

- Гапинг тўғри, - деди шериф мийиғида кулиб конвертни жойига солиб, шимининг чўнтағидан кулранг металл кутичани чиқарапкан. - Бу кутичада эса ҳеч қанақа маргимуш бўлмаган, йўтал дори сақлайман.

- Демак, бу заҳар эмасми? - зўрға пичирлади Эрл. Унинг оғзи қуриб қолди.

- Йўқ, - бош чайқади Страттон. - Борди-ю Чарли ўз жонига қасд қилмоқчи бўлса ҳам, вискига заҳар қўшмасди. Чунки умрида ичкилик ичмаган. Шишадаги ичимлик эса, ўғлим, менга аталган эди. Чарли Тейт ҳеч қачон бир стакан вискидан бош тортмаслигимни билар, шунинг учун уникига келганимда сийлаб турарди. Бугун биринчи сафар унинг уйига келганимда дори қутичам қолиб кетган экан. Иккинчи гал мурдани, очик қолдирилган эшикни кўриб, Тейт қотилни яхши билган деган хуносага келдим. Чунки у бегоналарни ҳеч қачон уйига киритмасди.

- Нега унда...

- Хат ва заҳар билан боғлиқ чўпчакни нега тўқиганимни сўрамоқчимисан? Мен вискидан ярим стакангина ичган эдим. Иккинчи сафар келганимда қарасам, ичимлик анча камайиб қолибди. Столга ҳам озгина тўқилган. Демак, қотил ўзини тинчлантириш учун виски ичган деб ўйладим.

Странгтон бир зум жим қолди. Эрлнинг сабри чидамай сўради:

- Кейин-чи?

- Кейин заҳарланиш билан боғлиқ чўпчагимни одамларга айтиб бердим. Кимки вискидан ичган бўлса, тезда ошқозонини ювдириш ҳаракатига тушади деб ўйладим. Бу яқин атрофда эса тўрт нафаргина шифокор бор. Уларга қўнғироқ қилиб, кимда-ким ошқозонини ювдирса, менга хабар беринглар, деб тайинладим.

- Лекин ўзимда ҳақиқатан ҳам заҳарланиш аломатлари пайдо бўлганини пайқадим-ку. Чиндан ҳам ошқозоним оғриди-ку, - деди овози титраб Эрл.

- Киши ўзини ишонтириб қўйганидан кейин шунақаси ҳам бўлади, оғайни, - насиҳатомуз оҳангда тушунтириди шериф. - Майли, мана гаплашиб ҳам олдик. Қани, тур, энди хибсхонага элтиб қўяй...

### ➤ Э.Дирл РАШК

Қоронғи йўлакка кирганимда, «ширқ» этган овоз эшитилди. «Роза?» дедим ёмғирда жиққа ҳўл бўлган камзулимни ечар эканман, ярқ этиб ёнган чироқ нури бир зум кўзларимни қамаштириди. Кўз олдим равшанлашганда, биринчи бўлиб хаёлимга «Хотинимнинг оёқлари бунча чиройли» деган ўй келди. Иккинчи ўзининг эса хотинимнинг гўзаллигига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Яъни ўзимга қаратилган тўппонча бунча темир йўл тоннелига ўхшамаса деб ўйлардим. Хотиним «колт» русумли тўппончамни икки қўллаб ушлаб турарди. Бояги «ширқ» этган овоз эса қурол отишга шайланганлигини англатарди.

Умр йўлдошимнинг юзига тикилиб жудаям отгиси келаётганини пайқадим. Нимагаям ўзим аҳмоқ бўлиб уни отишга ўргатдим. Ҳозир хотиним ҳатто баъзи полициячилардан ҳам яхироқ отарди.

- Эҳтиёт бўл, кейин эшикни қондан тозалаёлмай қийналиб юрма, - ҳазиллашган бўлдим, гарчи шу топда ҳазиллашишнинг ўрни бўлмаса ҳам.

- Ким у? - хотиржам сўради Роза. - Мен уни танийманми?

- Ишлаётган эдим, - овозим титрамаслигига ҳаракат қилиб жавоб қайтардим. - Махсус топшириқ бажаряпман.

- Махсус топшириқ эмиш! Малласочми ёки қорасочми? - заҳарханда кулди у. - Қиз-жуонларнинг кетидан югуравермаганингда аҳвол шу даражагача етмасди. Неча марта сенга бу ишингни бас қил дедим.

- Уф, яна ўша эски дийдиёми? - хўрсиндим мен. - Бу аҳмоқона шубҳаларинг энди унут бўлди деб ўйлагандим. Соатига 100 доллар оладиган психоаналитик билан нима ҳақида гаплашасан ўзи?

- Нима, мени бутунлай довдир деб ҳисоблайсанми? - ғазабга минди Роза. - Аниқ биламан - ўйнашингникида эдинг.

- Жим. Ҳозир яrim кечা. Қўни-қўшни эшитса...

- Қўни-қўшни? Майли эшитсин, полицияни чақиришсин. Ўша ҳамкасларингдан бугун кечаси сен қанақа «махсус топшириқ» бажарганингни билиб оламан.

Яна «ширқ» этган овоз эшитилди. Ҳозир ўқ тегади деб қўркувдан кўзларимни юмдим. Тўппонча гиламга «гуп» этиб тушди. Мен кўзларимни очиб, бўшашиб кетган оёқларимда зўрға юриб хотинимнинг олдига бориб, тиз чўқдим. Роза ҳўнграб йиғлаганча мени қучоқлаб олди.

- Нима, ростдан ҳам отади деб ўйлаганидинг, Жейк? - йиғидан ҳаприқиб сўради у. - Тўппонча ўқланмаган эди-ку.

- Роза, полициячиларнинг иш вақти меъёрга солинмаганини қачон тушуниб етасан? - дедим тутақиб. - Гапимга ишонмасанг, ишхонамга қўнғироқ қилиб, қаерда бўлганимни сўра.

- Барибир, махсус топшириғингга ишонмайман. Тўғри, бу гал тўппончани ўқламаган эдим. Аммо жазманинг кимлигини билишим билан уни ўқлашим қийин эмас. Майли, кетдик, ухлаймиз.

Энди унинг ортидан ётоққа юзланган ҳам эдимки, телефон жиринглади.

- Жейк? - гўшакдан қўшни аёлнинг таниш овози эшитилди.

- Салом, Уитни!

- Мен ҳаммасини эшитдим. Ишқилиб, омонмисан?

- Ха десам ҳам бўлади. Факат яқинда ҳаётим қил устида эди. Роза тўппонча ўқталса бўладими. Хайрият, ўқланмаган экан.

- Хурсандман. Менга қара, Жейк, Розангни асаблари таранглашгангина эмас, ундан ҳам баттарроқ бўлса керак. Менимча, нимадир қилишинг, бирор чорасини кўришинг керак. Акс ҳолда кейинги гал револьвер ўқланган бўлиши мумкин. Балки у қатнаётган психоаналитик билан гаплашиб қўрарсан.

- Нима кераги бор? Мана, икки йилдан буён у хотинимнинг миясини тозалаяпти. Фойдаси шуми?

- Бу гапинг чакки. Агар хотининг психоаналитикка қатнамаганида, балки ҳозир касалхонада бўлармидинг.

«Ёки ўлихонада бўлармидим?» хаёлимдан ўтди.

- Қўнғироқ қилганинг учун раҳмат, - дедим. - Майли, қолган гапларни эртага гаплашармиз. Ҳозир ётиб ухлай, эртага ишга боришим керак.

- Яна бир жазманингми? - кесатди Роза ётоққа кирганимда.
  - Уитни экан, - изох бердим күйлагимни ечаётиб. - Шовқин-суронни эшитиб хавотир олибди.
  - Унга нима? - энсаси қотди хотинимнинг. - Нуқул ҳаммаёққа бурнини суқиб юради.
  - Хато қилмасам, илгари Уитни сенга ёқар эди, шекилли.
  - Ёқарди. Фақат сенга тегажоқлик қилишни бошлагунича, - бир оз сукут сақлагач үйчан қўшиб қўйди. - Нега ҳам дарҳол хаёлимга келмабди.
  - Кулгумни қистатма. Агар ўзинг истасанг, икковларинг қалин дугона бўлардиларинг.
  - Жейк, мен ҳазиллашмаяпман, - хотиним ёвқараш қилди. - Агар менга хиёнат қилаётганингни билиб қолсан, жазманинг дугонам бўладими ёки бегонами - менга фарқи йўқ. Шартта отиб ташлайман. Хотиним бу гапни шундай оҳангда айтдики, гапига дарҳол ишондим. Роза қисман ҳақ. Албатта, ўйнашим бор. Фақат у, хотиним үйлаганидек, Уитни эмас, тепа қаватдаги қўшнимиз Кэрол. Ҳақиқатан ҳам кечаси ҳеч қанақа маҳсус топшириқ бажарганим йўқ, ўша қўшни аёлникида эдим. Розада шубҳа уйғотмаслик учун уйга киришдан олдин ярим соатча ташқарида - ёмғир остида турдим. Обдон шалаббо бўлгач, тепага кўтарилдим. Бекорга полициячи эмасман-ку, бунақанги найрангларни қотираман.
- Эртаси куни Кэрол билан соат тўққиз яримда ресторанда учрашишга келишдик. Аммо сабрим чидамай унга вақтлироқ уяли телефонимдан қўнғироқ қилдим.
- Бир соатдан бери сени юрагим қон бўлиб кутиб турибман, - дедим таъна аралаш.
  - Мен бормайман, Жейк, - деди у томдан тараша тушгандай. - Ўғри мушукдек пусиб юриш жонимга тегди. У билан ажрашишинг керак.
  - Нимани асос қилиб? Розани билмас экансан. У жанжал кўтаради. Охири ҳайдашади. Пенциясиз қоламан. Шуни хоҳлайсанми?
  - Хоҳламайман, аммо сендан хавотир оляпман, Жейк! - Кэролнинг овози титрарди. - Кечаси қанақа бақириб-чақирганини эшилдим.
  - Кўркма, - уни тинчлантиришга уриндим. - Деворларимиз юпқа-да, «тиқ» этган овоз ҳам эшитилади.
  - Сени севаман, - ийғламсиради у. - Биламан, сен ҳам мени яхши кўрасан. Сенга минг марта айтдим орани очиқ қилайлик деб. Биз бир-биримизни севамиз, бизни ўз ҳолимизга қўй деймиз.
  - Нима, жинни бўлиб қолдингми?
  - Менинг-ку ақлим жойида, лекин хотинчанг тентак бўлиб қолган кўринади. Сени икки ўртада бўлишишни хоҳламайман! Бир куни ухлаб ётганингда сени бўғизлаб қўйиши мумкинлигига, наҳотки, ақлинг етмаётган бўлса?! Гапларимни яхшилаб ўйлаб кўр, Жейк. Мени қаердан топишни биласан...

То қаҳвамни ичиб бўлгунимча миямда бир режа пишиб етилди. Ҳаммаси үйлаганимдек силлиқ кечса, муаммом ҳал бўлар эди. Ишхонамга қўнғироқ қилиб: «Мазам бўлмаяпти, бугун ишга боролмайман», дедим. Сўнг уйимизга йўл олдим. Фақат аввал Уитнининг уйи қўнғироги тугмасини босдим.

Уитни эшикни очди. У пардоз-андозсиз ҳам гўзал эди. Унга неча марта жинниларни даволайман деб овора бўлгунча шу ҳуснинг билан кинода роль ўйнасанг бўлади деб айтганман.

- Уитни, түғри айтган экансан. Ҳақиқатан ҳам нимадир қилиш керак. Ўзинг ҳам психоаналитиксан-ку. Балки хотиним билан бир гаплашиб кўрарсан? - илтимос қилдим ундан.

- Худога шукр! Бу бошқа гап. Ҳеч бўлмагандан кўра кеч бўлгани ҳам яхши дейишади-ку.

Биз уйимнинг эшиги олдига келдик. Мен қалит излаб чўнтағимни титкилай бошладим. Уитни битта халатда чиққани учун эти жунжикиб, қалтирарди.

- Аксига олиб қалитни унугиб қолдирибман, шекилли.

- Қўнғироқни бос, - деди Уитни тиши тишига тегмай.

- Совқотдингми? - уни қучиб ўпмоқчи бўлдим. - Ҳозир сени иситиб қўяман.

Эшик очилаётганини эшитиб Уитни мени нарига итарди ва:

- Роза, сен нотўғри ўйлама... - деди, аммо бошқа гапиришга улгурмади. Бу гал хотинимнинг қўлидаги тўппонча ўқланган экан. Ўқ овози янгради. Уитни кўкси қонга беланиб беҳуш йиқилди. Роза менга заҳарханда кулимсираб тикилиб турар, гўёки: «Сўзимга ишонмаган эдинг-а!» дегандай бўларди.

Жағини мўлжаллаб мушт туширдим. У худди кесилган дараҳтдай полга қулаб тушди. Мен хотинимнинг устидан ҳатлаб ўтиб, полицияга қўнғироқ қилдим. Етиб келган шерикларим Флекс ва Грис ҳали ҳушига келмаган Розани полиция идорасига олиб кетишар экан, менга ҳамдардлик билдириб бosh чайқаб қўйишиди. Уларга кўрсатма бергани кейинроқ пича ўзимга келгач бораман, дедим. Лаборатория эксперталари ўз ишларини бажариб бўлишгач, санитарлар мурдани ўликхонага олиб кетишиди.

Бир ўзим қолгач, бир банка пивони очиб, диванга ёнбошлаб, телефонни ёнимга олиб тепа хонадонга қўнғироқ қилдим.

- Жейк, сенмисан? - ҳаяжонини босолмай сўради Кэрол. - Ўқ овозини эшиздим, кейин полициячилар келишиди. Қаттиқ қўрқиб кетдим...

- Ҳаммаси жойида, Кэрол. Роза рўпарамиздаги қўшнимиз – Уитнини отиб қўйди. Уни танийсан. Психоаналитик бор-ку. Хотиним жини қўзиб, Уитни менинг ўйнашим деган хаёлга борди.

- Нима?

- Кейинроқ бафуржа гаплашамиз, жонгинам. Ҳозир полиция идорасига бориб бир нечта саволга жавоб беришим керак, - шундай дея гапни қисқа қилиб гўшакни жойига қўйдим.

Нижоят қушдек озодман! Розани қамоқхонагами ёки жиннихонагами (менга фарки йўқ) тикишгач, ажрашишимга ҳеч нима тўсиқ бўлолмайди. Пивони симириб келажак ҳақида пича хаёл суреб ётдим. Кутимагандан телефон жиринглаб, хаёлларимни тўзғитиб юборди. Агар яна Кэрол бўлса, жонимга тега бошлаган бўлади. Хайриятки, у хотиним эмас, истаган пайтим ташлаб кетавераман. Бандилигим етади! Аммо гўшакни олгач, Кэрол қўнғироқ қилмаганига афсус чекдим.

- Жейк, хотининг қочиб кетди! - деди навбатчи сержант телефонда.

- Қандай қилиб? Камерадан-а?

- Йўқ, камерадан эмас, сержант Честернинг хонасидан дераза орқали.

- Честернинг хонасида нима қилаётган эди?

- Хотинингни пияниста, гиёҳвандлар билан бир камерага қамамайлик дегандик-да, - хижолатомуз йўталди Фил.

- Аҳмоқлар! - бўкириб юбордим.

- Бу ҳали ҳаммаси эмас. У тўппонча олиб қочган. Честер куролини столи устида унутиб қолдирган экан...

Шу пайт уйимизнинг эшиги тараклаб очилди-ю, останада ғазабланган Роза пайдо бўлди.

- Қўнғироқ қилганинг учун раҳмат, Фил, - дедиму гўшакни шошиб жойига қўйдим.

- Йўқ, Роза мени ўлдирмади. Хайриятки, тирик қолдим. Аммо мен қачондир бу лаънати касалхонадан чиққанимда ҳам аёллар ҳақида ҳатто ўйлашимга ҳожат қолмайди. Хотинчам боплаб нишонга олган экан.

Нима ҳам дердим. Ўзим айборман. Унга отишни ўргатишим керак эмас эди!

➤ Р.Л.Стивенс  
ТОЗИ ИТ ФОШ ҚИЛДИ

Сержант Ненси Трентино атрофи оқ чамбарак билан ўралган уй олдига келди. Агар уй олдида чироқларини милтиллатиб турган полиция машиналарини кўрмаганида «Балки адашиб бошқа жойга келдимми?» деб ўйлаган ҳам бўларди.

Эшикни патруль Беннет очди. Қиз бу йигит билан илгари гиёхвандликка қарши кураш бўлимида бирга ишлаган эди.

- Қалайсан, Ненси? - деди Беннет очик юз билан. - Ишлар чатоқ. Шўрлик қариянинг бошига отишган. Қўшнилар унинг одати бўйича боғида кўринмаганидан хавотирланиб бизга қўнғироқ қилишибди.

Ненси Трентино меҳмонхонага кириб, полда чўзилиб ётган танага тикилиб қолди.

- Талончиликми? - атрофда очик қутиларни, сочилиб ётган қоғозларни кўриб сўради у.

Полициячи елка қисди:

- Менимча, кимдир жиноятнинг асл мақсадини яшириш учун шундай қилган, талончиликка ўхшатмоқчи бўлган. Ишонмасанг, мана - қара. Деворда ноёб, қадими почта маркалари осигулик турибди.

- Баъзан талончилар нақд пулни маъқул кўришади, - эътиroz билдириди Ненси. - Марҳумнинг оти нима эди?

- Конрад Питерсон. Унинг штатда бир нечта қаҳвахонаси бор эди. Аммо ишни жияни юритарди.

Жимликни қўшни хонадаги итнинг жон-жаҳд билан ҳуриши бузди. Бошқа бир полициячи спорт кийимидағи ўрта яшар киши билан кирди.

- Лаънати ит, - сўқинди полициячи, - сал бўлмаса бизни бурда-бурда қилиб ташларди.

- Бу Шеп, - изоҳ берди нотаниш киши. - Кўчамиздаги энг зўр қўриқчи ит. - У Ненсига қўл узатди. - Танишиб қўяйлик. Исми шарифим Хенк Айлс, раҳматлининг қўшнисиман. Сиз полицияга кўмаклашяпсизми?

- Ўзим ҳам полициячиман, - ёқимли кулимсираб қўйди Ненси. - Сержант-детектив Трентино бўламан. Қотилликлар бўлимиданман. Бу иш ҳақида нималарни биласиз?

- Ҳеч нарсани десам ҳам бўлади. Ҳар куни эрталаб югуришга чиққанимда Питерсон боғида куймаланиб юрган бўларди. Бугун негадир кўринмади. Ҳар эҳтимолга қарши унга қўнғироқ қилдим - ҳеч ким жавоб бермади. Шундан сўнг хавотирланиб сизларни чакиртирдим.

- Эшикни очиб, ичкарига киришга уриниб кўрмадингизми?

- Эсимни өб қўйибманми? Шеп оёғимни нақ ғажиб ташлайди-ю.
- Биз шунинг учун итни қўшни хонага қамаб қўйдик, - изоҳ берди Беннет.
- Ўз хўжайинини ўлдириб кетишларига индамабди-ку. Зўр қўриқчи итлиги қаёқда қолди унинг? - киноя қилди Ненси.

Суратчи полициячи билан лаборант келишганида ит яна вовиллаб уйни бошига кўтарди.

Ненси қўшни хонанинг эшигини оҳиста очиб, ичкарига мўралади. Шеп катта, жигарранг този экан. Ит қизга гумонсирагандай қаради-ю, эшикка қараб интилди.

- Йўқ, шошмай тур, - шартта эшикни ёпди Ненси, - ҳозирча ўша ерда бўлганинг маъқул.

Ненси меҳмонхонага қайтганида, у ерда озғин, ранглари оқарган эркак ва қўҳликкина, қўнғирсоч аёл полициячилар билан гаплашиб туришарди.

- Мен Клоун Питерсонман, - ўзини таништириди эркак. - Бу эса хотиним Бетти. Ораларингизда ким бошлиқ?

- Мен, - жавоб берди Ненси. - Сиз Кондрат Питерсоннинг жиянимисиз?

- Худди шундай.

- Амакингизни ўлдириб кетишибди, ҳамдардлигимни қабул қилинг.

- Бирор нарса ўғирланмабдими? - бетартибликни кўриб сўради Бетти.

- Ҳозирча бир нима деб бўлмайди. Бу қотилликдан кўзланган муддао ўғирлик бўлмаслиги ҳам мумкин.

- Унда нима?..

Ненси Беттининг гапини бўлиб, суратчига қўрсатма бера бошлади.

- Райли қаерда? - сўради суратчи.

- Райли банд. Ишни мен олиб бораман, - Ненси ўзини тутишга ҳаракат қилиб жавоб берди.

Суратчи қизнинг жигига тегишга уринди:

- Ненси, сен тезроқ жиноятни оч. Шаҳарнинг бу қисмida яшовчилар қотилликни ёқтиришмайди.

- Сен ўзингни бил, ўзгани қўй, - шартакилик билан жавоб берди Ненси.

Шеп дераза олдида тўпланган томошаталаб қўшниларни кўриб яна ҳуришга тушди.

- Бунинг чакаги ҳеч тинармиди? - Ненси Хенк Айлсга савол назари билан қаради.

- Куни бўйи, кечаси ҳам алламаҳалгача шу аҳвол. Баъзи қўшнилар шикоят ҳам қилишди, аммо фойдаси бўлмади.

- Яхшилаб эслаб кўринг-чи, ўтган кеча у ҳеч ҳуридими?

- Қоронғу тушганидан кейин овози чиқмади. У одатда бирор эшик олдига келганда вовиллайди.

- Аммо кимдир келгани аниқ. Ҳар ҳолда Кондрат Питерсонни бирор ўлдирган-ку, тўғрими? Қизик...

- Гапингиз тўғри, - Хенк бу фикр илгари хаёлига келмаганидан хижолат чеккандай томоқ қириб қўйди.

Итнинг қулоқни қоматга келтирувчи вовиллаши асносида хонага судтибий экспертизаси ходими қириб келди. У Питерсон тунги соат ўн бирларга яқин ўлганлигини айтди. Марҳумнинг билагидаги ойнаси синиб, зарбдан тўхтаб қолган соати ҳам шу вақтни қўрсатиб турарди.

- Кечаси ўн бирлар чамаси Шепнинг ҳуриганини эшитмадингизми? - Ненси Айлсдан қайта ўсмоқчилаб сўради.
- Йўқ.
- Балки бирор мәхмон эртароқ келиб, алламаҳалгача қолиб кетгандир?
- Бўлиши мумкин эмас. Чунки кабинетида кўримсизгина чироғи ёниб турди. Мәхмон келса қандилини ёқарди.
- Патруль Беннет ҳовлидан қайтиб келганида ит яна ҳуриди.
- Ҳамма қўшнилар бир овоздан кеча тунда ит ҳуrimади дейишяпти, - ахборот берди у. - Сенингча, унақада қанақа қилиб уйга кирган?
- Эшик бузилганми? - сўради Ненси.
- Ақалли кирилмаган ҳам. Ёки қотилда мос тушувчи калит бўлган ёки уни Питерсоннинг ўзи ичкарига қўйган.
- Ненси Слоун Питерсон ва унинг хотини ёнига бориб сўради:
- Мистер Питерсон, сизда бу уйнинг калити борми?
- Борликка бор, аммо мендан ўз туғишиган акамни ўлдиришда гумон қилмасангиз керак. Уни ўлдиришимни нима кераги бор эди? Шундок ҳам у оиласий бизнес бошқарувини менга топшириб қўйган эди.
- Яна кимда калит бўлиши мумкин?
- Менимча, бошқа ҳеч кимда.
- Кеча кечқурун соат ўн бирлар атрофида қаерда эдингиз?
- Қаҳвахоналаримизни айланиб юргандим. Бу пайтда қаҳвахоналаримиз ёпилади, мен тушумларни йиғиб чиқаман.
- Бир ўзингиз айланиб чиқасизми?
- Кеча бир ўзим айландим.
- Демак, ўзингизни оқлайдиган алибингиз йўқ?
- Бу нима деганингиз? Менга алибининг нима кераги бор? - тутақиб кетди Слоун. - Бошлиқларингиз билан гаплашиб қўймасам бўлмайди, ҷоғи!
- Бошлиқларим ҳам ўзимга ўхшаган эзма. Ҳатто мендан ўтиб тушишса ҳам керак. Ишонмасангиз мурожаат қилиб кўринг.
- Нега эримга ёпишиб олдингиз? Нима, бу ерда талончилик содир этилганини кўрмаяпсизми? - гапга аралашди Бетти.
- Қотил қилмишини талончиликка ўхшатмоқчи бўлган. Аммо эшик бузилмаган, ноёб, қимматли маркалар йўқолмаган. Менимча, қотил билдиримай кириб орқасидан отган пайти Питерсон ҳеч нарсадан бехабар, оромқурсисида ястаниб мудраётган ёки радио эшитаётган бўлса керак.
- Лекин қанақасига итни безовта қилмай кириш мумкин? - ишонқирамади Хенк Айлс. - Керак бўлса, қасам ичишим мумкин: кеча кечқурун тозининг саси ҳам чиқмади.
- Балки Шеп бошқа хонада қамоғлиқ бўлгандир? - паст овозда гапириди Ненси, аммо полициячиларнинг итни эрталаб қўшни хонага беркитишгани эсига тушди-ю ичида ўйлади: «Э, ҳа, демак ит қотиллик пайти хўжайинининг ёнида бўлган. Нега унда овоз ҳам чиқармаган? Қизиқ...»
- Ненси ойна олдига келди, сўнг Бетти Питерсонга ўгирилди:
- Машинангизда шаҳар харитаси борми? Унга қараб эрингизнинг кечаги ҳаракат йўналишини ўрганган бўлардик.
- Ҳа, менимча, харита бўлса керак, - иккиланиброқ жавоб берди Бетти. - Слоун, полициячи хоним харитадан сенинг ҳаракат йўналишингни текширмоқчилар.
- Эрингизда ишим бор. Харитани ўзингиз олиб кела қолинг.

Бетти Питерсон ташқари чиқиб, тезда ўроғлик харита билан қайтиб келди. Уйда ёқимсиз, этни жунжиктирадиган сукунат ҳукмрон эди. Бетти ҳамма унга тикилиб турганини кўриб жойида тўхтаб қолди.

- Нима бўлди? Нега менга бундай тикилиб қолдинглар? - У қўлидаги харитани Ненсига узатди. - Мана сўраганингиз.

- Ит ҳурмади, - секингина айтди Ненси.

- Нима?

- Ҳозир, сиз уйга кирганингизда този вовилламади.

- Нима бўпти?

- Демак, кеча кечкурун эрингизнинг калити ёки унинг нусхаси ёрдамида бу уйнинг эшигини очиб кирганингизда ҳам ит ҳурмаган. Кондрат Питерсонни сиз отгансиз.

- Бўлмаган гап. Тухмат!

- Йўқ, тухмат эмас. Шепни эгаси фақат эркакларга ҳуришни ўргатган экан. Шу топда эсладим, эрталаб мен кирганимда ҳам у индамаганди. Сиз эрингиз билан кирганингизда ит ҳурди, ҳозир ёлғиз ўзингиз кирганингизда эса ҳурмади.

Слоун Питерсон чўчиб тушди:

- Бетти, наҳотки шу гап рост?

- Сиз тезроқ кекса Питерсонни даф қилишни, эрингиз бизнеснинг якка хўжайнини бўлиб қолиши-ни истагансиз. Менинчча, сизнинг ҳам алибингиз бўлмаса керак. То эрингиз қаҳвахоналарни айланиб чиққунича, сиз бу ерга келиб манфур режангизни амалга оширгансиз. Огоҳлантириб қўяй: адвокат талаб қилишга ҳақлисиз, энди... - Ненси гапини тугатишга улгурмади, Бетти Питерсон ҳўнграб юборди.

### ➤ Фрэнк Сиск АЁЛ МАКРИ

Тадеуш Конвей чаққонлик билан формальдегид тўлдирилган банка орқасида турган вискили шишани олди: тиқинни очиб, шишаси билан кўтариб ҳузур қилиб уч-тўрт қултум ичди.

- Бу бошқа гап, - деди у вискини стол устига қўяркан.

Шу пайт эшикнинг мусиқали қўнғироғи чалинди.

- Хоҳласанг, мен очаман, Тед, - мурдалар мўмиёланадиган хонадан овоз эшитилди.

- Қўявер, Жон, ўзим очаман. Мана боряпман, - Тадеуш виски шишасини жойига қўйиб, ўрнидан турди. Иккинчи бор қўнғироқ чалингач, юзига тўрковларга хос ғамгин ифода бериб, шошилмасдан эшик томон юрди. Остонада ўрта бўйли, ўрта яшар аёл турагди. Одатда «Ф. Конвей» дафн идорасига келувчи аксар мижозларнинг ғамдан адо бўлгани юз-кўзларидан кўриниб турагди. Бу хоним бўлса ишчан қиёфада эди. Тадеуш ўзини кузатувчан киши деб ҳисобларди. У мижознинг афт-ангорида ғамдан асар ҳам топмади. Аёлнинг кийимлари ўта қимматбаҳо бўлмаса ҳам, бежирим, сифатли ва замонавий русумда эди.

- Хоним, мен Тадеуш Конвей бўламан, - ўзини таништириди дафн идораси эгаси. - Марҳамат, ичкарига киринг. Хизмат?

- Раҳмат, - миннатдорчилик билдириди меҳмон. - Мен Кора Педдингтон бўламан. Менга сизнинг ёрдамингиз керак.

- Хизматингизга тайёрман. Марҳамат қилиб буёқقا юринг.

Аёлни яқинда вафот этган отаси негадир «статистик» деб атайдиган хонага бошлаб кирди. Чарм оромкурсига ўтқизди. Марҳум отасининг

айтишича, бу ўриндиққа ўтирган мижоз истаса-истамаса ҳақиқатни гапирап экан.

- Қажва ичасизми ёки чой?

- Чой, - қимтинибгина жавоб берди кибор хоним.

- Шакар ва сут аралаштиришсінми, Педдингтон хоним? Фамилияңғызни түғри талафғуз қилдімми?

- Ҳа, түғри. Лимонли, қаймоқсиз бўла қолсин.

Тадеуш девордаги оқ тугмачани босди. Жон сигнални эшитиб, мўмиёлаштириш аппаратини ўчириб, чой қўйди.

- Чексам бўладими? - сўради хоним.

- Албатта, бемалол.

- Мени афв этингу, бошқа жойга ўтирсам майлими? Агар туришимга кўмаклашсанғыз, дераза ёнидаги ҳов анави ёғоч курсига ўтирадим. Тадеуш мижозга тургани кўмаклашар экан, «Хойнаҳой, бу хоним ўз ишида кўзи пишиб кетган раҳматли отамни ҳам лақиллатган бўларди» деган ўй хаёлидан ўтди. Янги жойга ўрнашган аёлга гугурт ва кулдон узатди. Сўнг ўзининг айланадиган стулига ўтириб, ҳамсуҳбатига тикилди.

- Менимча, бекорчи гаплар билан вақтингизни олишга ҳожат йўқ, - деди Педдингтон хоним. - Яхиси ишга ўтайлик.

- Бутун дикқатим сизда, - назокат билан жавоб қайтарди Тадеуш олдига бир даста сариқ қоғоз сураркан.

- Мен яхши ва унча қиммат бўлмаган дағн идорасини изляяпман.

Тадеуш ён чўнтагидан перосига тилла суви югуртирилган ручка олди. У «унча қиммат бўлмаган» деган жумла ўзига ёқмаганлигини билдиримасликка ҳаракат қилди.

- Нарх-наволаримиз ҳар хил, хоним, - эҳтиёткорлик билан таъкидлади.

- Унда яхши, - бош лиқиллатди Педдингтон хоним. - Алдамаётган бўлсанғиз, албатта.

- Гўёки илгари гўрковларга ишингиз тушиб, норози бўлгандек гапиряпсиз.

- Шунақа. Бугун эрталаб.

- Кечирасизу, сизни тушунмайроқ турибман.

- Сабаби оддий, жаноб Конвой. Мен дағн маросими харажатларини иложи борича қисқартиришим лозим. Шунинг учун елиб-югуришга түғри келди.

- Елиб-югуришга? - бу жумла Тадеушга эриш туюлди. Отаси шу ерда бўлганида бир сакраб тушармиди. Шундай бўлса ҳам энсаси қотганини сездирмасликка ҳаракат қилди. - Ҳа, тушундим.

- Мени тушунганингиздан хурсандман. Ҳамкасларингиз бўлса тушунишмади.

- Хўш, молиявий масалаларга ўтишдан олдин баъзи бир тафсилотларни билмоқчи эдим.

- Марҳамат.

- Биринчидан, тахминимча гап эрингиз жаноб Педдингтон ҳақида кетаётган бўлса керак.

- Сиз мутлақо ҳақсиз, - ғамгин жилмайди Педдингтон хоним. - Кечирасиз, паришонхотирлигим туфайли бу ҳақда айтишини унутибман.

- Самимий ҳамдардлигимни қабул қилсанғиз. Эрингизнинг исм-шарифи?..

- Адам Л. Педдингтон.

- Ёши?

- Эллик бир.

- Манзили?
  - Бирарвуд - Гарденс кўчаси, 11-уй.
- Педдингтонлар нуфузли туманда туришар эди. Бу хонимнинг дағн маросимини камтарона ўтказиш нияти билан ҳеч ҳам қовушмасди. Балки улар ўша туманда, бирор бойваччаникida ишлашар.
- Касби.
  - Адам - бош ҳисобчи. Аникроғи, бош ҳисобчи эди, - гапни тезда тўғрилади Кора. - «Видеоэлектроникс корпорейшн»да.
  - Энди Тадеуш Конвейнинг боши қотди. Унинг фикрича, бош ҳисобчи яхшигина мояна олиши керак эди.
  - У тўсатдан вафот этдими ёки узок давом этган касалликдан сўнгми?
  - Кутилмаганда, тўсатдан, - аёлнинг кўзлари шубҳали ялтиллади.
  - Балки шундай бўлгани ўзига ҳам, сизга ҳам яхшидир. Нима сабаб бўлиб оламдан ўтди?
  - Деразадан пастга тушиб кетди, - жавоб берди аёл ва сигаретасини кулдонга босиб ўчирди.
  - Ўлим - жуда ғамгин ҳодиса. Кеча биз билан бирга бўлган одам бугун орамизда йўқ, - ҳамдард оҳангда ғўлдиради Тадеуш. - Деразадан тушиб кетди дедингизми?
  - Ҳа, меҳмонхонанинг деразасидан.
  - Вой, Худойим!
  - Деразамиз кичкина балконга туташ эди. Бундан бир неча кун аввал балконни эскириб, болътлари бўشاшиб қолгани учун олдириб ташлаган эдим.
  - Вой, Худойим! - яна такрорлади Конвей.
  - Афсуски, балконни олдириб ташлаганим ҳақида эримга айтишни унтибман. Сўнгги қунларда азбаройи иши кўпайиб кетганидан уйда кам бўларди. Бугун эрталаб тоза ҳаводан нафас олгиси келди.
  - Ҳа, бугун эрталаб ҳаво ажойиб эди.
  - Уни огоҳлантиришга улгурмадим. Адам деразани очди-ю ташқарига чиқди.
  - Натижада у ўлдими?
  - Ҳа, - лабини тишлиб бош силкиди Педдингтон хоним. - Шу заҳоти ўлди. Гап шундаки, бизнинг хонадонимиз ўнинчи қаватда жойлашган.
  - О, Худойим! - Тадеушнинг аъзойи бадани титраб кетди.
- Хонага Жон кирди. У жимгина кумуш патнисни стол устига қўйиб чиқиб кетди. Конвей мижозга чой қуиб берди. Ўзига эса қаҳва қуиб олди. Жон хўжайини спиртли ичимликни ёқтиришини билгани учун қаҳвага одатдагидек виски қўшиб қўйганди.
- Чойхўрлик пайтида сухбат мавзусини ўзгартиришга ҳаракат қилди. У эр-хотин Педдингтонлар йигирма йил бирга яшашганини, аммо болалари бўлмаганини аниқлади. Адам Педдингтоннинг Канадада синглиси ва жиянлари бўлиб, у жиянларини ҳеч ҳам кўрмаган экан.
- Ростини айтай, Адам жуда меҳнаткаш эди. Унинг учун ҳаётида иш биринчи ўринда туради. Йигирма йил арифометр билан яшадим десам ҳам бўлади. Тўйимиздан кейин у кечки мактабни битириб олиши учун ҳар бир центни тежашимизга тўғри келган эди. У бухгалтер бўлиб ишлай бошлагач, биз уй сотиб олиш учун пул йиғишига киришдик. Ниҳоят, уй харид қилдик ҳам. Аммо уни тезда катта фойда эвазига сотдик. Пулимиизни кўчмас мулкка, сўнг қимматбахо қоғозга айлантиридик. Ишонсангиз, бизда асал ойи ҳам бўлгани йўқ.

- Менда ҳам асал ойи бўлгани йўқ, - деди хўрсишиб Тадеуш. У ҳали бўйдоқ эди.
- Унинг ўлганига қаттиқ қайғураётганим йўқ, - ҳикоясини давом эттириди Педдингтон хоним. - Бундай мунофиқликнинг нима кераги бор?! Тўғрисини айтсам, жаноб Конвей, биз сўнгги йилларда ўзаро бегонадек эдик, кундан-кун баттар узоқлашардик. У мансаб пиллапоясидан юқорига кўтарилигани сайин орамиздаги жарлик катталашарди. Йиллар ўтиб, у ёш аёлларга ўралаши.
- Ҳа, юқори амалларга эришиш оиласидан бахтни ҳам кафолатлайди деб кўплар янглишади. Назаримда, ҳикоянгизда баъзи бир қарама-қаршиликлар бордек. Жаноб Педдингтон мансаб пиллапоясидан юқорилаб борган экан. Бу пули ҳам кўпайиб борган дегани.
- Сиз ҳақсиз. Гарчи у қанча маош олганини билмасам ҳам, кам топмаганини биламан. Аминманки, у бой бўлмаган тақдирда ҳам, биз бадавлат оиласидан табақасига киришимиз аниқ.
- Унда айтинг-чи, нега дафн маросими харажатларини иложи борича қисқартиришга ҳаракат қилияпсиз?
- Бошқа иложим йўқ, - Педдингтон хоним хўрсиндиди, - шундай қилишим керак.
- Ахир, унинг пуллари сизга мерос бўлиб қолади-ку!
- Тўғри, мерос бўлиб қолади. Аммо дарҳол эмас. Эрим негадир бой беваларни ёқтирасди. Унинг фикрича, эр ўлгач, хотини меросни қўлга киритгунича покланиш даври бўлиши керак. Унинг назариясига кўра, бу бевага ўтмишини танқидий баҳолаб, келажагига жиддий муносабатда бўлиш имконини берар экан. Шунинг учун у васиятномасида ўлимидан кейин икки йил давомида фақат ўзининг суғурта пули ҳисобига яшшимни шарт қилиб қўйган.
- Суғурта пулита... - ўйчан такорлади Тадеуш. - Нима қипти? Уни дарҳол олса бўлади-ку.
- Бўлади, - бош лиқиллатди хоним, - аммо эрим яна бир шарт қўйган, кейинги икки йил мобайнида мен ишламаслигим, банкларга қарз сўраб мурожаат этмаслигим, бошқа даромад манбаларига эга бўлмаслигим керак. Хонадонимизни, шахсий буюмларимни, тақинчокларимни (азалдан менда бўлмаган) гаровга қўйишга ҳаққим йўқ. Факат тиланчилик қилишимга рухсат берган. Яна унинг ўлими олдидан ихтиёrimda бўлган пулларимдан фойдаланишга ҳақлиман.
- Анчайин ғаройиб ҳужжат экан. Агар шартлар-ни бузсангиз нима бўлади?
- Мен Адамнинг меросидан ўндан биринигина оламан. Қолгани синглиси ва жиянларига тегади.
- Суғурта суммаси қанча?
- Икки минг доллар.
- Нима, икки йил давомида шу икки минг доллар ҳисобига яшамоқчимисиз? - ишонқирамай сўради гўрков. - Азизим, бу ҳафтасига атиги 20 долларга тўғри келади дегани-ку!
- Биламан. Адам менга ҳаммасини батафсил тушунтириди. Иккаламиз турмуш қурган йиллари-миз у йилига 2 минг доллар ишлаб топар экан. Биз шу пулга яшаб, ҳатто йўлини қилиб пича сармоя ҳам тўплагандик.
- Аммо йигирма йил аввал ҳаёт даражаси, демакки, нарх-наво ҳам анча паст эди.
- Унутмангки, ўлим, яъни дафн маросими баҳоси ҳам.
- Барибир, икки минг доллар икки йил учун жуда оз-да, хоним. Ҳақиқатан ҳам садақа сўрашингизга тўғри келади деб қўрқаман.

- Шунингдек, банкдаги ҳисоб рақамимда ҳам 500 долларим бор. Буни Адам билмасди.
- Товук битта дон топиб олса ҳам хурсанд бўлар экан, - киноя қилди Тадеуш.
- Аҳвол сиз ўйлаганчалик ёмон эмас. Агар эрим нотабиий ўлим топса, суғурта миқдори икки баробарга кўпаяди. Балкони олиб қўйилган 10-қаватдаги уйдан пастга тушиб кетиш нотабиий ўлимга киради деб ўйлайман.
- Ҳеч шубҳасиз, - маъқуллади гўрков ва совуб қолган қаҳвасини қўлига олди.
- Хўш, жаноб Конвей, ҳисоб-китобни бошлаймиزمى?
- Тадеуш енгил хўрсиниб бош силкиди.
- Педдингтон хоним, эрингиз ўнинчи қаватдан тушиб кетган бўлса, ҳойнаҳой, юзининг абжафи чиққандир. Марҳумнинг қиёфасини асл ҳолига келтириш учун...
- Буning ҳожати йўқ, - аёл ҳеч ўйлаб ўтирумасдан жавоб берди ва ён дафтарчасига белги қўйди.
- Тушунарли, демак, ёпиқ тобут керак.
- Тобутнинг ҳам ҳожати йўқ.
- Нима дедингиз? - қулоқларига ишонмай сўради гўрков.
- Жомадон бўлса бас. Унинг ҳам қопқоғи бор-ку.
- Ҳа, - ғамгин оҳангда рози бўлди Тадеуш. - Энди дағн костюми масаласига ўтсак. Сиз бизга янги костюм беришингиз ёки бу масалани ўзимизга ҳавола қилишингиз мумкин.
- Эгнидаги кийимда дағн этаверсак-чи?
- Хоним, ишонинг, одатда бундай қилишмайди. Пастга тушиб кетиши олдидан марҳумнинг эгнида нима бўлганини билмайману. Аммо кийимлари пастга қулаб тушгач ғижим бўлган, йиртилган, балки...
- Ҳа, ҳойнаҳой қонга беланган бўлиши керак, - маъқуллаб бош силкиди Педдингтон хоним. - Энди бу кийимнинг тирикларга кераги йўқ. Шунинг учун ўша кийимида дағн қилаверайлик. Бундай тежамкорлигимиздан Адам хурсанд бўларди. У ортиқча сарф-харажатни ёқтирумасди.
- О, Худойим! Энди марҳумнинг сўнгги маконини аниқлашимиз керак.
- Мурдани куйдирамиз!

\*\*\*

- Орадан бир соат ўтиб, Тадеуш виски шишасини олаётib Жонга деди:
- Ҳойнаҳой, тушдан кейин абжафи чиққан ўликни олиб келишга борсак керак.
- Жуда баланддан тушиб кетганми?
- Бу ҳақда гапиргим келмаяпти. Аммо менга уни хотини итариб юборгандай туюляпти.
- Яқинда олдингга келиб кетган хонимчами?
- Айнан ўзи! - деди Тадеуш вискидан бир қултум ичиб. - Кичик бўлса ҳам жуда бало экан. Тиши ўткиргина аёл. Устаси фаранг ҳисобчи эри (уни Худо ўз раҳматига олган бўлсин) билан йигирма ийл бирга яшаб, ҳар бир центни тежайдиган бўлиб қолибди.
- Тэд, жасадни ҳозир олиб келсак бўлмайдими? Бу мурдани мўмиёлашни деярли тугатдим.
- Аёлнинг қўнғироғисиз ҳеч қаёқقا бора олмаймиз, Жон. У ҳали бутунлай рози бўлгани йўқ, - ғамгин бош чайқади Тадеуш. - Биздан кўра арzon дағн идораси тополмагач, рози бўлади. Яна тўртта идорага бориб кўриши керак.

\*\*\*

Тушдан кейин Конвей пиво ичиб, телевизор томоша қилиб ўтирган эди. Жон бўлса хоналарни йиғишириб, тартибга келтиради. Кечга якин ташқаридан машина сигнали эшитилди.

- Ўт ўчириш машинасимикан? - гўрков дераза олдига борган ёрдамчисидан сўради.

- «Тез ёрдам», - жавоб берди Жон. - Полициянинг «Тез ёрдам» машинаси. Бизнинг эшигимиз ёнига келиб тўхтади.

- Бизнинг идорамиз касалхона эмас, дафн идораси эканини ҳисобга олсак, демак Педдингтон хоним эрининг мурдасини бизга топширишга қарор қилибди.

- Полициячилар ўлик ташишини умримда биринчи кўришим, - ҳайронлигини яширмади Жон ва эшик томон юрди.

- Мен ҳам бунақасини эслолмайман, - деди Тадеуш.

Адам Л. Педдингтоннинг қопга солинган мурдаси қолдиқларини махсус хонага олиб киришди, Тадеуш ҳайдовчи ва ҳаммолни бир стакандан виски ичишга таклиф қилди. Улар мамнуният билан рози бўлишди.

- Мурдани ўликхонадан олиб келиб берганингиз учун сизлардан миннатдорман, - деди гўрков виски ичиб бўлишгач.

- Қанақа ўликхонадан, - кинояли кулди ҳайдовчи. - Уни кўчадан олиб келдик.

- Полициячи ва эксперт уни олишимизга рухсат бериши билан, - шериги қўшиб қўйди.

- Нима, ўлик кун бўйи кўчада ётганми?

- Қанақасига кун бўйи? Мархум бундан бир соатлар бурун тушиб кетган, полициячи ҳам, суд-тиббий экспертлар ҳам худди кутиб тургандек воқеа жойига тез етиб келишибди. Текшириш ишларини тугатишгач, биз мурдани ўликхонага олиб бормоқчи бўлиб турувдик. Бева полициячини бир нима деб ишонтиргач, у мурдани бу ёққа келтириб топшириб, тилхат олишимизни тайинлади.

- Тилхат дейсизми? - Тадеуш кинояли илжайиб бош чайқади. - Аёл макрини қарай...

У ўтириб, Адам Л. Педдингтоннинг мурдасини қабул қилиб олгани ҳақида тилхат ёза бошлади...

### ➤ Эдмон Кристин ҒАЛАТИ ҚАДАҲ СҮЗИ

- Мана, сиз шантажчилар ҳақида гап очдингиз... - деди инспектор Хамблби қаҳвасидан ҳўплаб, яна чашкасини стол устига қўйиб, ўзининг севимли манила сигарасини олиш учун кўкрак чўнтагини кавларкан гапида давом этди. - Ҳа, гоҳо хизматда улар билан шуғулланишимга ҳам тўғри келиб туради. Мен сизга айтсан, уларнинг бошқа тоифадаги товламачи-ю тамагирлардан ўлса ўлиги ортиқ. Детектив романларнинг муаллифлари уларни уятсиз, виждонсиз кишилар сифатида тасвиrlашади. Менга қолса, шантажчилар жиноятчилар ичida энг ижтимоий фойдалилариридир. Ўғрилардан, камомадчилардан фарқли ўлароқ, улар жазолаш билан ҳам шуғулланишади. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, киши товламачининг домига илиниши учун қандайдир айби бўлиши керак-да, тўғрими?

Аммо бу билан товламачиларни қўллаб-қувватлаш керак демоқчи эмасман, - ниҳоят сигарасини топиб шоша-пиша тутатди. - Тажрибамдан яхши биламан, жиноятни очишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган қанчалаб далилий ашёларни полициячиларни бурни

остидан олиб кетишган. Ким, нима учун? Албатта, шантажчилар ва албатта, ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиш учун. Шантажчи бизга ўхшаб турли-туман кўрсатмалару йўрикномалар билан кишиланнамаган. Унинг далил-исботларни қўлга киритиши осон.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — ҳар қандай кўзга кўринган шантажчининг қазоси полиция учун байрамдек гап. Негаки, вафот этган шантажчиларнинг архивини тинтуб қилиш жараёнида қанчалаб жиноятлар фош этилган. Ҳатто қотилликлар ҳам. Сол Колоннанинг иши эсингиздами? Агар машҳур бир тамагир қотилни фош қилувчи хатини қўлга киритиб, деворга қисмаганида, уни икки дунёда ҳам фош қилолмасдик. Кейинроқ ўша тамагир автобус тагида қолиб ўлиб кетди.

— Илтимос, икки рюмка арман конъяги олиб келинг, — Жервас Фэн клуб официантига буюртма бериб яна ҳамсуҳбатига юзланди, — Сол Колонна дейсизми? Исми шарифи таниш. Фақат унча эслолмаяпман.

— Энг қизиғи, — ҳикоясини мароқ билан давом эттириди Хамблби, — ҳатда бир қарашда қотилга қарши гувоҳлик берувчи ҳеч қандай маълумот йўқдай эди. Тасаввур қилинг-а, америкалик ақа-ука Сол ва Хэрри Колонна бўлган. Улар 1951 йил апрелида шахримизга кўчиб келишади. Бу уларнинг Англияга биринчи келиши эди. Сол Чикаго газеталаридан бирининг Лондондаги мухбири бўлиши, Хэрри эса роман ёзишга киришиши керак эди.

Бегона мамлакатга кўчиб келиш ҳаётни қайтадан бошлаш учун яхшигина баҳона. Аммо улар жомадонларини бўшатиб улгурмасидан туриб Хэрри пивохўрликка муккасидан кетди. Ҳар куни шишалаб бурбон пивоси ичиши оқибатида унинг соғлиғи панд бера бошлади. Шу даражага бордики, туманли оролимизга келганига бир ҳафта бўлмасидан, Жанубий Уэльсдаги махсус шифохонага ётди. Бир томчи ҳам спиртли ичимлик ичиш, умуман чекиши мумкин эмас, кунига уч марта сут ичилади, сайдра чиқилади — бундай тоифадаги муассасаларнинг кун тартиби шундай.

Албатта, бундай тартиб Хэррига ёқмади. Унинг дала сайри кўпинча пиво барида поёнига етарди. Муассаса бош врачини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди, ундан ўлгудай қўрқарди. Шунинг учун бунақа ҳаёт тарзига бошқа тоқат қилолмаслигига кўзи етгач, барча лашлушларини қолдириб, ҳеч кимга сездирмай шифохонадан чиқиб кетди.

Бу 7 май оқшомида юз берди. Эртаси тушга яқин ақа-ука, дикқат қилинг-а, иккови автомобилда Девоншир графлигига — Бриксэмга боришиди. У ерда «Болтон» меҳмонхонасида жойлашишади. Қўнгилхушлик учун вактлари етарли эди. Сол бор-йўғи бир ойча мухбир сифатида ишлаб, вазифасини уddyалолмагани учун бўшатилган эди. Шунинг учун ҳам укасининг чақириғига дарҳол етиб келишга имкон топган эди. Бриксэмда улар билганларича ҳордик чиқардилар. Икковлон елканли қайиқ сотиб олиб, тез-тез денгиз сайрига чиқиб туришди.

12 май кечқурун бўрон бўлишини билсалар ҳам очиқ денгизга чиқдилар. Ҳойнаҳой, улар бўроннинг эпицентрига тушиб қолганлар. Тун бўйи уларнинг қайиқларини тўлқинлар ва шамол Ла-Маншда чайқатиб юрди. Қайсиdir дақиқада Хэрри ёғоч брусс зарбидан денгизга қулаб тушди. Қайтиб қайиқ бортига чиқа олмади.

Ҳар ҳолда, эртасига эрталаб Дартмутдан етиб келган қутқарувчилар фалокатдан халос қилган Сол воқеани шу тарзда баён қилди. Унинг ҳикояси шунчалик ишонарли чиқдики, ҳатто кейинроқ Хэррининг ҳаёти каттагина пулга суғурта қилингани, унинг ягона

меросхўри Сол экани маълум бўлгач ҳам ҳеч кимда шубҳа туғилмади. Ҳатто жиноят содир этилган тақдирда ҳам, уни исботлашнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун полиция суғурта компаниясига товон пулини Солга тўлашни тавсия этди. Мурда сентябрь бошларида Старт Пойнт яқинидан топилди. У балиқчилар тўрига илиниб чиқди. Узоқ вакт ўтгани учун унга қараб ўлим сабабини аниқлашнинг имкони йўқ эди. Аммо стоматологик текширувлар мурда Хэрри Колоннаники эканини кўрсатди.

Агар Барни Лейкинг бўлмаганда, иш шу билан тугарди. Бу одамга тан бермай илож йўқ. У олғир ва ақлли эди. Бир сўз билан айтганда, жуда устаси фаранг эди. Бир неча бор айбини бўйнига қўйиб уни қамашди. Аммо озодликка чиқиши билан яна эски хунари – шантаж билан шуғулланишни бошларди. У Уайт-холлда 88-йўналишдаги автобус тагида қолиб ўлганидан хабардор бўлишимиз билан тинтув ўтказиш учун унинг уйига шошдик. У ерда кўплаб диққатга сазовор ҳужжатлар қатори ҳалиги хатни ҳам топдик!

Аввалига унда қизик ҳеч нарсани пайқамадик. Ҳатто хат Хэрри томонидан ёзилганини кўрсак ҳам, қария Барни нега хатни асраб қўйди экан деб анча пайт бошимиз қотди. Охири бу бошқотирмани ечдик. Пича сабр қилинг, ҳозир уни мазмунан тиклаб ёзиб бераман. Хамблби ён чўнтағидан блокнот олиб, унга ёзишга киришди, шу асно ғўнғиллади:

- Ҳатни шунчалик кўп марта ўқидимки, сўзлари ёд бўлиб кетди.
- У конвертдамиди? – Жервас Фэн қизиқди.
- Йўқ, биз конвертни топмадик. Аммо графологларимиз хатни ҳеч шубҳасиз Хэрри ёзган, бошқалар томонидан бирорта ҳарф қўшилмаган ҳам, ўчирилмаган ҳам деган хуносага келишди. Мана ўқиб кўринг. Хамблби блокнот варағини йиртиб Фэнга узатди. Унда шундай жумлалар ёзилган эди:

«Қаердан ёзаётганимни ўзинг биласан. 6.5.51.

Қадрдоним Сол!

Ҳаммаси жонимга тегди. Бирор ёқقا бош олиб кетмасам бўлмайди. Ҳатимни олишинг билан ҳамма ишингни ташлаб, Кармартеншир графлигидаги Лланегвадга етиб кел. У ер сен турган жойдан унча узоқ эмас, беш-олти милча. У ерда «Атиргул» деган пиво бари бор. Бугундан шу қовоқхонада яна пивохўрликни бошлаб юбордим. Ҳар куни кечқурун соат олтидан сени ана шу ерда кутаман. Мени бирор ёқقا олиб кетмасанг, жинни бўлиб қолишим аниқ. Тез етиб кел! Хэрри».

- Ҳа-а-а, – деди чўзиб Жервас Фэн хатдан қўзини узмай, – ҳақиқатан бунда бир гап бор.
- Ҳатдаги икки нарсага диққатни қаратиш керак.
- Йўғ-е? Майли, буни кейин айтарсиз, илтимос, аввал хикоянгизни тутатинг.
- Қисқа бўлишга ҳаракат қиласман. Биз Солни чақиртириб, хатни кўрсатдик. Уни нима дейишини олдиндан билардик. Янглишмабмиз. Сол бу ўша Хэрри ёрдам сўраб даволаш муассасасидан ёзган хат, деди. Сана ҳам, жой ҳам, масофа ҳам тўғри келарди. Шундай бўлсада, уни ҳибста олдик.
- Қотилликда гумон қилибми?
- Аввалига у суғурта пулини олиш учун укаси билан тил биритирган деган тахминга бордик.
- Тушунарли... Бир мулоҳаза, – Хамблбининг гапини бўлди Фэн. – Одатда бир америкалик иккинчисига хат ёзиб, 6.5.51 санасини

ёзадиган бўлса, бу 6 майни эмас, 5 июнни англатади. Аммо, иккинчи томондан оладиган бўлсак, ака-укалар Англияга кўчиб келишгач, саналарни инглизчасига ёзишга ўтган бўлишлари ҳам мумкин.

- Терговчи сўроқ пайти Солга санани кўрсатганда у айнан охирги гапингизни рўкач қилиб ўзини оқлашга уринди. Лекин фойдаси бўлмади.

Фэн хатга яна бир марта назар ташлади, кейин Хамблбига тикилди:

- Наҳотки, 1951 йил 6 май якшанба кунига тўғри келган бўлса.

- Топдингиз. Қорнингиз тўқ экан. Якшанба куни эса Уэльсда бирорта ҳам қовоқхона ишламаслигини ўзингиз яхши биласиз. Хэрри 6 майда бир томчи ҳам спиртли ичимлик тополмасди. Демак, хатда сана инглизчасига эмас, америкачасига ёзилган. Яъни, хат 6 майда эмас, 5 июнда – Хэррининг «фожиали ўлими»дан тўрт ҳафта кейин битилган. Қарабисизки, улар суғурта пулини олиш учун фирибгарлик қилганлари аён бўлди.

Хэрри даволаш муассасаси яқинида беркиниб яшаб юрган. Аммо ёлғизлик, тўрт девор ичида ҳаёт кечириш тез орада жонига теккан. Бу орада Сол суғурта пулини ўзаро бўлишиб олиш шарт эмас деган хулосага келган. Улар учрашиб, ярим кечаси яширинча Бриксэмга қайтишган. Кейин яна денгиз сайрига чиқишиган. Фақат бу сафарги сайр Хэрри учун ҳақиқатан ҳам сўнгиси бўлган. У бортдан денгизга қулаг тусиб ҳалок бўлган.

- Уни акаси ўлдирганини қандай қилиб исботладингиз? – қизиқсинди Жэрвас Фэн.

- Бу борада бизга омад бир оз кулиб боқди. Сол эҳтиётсизлиги туфайли майнинг охирларида қайиғини лаклаган экан. Диққат билан кўздан кечираётуб, янги лак қатлами устига сачраган қон юқини топдик. Лаборатория текширишлари қон айнан Хэррига тегишли эканлигини тасдиқлади. Суд маслаҳатчиларини Сол укасининг қотили эканлигига ишонтирувчи яна бир қанча ҳолатлар аниқланди. Хуллас, у дорга осилди.

Нега Барни Лейкинг каби нусхаларни баъзан ёқтиришимнинг сабабини энди тушунгандирсиз? Хэрри Колоннинг қотили тўлиқ унинг хизмати, шарофати туфайли топилди дейиш мумкин. Дейлик, ўша хат аввал менинг қўлимга тушганда эди, унга эътибор бермаган бўлардим. Хат айнан шантажчининг архивидан топилгани учун ҳам уни ҳафсала билан текширдик. Барни бўлар-бўлмас қоғозларни йиғмасди. У жиноятни уч чақирим наридан «ҳиди»дан биларди. Эҳ, Барнидан зўр изқувар чиқиши мумкин эди.

Ўшанда шефимнинг фикрича, жиноятни маҳорат билан очганим учун менга навбатдан ташқари таътил берилган эди. Кўриб турибсизки, мархум Барнидан миннатдор бўлишим учун сабаблар кўп.

Хамблби қадаҳини қўлига олди:

- Шунаقا, азизим Фэн, ким нима деса-десин, аммо шантажчилар менга ёқади. Келинг, уларнинг саломатлиги учун ичамиз.

### ➤ Эдмон Кристин ҚАЛАМ

Ниҳоят учинчи кун кечаси Эллиотни олиб кетгани келишди. Унинг кутишдан тоқати тоқ бўлаёзган эди. Азбаройи барча қулайликлари муҳайё, кошона межмонхоналарга ўрганиб қолганидан эмас. Тўғри,

ҳозирги хонаси ҳам арzon мебеллари-ю эскирган буёклари билан пича асабини қўзирди. Аммо у кўпроқ кутишдан сиқилганди.

Ёғоч зиналарнинг ёнирлашини эшишиб, соатига қараб қўйди-да, қўйнига яширган нарсасининг мурватини буради. Сўнг эшикдан кирадиганларни кўрмаслик учун ўтирган оромкурсисини тескари айлантириди.

Эшик секин очилганда, у гўё чўчиб кетгандай бўлиб, тўппончасига ёпишиди. Кирганлар вақтни бой бермаслик учун бараварига унга ёпишиди. Бирори қўлларини орқасига қайирди, кимдир чаккасига тўппонча тиради.

«Чурвақалар» ижирғаниб хаёлидан ўтказди Эллиот ўзини гўё аввалига қаттиқ қаршилик кўрсатиб, кейин тезда попуги пасайгандай кўрсатар экан. Тезда чўнтакларини тинтиб, уни пастга – олдиндан кутиб турган машина ёнига олиб тушиди.

Унинг ижирғанишида шухратпарамстликдан асар ҳам йўқ эди. Ёлланма қотилликни ўзига қасб қилиб олганига кўп йиллар бўлди. Вақт ўтгани сайин юрагида шухратпарамстликка ўрин қолмади. Эллиот умрида бир марта, шунда ҳам ҳаёти қил учida илиниб қолганда қотиллик қилди. Қайтиб бундай хатога йўл қўймади.

Вақт ярим кечадан оғди. Тор кўчада тирик жон кўринмасди. Узун, қора лимузин ўрнидан секин кўзғалиб, шовқин кўтармай юриб кетди. Кўп ўтмай у сайхонлик олдида тўхтади. Машина ойнасидаги пардаларни беркитишиди, Эллиотнинг оғзига латта тикишиди, кўзини боғлашди, қўлларини орқасига танғишиди. Унинг ортиқ қаршилик қила олмаслигига амин бўлишгач, ўзларига ишончлари ортди.

«Бу босқинчилар билан Эллисоннинг тўдаси ўртасида ҳеч қанақа фарқ йўқ. Бари бир гўр, – ўйлади Эллиот машинанинг яна ўрнидан кўзғалганига эътибор қиларкан. – Улар ҳам, булар ҳам хонадон ўғрилари, киссавурлар. Жой талашиб қолишгач, Эллисонга мен керак бўлиб қолдим».

У машинанинг ҳаракат йўналишини ҳатто кўр-кўrona бўлса ҳам эслаб қолишга ҳаракат қилмади. Буни талаб қилишгани йўқ. У ортиқча қизиқувчанлик ёлланма қотилнинг бошига бало келтиради деб хисоблар ва ҳамиша берилган кўрсатмага қатъий риоя қиларди. Орқа ўриндиқнинг суюнчиғига суюниб ўтиаркан, у олдида турган вазифани яна бир бор ҳаёлан таҳлил қилди.

«Холденнинг йигитлари жонимга тегди, – деди унга ўзини Голливуд жангари фильмларида тасвирланадиган суперменларга ўхшаб тутишга ҳаракат қиладиган тўда бошлиғи Эллисон. – Агар Холденнинг ўзининг таъзирини берсак, одамларига сичқоннинг ини минг танга бўларди. Бизга ана шунинг учун ҳам сен кераксан».

Эллиот бошини лиқиллатди. Қолган гап унга шундок ҳам тушунарли эди.

«Аммо Холденнинг макони қаердалигини биз билмаймиз. Шундай қилишимиз керакки, буни йигитларининг ўзлари кўрсатишсин. Менинг мўлжалимча, сен қармоқдаги хўрак бўлишинг керак. Хўрак бўлганда ҳам заҳарли хўрак». Эллисон кинояли хиринглади. Шу чоқда унинг майда, ўткир тишлари кўриниб кетди.

Эллиот Эллисоннинг тўдасига яқинда қўшилган, унга ишончили бўлмаган киши ролини ўйнаши керак эди. Холденга бу одам рақиблар тўдаси ҳақида муҳим маълумотга эгалигини йўлини қилиб билдирилиши лозим эди. Шунда Холден қандай қилиб бўлса ҳам бу маълумотни билиб олишга ҳаракат қилади. Эллисон шу тарзда унинг маконини билиб оламиз деб режалаштирганди.

Эллиот режанинг фақат ўзига бевосита тааллукли жойларини дикқат билан эшитиб, хотирасида олиб қолди. Қолгани у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетди. «Ёмон ўйланмаган, Холден қармоққа илиниши керак», деб ўйлаганди ўшанда Эллиот. Ҳозир юз берәётган ҳодисаларга қараганда Холден ҳақиқатан қармоққа илинганди.

Назаридә узок йўл босишганга ўхшади. Холденнинг одамлари ҳаммадан ҳам орқаларидан дум эргашишидан ёки Эллиотнинг ўзи хўжайинларининг бункери қаердалигини пайқаб қолишидан хавотир олишарди. Улар Эллиотни айланма йўллар билан олиб юришди.

Нихоят етиб келишди. Уни иккинчи қаватга олиб чиқиб, каравот устига ётқизиб бир неча бор зарб билан уришди. «Каравот яхши алломат. Демак, Холденнинг бор-йўғи битта хонаси бор экан-да. Унда режимни амалга ошириш осонроқ кўчади». У зарбаларга аввалига чидади. Сабаби, болаликдан калтакка пишиб ўстганди. Қолаверса, тўлайдиган пуллари учун чидаса арзийди.

Кейин гўё бардоши тугагандай билганларини – Эллисон ўргатганларини айтиб берди. Ўйнаётган ролидан ўзи ҳам завқланди. Бир ҳисобдан кўзи боғлиқлиги ҳам яхши бўлди, рақиблари унинг юзу кўзидаги ифодаларни кўришмади.

Холден асабий, овозига қараганда анча ёшга борган туллак экан. У Эллиотнинг гапларидан қониқиши ҳосил қилди. Ва, нихоят, Холден Эллиотга кутилган таклифини айтди.

«Майли, розиман. Фақат яхши ҳақ тўласанглар бўлди», кўнди Эллиот. Улар ҳам кўнишди, ҳатто лабига сигарет қистириб, олов ҳам тутишди.

Аммо кўзига танғилган латтани ечишмади. У ҳали тўла ишончга сазовор бўлмаганди. Шунинг учун бўлган жойини эслаб қолишини исташмади, шекилли.

У сал керишган бўлиб, қўйнига эҳтиёткорлик билан яширган бежирим, жимитдай қаламни чойшаб устига тушириди. Яна бир енгил ҳаракат билан у қаламни амаллаб ёстиқ тагига тиқди. Эллиот усталик билан ясалган, ичига портловчи модда, соат механизми жойлаштирилган автомат – қаламга озгина ачинди ҳам. Чунки бунақасини ҳали кўрмаганди. Эллисоннинг айтишича, уруш пайтида француз қаршилик ҳаракати аъзоларига фашист ҳарбий раҳбарларига қарши суиқасд уюштириш учун бундай қуроллар берилар экан.

Қайтишда уни яна эски йўл билан олиб келишди, шекилли. Яна сайхонликда тўхташиб, қўлларини, кўзига боғланган латтани олишди. Ўз хонасига кўтарилиб, дарҳол дераза ёнига келди. Тонг ёришиб қолган, Холденнинг лимузини ўқдек учуб узоқлашиб бораарди.

Эллиот ойнадаги аксига қараб «Ҳечқиси йўқ, тўйгача тузалиб кетади», деди. Сўнг лаш-лушларини йиғиб жомадонга жойламоқчи эди-ю, аммо қаттиқ чарчоқ устун келди.

Одати бўйича сергак ухлади, чоракам саккизда уйғонди. Портлаш соат саккизда юз бериши керак эди. Эллисоннинг олдига бориш учун нарсаларини йиға бошлади. Портлаш тафсилотларини кечки газеталардан ўқиб билиб оламан, деб кўнглига тугиб қўйди.

Бесўнақай жомадонига жой бўшатиш учун у ёстиғини бир четга сурди. Минорага ўрнатилган курант соатлари саккиз бўлганини билдириб занг ура бошлади. Шу пайт унинг кўзи таниш «қалам»га тушди.

Аввалига ҳеч нарсани тушунмай ҳанг-манг бўлиб қолди. Кейин гап нимадалигини англади. «Ҳа, бўлди! Улар эҳтиёткорлик қилишган. «Бункер»лари қаерда жойлашганини билишимни исташмаган. Демак,

кече бутун шаҳарни айлантириб мени шу ерга олиб келиб сўроқ қилишган. Сўнг яна бутун шаҳарни айлантириб шу ерга қўйиб кетишган», яшин тезлигида миясидан ўтди.

Унинг бутун вужудини ваҳима қоплади. Каравотидан уч марта ҳатласа эшикка етарди. Аммо улгуролмади. Даҳшатли гумбурлаш янгради ва портлаш зарби унинг танасини парчалаб ҳар томонга улоқтириб юборди.

➤ Эдмон Кристин  
БЕХОСИЯТ ҲАЗИЛ

- Файласуф Буриданнинг эшаги нимадан ўлганини биласизми? - инспектор Хамблби ҳамсұхбати Жервас Фэнга ўйчан тикилиб турдида, саволига ўзи жавоб берди. - Ҳар икки томондаги охурига баббаравар хашак солишгач, қайси бирини танлашни билмай очликдан ўлган. Мен ҳам ҳозир ўша эшакнинг ажволига тушиб турибман. Ўзимни узунқулоқ жониворга киёслаётганим сизга ғалати туюлаётгандир.

- Йўғ-е, нега энди?

- Тўғрисиям шундай: қайси бир тахмин устида тўхталишни билмай турибман. Қотиллик талончилик мақсадида содир этилганни ёки падаркушликоми - мана масала қаерда. Албатта, ишни батафсил ўрганишга киришсак, тарозининг бир палласи оғир келиши тайин. Аммо қотиллик сабабини олдиндан билганимизда, жиноятни фош этиш анча осон қўчар эди, вақтдан ютардим. Газеталардан бу жиноят ҳақидаги хабарларни ўқигандирсиз?

- Жуда юзаки хабардорман, - жавоб берди ҳамсұхбати. - Менинг билишимча, кече ўзининг уйида юрагидан ўқ еб ўлган киши ҳалиги жуда бой қария-да. Репортёрларнинг ёзишича, танишлари орасида ўзининг турли хурмача қиликлари билан машхур экан.

- Телбаликлари билан деяверинг, - аниқлик киритди Хамблби. - Назаримда у ўта мулоҳазасиз ва ажабтовур киши бўлган. Ҳамма бало шундаки, унинг аҳмоқлиги ўз бошига етди, ҳамма нарсани айқаш-уйқаш қилиб юборди. У ҳақиқатан телефонда катта ўғли Харольд билан гаплашаётгандан ўлдирилганни ёки бу ҳам қариянинг навбатдаги тентакона ҳазилларидан бирими: бир нарса дейиш кийин.

Харольд Тижвик - ёш, гуриллаб бораётган бизнесмен, айни пайтда жуда инсофли киши. Укаси Мортимер ҳам анчайин ёқимтой жентельмен, физик олим. Отасининг беҳисоб мол-давлати энди ақаукалар ўртасида тенг бўлинади. Менинг билишимча, улардан Мортимергина ҳозир моддий қийинчиликни бошидан кечиряпти. У кўрпасига қараб оёқ узатмайдиганлар сирасига киради, шунинг учун у, менинг назаримда, биринчи рақамли гумон қилинувчи.

- Иккинчи тахмин бўйича, менинг тушунишим-ча, қотил ҳозирча бизга номаълум талончи бўлиши мумкин, шундайми?

- Баракалла, топдингиз! Харольд эса шубҳадан холи. Негалиги сизга сал кейинроқ ойдинлашади. Энди ижозатингиз билан содир этилган жиноятнинг баъзи бир тафсилотларига диққатингизни қаратсам.

Кече кечки соат роппа-роса ўнда Харольд Тижвикка отаси қўнғироқ қиласди. Улар бир неча дақиқа у ёқдан-бу ёқдан валаклашади. Кейин кутилмагандаги қария Тижвик тўсатдан қичкириб юборади, тушунарсиз оҳангда нималардир деб ғўлдириайди, «Вой, мени ўлдиришяпти!»

дейдими-ей, сўнг яна бўкиради, ўқ овози эшитилади, нимадир «так» этади – телефон гўшаги чолнинг қўлидан тушиб кетган бўлса керак. Кейин жимлик чўкади.

Чолнинг феъл-авторини билган бошқа бирор бўлганда чолнинг галдаги томошаси-да, деб қўл силтаб қўя қолган, парво қилмаган бўларди. Аммо инсоф-диёнатли Харольд бундай қилолмади. У пича пайт асабийлашиб тургач, Мортимерга қўнғироқ қилиб, отасиникига кириб, ундан хабар олишини сўрайди.

- Нима, қўнгли жойига тушиши учун Харольдинг ўзи борса бўлмасми? – ажабланди Жервас Фэн.

- Уницида меҳмонлари бор эди, – изоҳ берди Хамблби. – Айни шу меҳмонлар унинг алибиси. У бутун оқшом уйидан чиқмаган. Мортимер акасининг ҳикоясини эшитиб, албатта, ҳеч қаерга боришни истамаган, энсаси қотган. Шундай бўлса ҳам отасиникига қараб йўл олган. Кечки соат ўну ўн бешларда отасиникига келиб қараса, ўзингиз газеталарда ўқиган ҳалиги ажвол. Чолнинг танаси полда чалқанча ётар, телефон гўшаги жойида эмас, симида пастга осилганча қолган эди. Мурданинг ёнида, гилам устида эса тўппонча ётарди. Ҳар ҳолда, – гапини тўғрилади Хамблби, – у шундай ҳикоя қилиб берди. Йигирма дақиқадан кейин полиция етиб келганида ҳам вазият ҳозир айтганимдай эди. Мортимер полицияни кўчадаги телефон-автоматдан чақирган. Аммо Мортимер отасининг уйига ёлғиз ўзи келгани учун ҳам унинг...

- Кечирасиз, – унинг гапини бўлди Жервас Фэн, – унинг уйга қандай қилиб киргани аниқландими?

- Орқа эшикдан. Ўша оқшом хизматкор кинога кетган, у қайтгунича эшик очик қолган. Ҳеч қандай бармоқ излари ёки бошқа излар қолмаган. Уйга хоҳлаган киши сездирмасдан кириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам икки хил тахминга боришимиз мумкин.

Биринчиси. Отаси Харольдга ҳазиллашиб қўнғироқ қилмаган. Қария Тижвикни ҳақиқатан соат ўндан бир-икки дақиқа ўтганда ўлдиришган. Унда Мортимер шубҳадан холи. Чунки унинг бу пайтда уйида бўлганлиги аниқ исботланган.

Иккинчиси. Қўнғироқ ҳазилкаш чолнинг навбатдаги шўхлиги бўлган. Мортимер эса бундан фойдаланишга аҳд қилган. У атайлаб соат ўндан ўн беш дақиқалар ўтганда келиб, отасини ўлдирган. Харольдинг қўнғироғи ўзини оқлаш учун кўл келади деб умид қилган.

- Аммо учинчи тахмин ҳам бўлиши мумкин-ку, – Фэн эътиroz билдиришга шошилди. – Қария ҳазиллашиб қўнғироқ қилган ҳам дейлик. Лекин уни Мортимер келишидан сал олдинроқ, ўндан ўн-ўн икки дақиқалар ўтганда бошқа бирор ҳам ўлдирган бўлиши мумкин-ку.

Хамблби бosh чайқади:

- Йўқ. Бу тахмин ҳақиқатга тўғри келмайди. Гап шундаки, мистер Тижвикнинг қўшнилари бор. Уларнинг меҳмонхонаси билан қариянинг уйи ўртасидаги девор унча қалин эмас. Уй эгалари ёшлари анчага борган эр-хотин бутун оқшомни меҳмонхоналарида ўтказишган. Улар бир марта ўқ овозини эшитишган. Бу чамаси соат ўндан бир-икки дақиқа ўтганда бўлган.

- Нима, улар ўқ овозини эшитиб ҳам ҳеч нима қилишмаганми?

- Ҳеч нима қилишмаган. Чунки улар кўп йиллик қўшниларининг феъл-авторини жуда яхши билишган. Бу ўқ овози ҳам эр-хотин учун янгилик бўлмаган.

- Тушунарли. Худди ёлғончи киши ҳақидаги ҳикоятга үхшаб-да. Эсингиздами, у ҳар гал «Уйимга үт кетди, ёрдам беринглар» деб алдайвериб, одамларнинг жонига тегади. Бир кун ростдан ҳам уйига үт тушиб, дод-вой солганида ҳеч ким ишонмайди. Шу тариқа бутун топган-тутгани куйиб кул бўлади. Шошманг-шошманг, қўшнилар бор-йўғи бир марта ўқ овозини эшишишган бўлса, демак отган киши Мортимер бўлмаган!

- Сиз ҳам бирпас шошманг, гапимни тугатиб олай. Бердисини айтгунимча уриб ўлдирманг. Қизифи, ҳам чигал томони шундаки, эр хотин соат ўндан ўн дақиқалар ўтганда пиво барига кетишган. Шунинг учун ҳам Мортимер отасини ўну ўн-ўну ўн беш оралиғида отган бўлса, улар эшишишган бўлиши табиий.

Қотил қарияни соат ўндан бир-икки дақиқалар ўтганда ўлдирган номаълум киши ёки чорак соатлардан кейин отган Мортимер бўлган. Икковидан бирилиги аниқ. Фақат қайсиси? Ўлай агар билсан.

Жервас Фэн пича тин олиб, яна тилга кирди:

- Қотил айнан Мортимер бўлиши керак.

- Нега?

- Гапларингизни эшитиб, шундай хулосага келдим. Агар қотил тасодифий босқинчи бўлса... Айтганча, ўзи бирор нарса ўғирлаганми?..

- Ҳа, у-бу буюм йўқолган. Аммо буни Мортимернинг ўзи ҳам то полиция келгунча уюштирган бўлиши мумкин. Бунга вақти етарли эди.

- Жуда яхши. Тасодифий босқинчи қотилликдан сўнг, осилиб қолган телефон гўшагини жойига қўйиши мумкин эди. Аммо гўшакни яна жойидан олиб осилтириб қўйишнинг қотилга нима кераги бор эди, тўғрими?

Аммо Мортимер, агар у ҳақиқатан айбор бўлса, ҳақиқатан шундай қилиши лозим эди. Агар қария Тижвик катта ўғлига ҳазиллашиб қўнғироқ қилган бўлса, у гўшакни яна жойига қўйган. Мортимер эса қотиллик айнан ўндан бир-икки дақиқа ўтганда содир этилганига ўхшатиши учун гўшакни олиб қўйиши лозим эди.

Менимча, у отасининг ҳазиллашиб отган тўппончаси ва пахтавон патронини бирор жойга яширган. Маслаҳатим, тезда яхшилаб қидириб кўринг.

- Ҳа, гапларингиз тўғри, - инспектор тасдиқ маъносида бош лиқиллатди. - Қанийди, агар отаси ўйин-мазах учун қўнғироқ қилганини исботласак, Мортимер қўлимизга тушарди. Фақат нега телефон гўшагига ёпишиб олганингизни тушунмаяпман. Сиз ҳақсиз, ростданам гўшак жойига қўйилиб, яна олинган бўлса, бу - Мортимернинг иши. Аммо сиз нега воқеа айнан шундай кечган деб ҳисоблайсиз? Нима, гўшак ўндан ўну ўн бешгача осилиб ётиши мумкин эмасми? Ва буни қандай қилиб исботлаймиз?

- Ҳамма гап автоматик телефон тизимида, - изоҳ берди Жервас Фэн.

- Ёки ҳазиллашиб ўзингизни тушунмасликка оляпсизми? Йўқ дейсизми? Қўйсангиз-чи. Ўзингиз ўйлаб кўринг, отасининг телефон гўшаги қанча пайт жойига қўйилмаса, Харольд шунча пайт на Мортимерга, на бошқа бирорга - ҳеч кимга қўнғироқ қила олмасди. Чунки кимгадир қўнғироқ қилиб, гўшакни қўймасангиз, унинг телефон рақами банд бўлиб қолади-ку, тўғрими?

Ваҳоланки, Харольд Мортимерга қўнғироқ қилган. Демак, отаси ҳалиги ҳазилидан сўнг гўшакни жойига қўйган-да. Кейин кимдир гўшакни яна жойидан олиб қўйган. Бу нарса ҳеч бир босқинчининг

хаёлига ҳам көлмас әкан, унда хулоса аниқ. Кўрдингизми, ҳаммаси жуда оддийгина әкан. Менимча, шунинг ўзи қотилни фош этишингиз учун етарли.

➤ **Валерий Ярхо  
ТЕМИР ГУВОХ**

Изқувар Броуннинг ташрифи ҳаммамизни шошириб қўйди.

- Мен Балтимор шахридан атайлаб сизларга танишларингиз Хуго Лутрейл борасида бир неча савол бериш учун келдим, - деди Ухизмат гувоҳномасини кўрсатар әкан.

Синглим Сюзана билан иккимиз кўз уриштириб олдик. Чунки Хугони яхши билардик. У бадавлат бўлиб, мендан фарқли ўлароқ мусаввирлик билан кун кўриш учун эмас, завқ олиш, кўнгил эрмаги учун шуғулланарди. Лутрейл билан кўргазмалардан бирида танишгандик. Шундан сўнг у бир неча ой бизницида туриб, устахонамда ишлади, мендан таълим олди. Яқинда эса Балтиморга жўнаб кетган эди.

- Э, Худо! - дедим юрагим нохушликни олдиндан сезгандай увишиб.

- Жаноб Броун, Хугога бир гап бўлдими?

Броун саволимга жавоб бермай сўради:

- Унинг қариндошлари билан ўрталаридағи муносабат қанақа эди?

- Унчалик хабарим йўқ, - дедим ҳамон хаёлимни турли кўнгилсиз ўйлар банд қилганича, - ўзи улар ҳакида гапиришни ёқтирамасди. Билганим - қариндошлари бой одамлар бўлиб, унинг рассомчилик билан шуғулланишини ёқтиришмас-ди. Менимча, бадавлат амакиси ундан оилавий бизнесларига қўшилишини талаб қиласди.

- Тушунарли, - деди Броун энди нигоҳини Сюзанага қадаб. - Хўш, Энсворт хоним, сиз нима дея оласиз?

- Нима тўғрисида? - сўради синглим негадир дув қизариб. - Бу ташрифингизнинг, бизларни сўрокқа тутишингизнинг боиси нимада?

- Нима, ростдан ҳам ҳеч гапдан хабарларингиз йўқми? - Ҳайрон бўлди изқувар. - Ахир, Хуго Лутрейль ҳакида ҳамма газета ёзяптику!

- Биз синглим билан жуда танлаб-танлаб ўқиймиз, - изоҳ бердим мен, - фақат сиёsat ва спорт ҳакида янгиликларга қизиқаман, синглим эса хонимлар ҳакида ва олди-қочди хабарларни ўқийди. Танишларимизнинг кўпи санъат одамлари. Улар умуман қўлларига газета олишмайди.

Броун ишонмагандай «Хим!» деб газета саҳифасини чиқариб, менга узатди. Бу «Балтимор хабарномаси» газетасининг кечки сони эди. Саҳифанинг кўк қалам билан белгиланган жойида «Бугун туш пайти соат 12.30 да машҳур бизнесмен Луи Лутрейль рассом Фридрих Голлиснинг устахонасида ўлик ҳолда топилди. Шўрликнинг кўксига ханжар санчилган. Ханжар қоқ юракка санчилиб, шу ҳолича қолдирилган.

Қотиллик қуроли марҳумнинг жияни Хуго Лутрейлга тегишли. У қотилликда гумонланиб шу куннинг ўзида ҳибсга олинди», деб ёзилган эди.

Сюзана орқамда туриб газетани мен билан бирга ўқир әкан ҳолсизланиб елкамга осилди, аммо амаллаб куч йиғиб биринчи бўлиб гапирди, аникроғи қичқирди:

- Бўлиши мумкин эмас!

- Хуго бу ишга қодир эмас! - қизишиб қўшилишдим мен ҳам.

Броун елка қисиб, газетасини қайтариб олар экан деди:

- Афсуски, жаноблар, сизнинг бу одам ҳақида яхши фикрдалигингиз унга ёрдам бериши жуда қийин – далиллар ўта жиддий. Уни Балтимор вокзалида қочишга уринаётган пайтида қўлга олишди. Йўл чиптаси сизнинг шахрингизга экан. Шунинг учун камина олдиларингизда турибди.

Голлиснинг кўрсатмаларига қараганда, Хуго Лутрейль илгари сизларнида яшаган экан. Амакиси ўлдирилгач ҳам ҳойнаҳой шу ёққа отланган бўлса керак. Хоналарингизда унинг нарсалари бўлса кўрсатсангизлар. Балки ўшаларни олиш учун келмоқчи бўлгандир.

Айтиб қўяй, бор ҳақиқатни, гумонланувчининг нарсаларини яширсангиз ёки менинг излашимга қаршилик қиласангиз, қонунга қарши борган, далилларни беркитган бўласиз.

- Нималар деяпсиз? – дедим жаҳлим чиқиб. – Хугонинг айбисизлигига шубҳам йўқ. Бу ерда унинг айтарлик нарсаси йўқ. Қоғозлари анави ойна олдидаги столнинг юқори тортмасида.

Тинтув кўп вақтни олмади. Жаноб Броун ўз ишини яхши билар экан. Қоғозлар орасида битта хат унинг диққатини тортди. Бу гал у қувонганнамо «Ҳим!» деб қўйди-да менга юзланди:

- Дўстингиз айнан ана шу хатни олиш учун отланган. Уни сизларга ўқиб бермаганми? Бўлмаса эшитинг: «Азизим Хуго! Ўйлайманки, сени яхши кўришимни биласан. Сенга фақат яхшилик тиловчи амакингдан хафа бўлмасанг керак. Қайсарлик билан таклифларимни рад этаётганинг, менимча, ёшликтинг ғўрлигидан, кибру ҳавосидан.

Аммо, бўтам, ёшлик шамолдек ўтиб кетади – менга ишонавер! Бу хатим билан сенга дўстлик қўлимни чўзяпман, орамиздаги яхши муносабатларимизни тиклаш ниятидаман. Сенга ҳар ойлик 500 доллар нафақани тўламай қўйганимдан мақсадим ўч олиш эмас, суратларингни сотиб кун кўришинг мумкинлиги ҳақидаги ўйларинг хомхаёл эканлигини исботлаш эди, холос.

Хат билан сенга 200 доллар юборяпман. Бу йўл пули. Тез келиб идорамизда ўз ўрнингни ва Лутрейллар оиласида муносиб мавқеингни эгалла.

Қаллиғинг Рашель Жеферсон хоним ҳаммасини тушуниб, сени кечирди. Икковларинг бир-бирларингга жуда моссизлар, бўтам. Кария Жеферсон қизи учун 2 миллион доллар сеп сифатида беради.

Бу фақат бошланиши. Биласан, менинг фарзандим йўқ. Сен оиласиб бизнесимизнинг ягона меросхўрисан. Чироғим, яхшилаб ўйлаб кўр. Эсингда тут – сени очиқ қучоқ билан кутиб оламан.

Сени севувчи амакинг Луи Лутрейль».

Броун ўқиши тугатиб, хатни эҳтиёткорлик билан буқлаб, конвертига солиб тантанавор оҳангда деди:

- Жаноб Энсворт, бу муҳим далилни терговчига тақдим этиш учун мусодара қиласаман. Бу хат тасдиқлайдики, амаки-жиян ўртасида илгаридан низо бўлган.

Броун кетгач, синглим ёнимга келиб, хавотирли овозда сўради:

- Хуго ўз амакисини ўлдириши мумкинлигига ишонасанми?

- Бўлмаган гап! – дедим бепарво. – Хуго пашшага ҳам озор бермайдиганлар хилидан.

- Раҳмат сенга, Нед, – Сюзи енгил тортгандек чуқур нафас олди. – Бу гапларинг менга далда берди.

- Бу билан нима демоқчисан? – ҳайрон бўлиб унга тикилдим.

- Биласанми, Недди, биз, яъни мен ва Хуго... Нима десам экан... Хуллас, мен изқувардан Хугонинг баъзи хатларини беркитдим. У

амакиси Жеферсон хонимга уйланасан деб мажбурлаётганини ёзган эди. Аммо у мени яхши кўрарди. Биз оила қурмоқчи эдик...

- Гап бу ёқда дегин!

- Аммо у амакисини ўлдирмагани аниқ! - гапига ўзи ҳам ишонмагандай деди синглим.

- Сюзи, аввал газеталарда бу ҳақда яна нималар ёзилгани билан танишайлик. Юр, кутубхонага борайлик.

Синглим кўнди. Газеталарда ёзишларича, Луи Лутрейлнинг ўлигини рассом Фридрих Голис ўз устахонасидан топиб олади. У катта буюртмани бажариш учун Хугони ёрдамга чақирган экан. Тушликдан қайтса, Хуго устахонасида йўқ, ўлик пайдо бўлиб қолган.

Рассомнинг бақирганини эшишиб, йўлакдан ўтиб кетаётган бева хоним Морган югуриб келган.

Голиснинг устахонасига қўшни хоналарда, ичкийимлар фабрикаси этаси жаноб Вельснинг оғиси жойлашган эди. Фабрикант ҳам, унинг гумаштаси Макс Феркас ҳам ўша куни тушликка чиқишилари олдидан - соат тахминан 12 дан 15 дақиқалар ўтганда устахонадан икки эркакнинг бақириб-чақирганини эшитишганини тасдиқлашди.

- Овозидан бир кекса киши, - дея изоҳ берди Вельс, - «Йигитча, сиз менга шарт қўймоқчимисиз? Жиян, ё менинг шартимни ҳеч бир сўзсиз қабул қиласан, ё мен сендан тонаман», деди.

Йигит эса бунга жавобан: «Амаки, сизни яхши кўраман. Маслаҳатингизни ҳам қадрлайман. Аммо мен қулингиз эмасманки, кимга хоҳласангиз, ўшанга уйлантирасиз», деди.

«Сенингча, мен қулдор бўлиб қолдимми? - дея тутақди қария. - Ҳақингни поймол қиляпманми? Унақада менинг ҳам ўз ҳуқуқларим бор. Авваламбор, ўз пулларимга эгалик қилиш ҳуқуқим. Гап шунга борадиган бўлса, васиятномамни ўзгартираман. Бугунок!»

«Билганингизни қилинг, - деди йигит. - Пайти келиб хатойингизни тушунарсиз. Балки энди бунга кеч бўлгандир».

Вельс ва Феркас бақир-чақирни охиригача эшитмай овқатлангани кетишиди. Тушликдан қайтишганида эса йўлак одамга тўлиб кетган, полициячилар жиноят жойини кўздан кечиришар эди.

Голиснинг яна бир «қўшниси» - муҳандис Райнолдс эса шу куни эрталаб поезда Нью-Йоркка кетган - унинг устахонаси қулф эди.

Фаррош Бромptonнинг айтишича, туш пайтига яқин Голлиснинг устахонасидан бир неча кун кетма-кет қатнаган ёш йигит шошилиб чиққан. У ҳатто лифтни кутишга ҳам сабри чидамай пастга югуриб кетган.

Морган хоним лифтда соат бир яримларда Голлис билан бирга чиққанини тасдиқлади. Голлис устахонасини очиши билан бақириб юборган. Хоним ичкарига кўз ташлаб қонига беланиб ётган мурдани кўрган ва қўшилишиб бақирган.

Лифтчи чолни, анча кейин рассом билан хонимни тепага олиб чиққанини айтди.

Вокзалдаги патруллар кичик Лутрейлни касса олдида, чипта харид қилган пайтида қўлга олишди. Унга амакисини ўлдирғанликда гумонланаётганини айтишганида, Хуго ҳушидан кетди.

Сўроқлар пайтида у амакисини ўлдирмаганини айтди, аммо ишончли далил келтира олмади.

Сюза вокзалда мени кузатар экан, имкон қадар Хугога ёрдам беришмни ялиниб сўради.

Худо шоҳид, қўлимдан келган барча ишни қилдим. Балтимордаги энг яхши қидибув бюросидан бир нечта изқувар ёлладим. Жуда уста

адвокатни шу иш билан шуғулланишга күндиридим. Ҳаммалари икки ой биргалашып ишлашди. Хугони озгина бўлса ҳам оқлайдиган далиллар қидиришиди.

Аммо ўтган давр мобайнида ишни бўлажак куёвим фойдасига бурадиган айтарли ҳеч бир янгилик топилмади. Фақат қария Лутрейлнинг столи ғаладонидан топилган қандайдир Эммага ёзилган хатининг қораламасини айтмагандан. «Сен менга берган сўзингда турмаяпсан, - дейилган эди чолнинг ўлимидан бир неча кун олдин битилган мактубда. - Шунинг учун ўртамиздаги алоқани узишга мажбурман. Банкка кўрсатма бердим. Энди қўлингдаги мен имзо чеккан чекларни қабул қилишмайди.

Қарорим қатъий. Бошқа кўзимга кўринма! Бўлмаса, ўзингга жабр қиласан! Буни эсингда тут! Луи Лутрейль».

Хўш, Эмма ким? У қайси сўзида турмаган? Қария нега пўписа қиляпти?

Масалага ойдинлик киритиш учун банкка бордик. Аммо банкир ҳам қисқача хабар билан чекланди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги бир неча йил мобайнида қандайдир Эмма Стенлей хоним Лутрейль имзолаган чеклар бўйича пул олиб юрар экан. Бундан уч ойча олдин қария аёлга пул тўлашни бас қилиш борасида кўрсатма берибди. Банк бошқарувчисининг билганлари шу эди, холос. «Ҳатто ўша хонимнинг асл исми ҳақиқатан Эмма Стенлей эканига ҳам ишончим комил эмас», деди у сўзининг охирида.

Суд бошланиши арафасида бошқа ҳеч бир умид қиладиган материал йўқ эди. Ҳамма газеталар олдиндан суд жараёни қисқа бўлади, айбланувчининг айби кундай равshan дея башорат қилишарди.

Тажрибали журналистлар янгишмаган экан. Адвокат гувоҳларнинг кўрсатмаларини шубҳа остига олишга уриниб кўрди. Аммо ҳамма ҳаракатлари беҳуда кетди. У Морган хонимдан «Ўша куни кимнинг олдига келган эдингиз? Қандай қилиб рассомнинг эшиги олдида пайдо бўлиб қолдингиз?» деб сўраганида прокурор судьяга қаратада «Муҳтарам жаноб! Бу саволнинг ишга алоқаси йўқ!» дея мурожаат қилди.

Судья протестни қондириди. Сўнг прокурор сўз олиб айблов далилларини дона-дона қилиб баён этди.

«Қотилликнинг асосий сабаби пул, - деди у. - Амакисининг меросдан маҳрум этиш ҳақидаги пўписаси айбланувчини қўрқитиб юборган».

Прокурорнинг нутқи охирида суд залини қарсак босиб кетди. Судья ҳатто болғачаси билан тўқиллатиб ииғилганларни тартибга чақиришга мажбур бўлди.

Адвокат қисқа гапириди. Қўлида пичоқقا илинарли факти бўлмагач нима ҳам десин. У маслаҳатчиларни нафақат ақл, балки юрак билан ҳам иш кўришга чақириди.

Нихоят судья маслаҳатчилар маслаҳат залига киришлари олдидан судланувчига сўнгги сўз берилиб, у энди оғиз очганда залга бир югурдак бола шошиб кирди. У адвокатга қандайдир хат берди. Ҳимоячи хатни шошиб очиб ўқиди-ю, ўрнидан сакраб туриб судьяга мурожаат қилди:

- Бир дақиқа, муҳтарам жаноб! Ишда янги ҳолатлар аниқланди. Ҳимоя томони суд залига устахонаси қотиллик рўй берган хона билан деворма-девор бўлган муҳандис Райнолдсни таклиф этишни талаб қилади.

- Адашмасам, иш материаллариға қараганда, жаноб Райнолдс ўша пайт сафарда бўлган, - деди судья. - У қанақасига гувоҳлик бера олиши мумкин?

- Мухтарам жаноб, - ўтинч билан тақрорлади адвокат. - Менга ҳозиргина Райнолдснинг хатини беришди. У сафардан қайтибди ва судга ўта муҳим янгиликни айтмоқчи экан!

Зал жонланиб қолди. Судья вазиятни баҳолаб, гувоҳни залга чақириши буюрди.

Жаноб Райнолдс баланд бўйли, кора, қалин мўйловли бақувват киши экан. У фақат ҳақиқатни гапириш ҳақида қасам ичгач, кўрсатма беришга киришди:

- Мен овоз ёзиш аппаратлари – фонографларни тақомиллаштириш билан шуғулланувчи компания-да ишлайман. Сафардан келгач, қотиллик ҳақида хабар топсан ҳам, тўғриси, бунга унчалик эътибор бермадим. Хаёлим ўз ишимда эди. Қарасам, фонографлардан бири ёқик қолган экан. Валикни тескари айлантириб, тозалигини текшириш учун кўйдим. Шунда, жаноблар, тез суд залига етиб келишим кераклигини англадим. Гап шундаки, аппарат ўша машъум куни рассомнинг устахонасида бўлиб ўтган гап-сўзларни ипидан-игнасигача ёзиб олган эди. Хуллас, Хуго Лутоейлнинг айбизизлигига мен эмас, фонографим гувоҳ. Рухсат берсангиз, уни эшишиб кўрамиз.

Судья рухсат берди. Муҳандис фонографини кўйди. Ундан аввалига тушунарсиз «хиш-хиш» этган товуш эшитилди. Сўнг рассом Голлиснинг овози янгради: «Мен тушликка кетдим. Сен ишингни тугатиб борарсан».

«Яхши, - деди бунга жавобан Хуго. - Оч қолиб кетган бўлсанг боравер». Эшик очилиб-ёпилгани, Хугонинг ҳуштак чалиб куй хиргойи қилгани эшитилди. Сўнг эшик яна очилиб-ёпилди. «Амаки?!» ҳайрон бўлиб сўради Хуго. Кейин жаноб Вельс кўрсатмасида айтган гап-сўзлар тақрорланди. Даҳанаки жанг охирида Хуго: «Алвидо, амаки! Мен бугуноқ кетаман. То талабинг нотўғрилигини тан олмагунингча қорамни ҳам кўрсатмайман!» деди. Эшик очилиб, «қарс» этиб ёпилди. Сўнг жимлик чўкди.

Эшик яна очилди, кимдир кирди.

- Эмма! Нега келдинг? - Ҳайрон бўлиб сўради қария. - Сенга гапиришга ҳам, гапингни эшитишга ҳам тоқатим йўқ. Менга хиёнат қилаётганингни анчадан буён кўнглим сезиб юради. Яқинда ёллаган изқуварим ким билан юришингни, нималар қилишингни – хуллас, ҳамма-ҳаммасини аниқлаб берди. Майли, кўнглинг тусагандай яшайвер! Фақат менинг ҳисобимдан эмас!

- Луи, бу гапингга афсусланасан ҳали!

- Ие, менга пўписа қиляпсанми? Қандай қилиб бева қолганингни – эринг Стенлейга ўлишида «ёрдам берганингни» яхши биламан. Қўрқитмай қўяқол. Аксинча, мен қўрқитишим керак. Полицияга бунинг учини чиқарсан, ҳолинг нима кечишини биласанми?

- Бундай қилмайсан, Луи! - ғазаб билан қичқирди аёл. - Чунки ҳозир ўласан!

Кейин бирорнинг ихрагани, ерга йиқилгани эшитилди. Кимдир у ёқ-бу ёққа юрди. Эшик очилиб-ёпилди. Жимлик чўкди.

Орадан кўп ўтмай яна эшик очилди. Эркак кишининг қичқиргани эшитилди. Сўнг аёл кишининг овози янгради: «Нима бўлди? Нега қичқиряпсиз? Вой, Худойим! Ўлик-ку!»

Бу бояги Эмманинг овози эди.

Фонограф валик тугагунча полициянинг келганини ҳам ёзиб олишга улгурган эди. Сўнг ёзув тугаганди.

Жаноб Райнолдс валикни олиб судъяга берди. Залга даҳшатли жимлик чўқди.

Ниҳоят стул ғичирлади. Прокурор гувоҳлар ўтирган жойга бориб сўради:

- Эмма Морган хоним, энди мен адвокатнинг саволини такрорлайман. Ўша мудхиш қуни машъум уйга нега келган эдингиз?

Бева Морган ўрнидан туриб бир оғиз гапириши билан залда ўтирганлар қичқириб юборишиди:

- Қотил! Қотил!

Чунки унинг овози худди фонографда ёзилган аёл овозининг ўзи эди.

➤ **Рон Гуларт**  
**ТОБУТ МУНТАЗИР**

Мен ўша машъум оқшом эски виллада нима бўлганини биладиган бу дунёдаги ягона одам бўлсан керак. Агар ўшанда бу ҳақда оғиз очсан, қатор ҳолатлар бўйича тушунтиришлар беришимга тўғри келарди. Оқибатда эса жуда ноқулай вазиятга тушиб қолардим. Шунинг учун нафасимни ичимга ютиб, бу ҳодисанинг унут бўлишини кутишим маъқул эди.

Ўша машъум фожиа юз бериши арафасида Лос-Анжелос марказидаги ломбард (гаровхона) да Жерри Хобанни кўриб қолдим. У чанг босган ойнага юзини босганча витринага қўйилган телевизорни қўрар эди. Жерри ўттиз олти ёшлардаги баланд бўйли киши эди. У қаддини бир оз букиб юрар, эгнига саржадан тикилган пича ғижим бўлган костюм кийган эди. Шу қиши қуни термометр симоби 0°C кўрсаткичдан зўрға юқори кўтаришлар, Хобан шунинг учун бўлса керак қўлларини шиммининг чўнтағига тиққанича турарди.

Тўғрисини айтганда, кайфиятим ҳам унчалик яхши эмасди. Ўзим ишлайдиган ёллаш агентлиги мени шаҳарнинг бу файзсиз ҳудудига топшириқ билан юборганди. Вазифам қовоқхоналар эгалари биз яқинда узумчиларни ўзимизга мижоз қилиш ниятида юборган реклама плакатларимизни осишган-осишмаганини текшириш эди.

Дастлабки уч сотувчи бунақа плакатлар ҳақида умуман эшитмаган экан. Тўртинчи қовоқхонанинг кираверишини ҳар хил лаш-лушлар тўсиб қўйган эди. Тўртинчи дўконга борсам, санитарлар у ердан отиб ўлдирилган хўжайнининг жасадини замбилаға солиб олиб чиқишаётган экан. Шундан сўнг мен ўз текширишимни тугатишга қарор қилиб, хизмат машинамни қолдириб келган гараж томон шошдим. Йўлда, боя айтганимдек, Жеррига дуч келдим. У қандайдир кўнгилочар кўрсатувни томоша қиласарди. Шу аснода Богартнинг овозига тақлид қилиб «Сени, қўғирчоққинам» дея ғўлдиради.

- Ўзингизми, Жерри?

У саволимга елка қисиб, менга юзини бурди.

- Қалай, овозга тақлид қилишни қотираман-а? - У менга қўл узатди. Кафти совуқ ва нам эди.

- Ҳа, зўр. Бу хосиятсиз жойларда нима қилиб юрибсиз?

- «Катта имконият» кўрсатувини<sup>1</sup> томоша қиляпман

- Буни уйингизда хотиржам кўрганингиз яхши эмасми?

- Мана шу пештахтадаги менинг телевизорим, - боши билан ишора қилди. - Ҳозир эса мактабда аъло ўқиганим учун менга мукофот сөврин беришларини кўрасиз.
- Ҳимм. Демак, ҳалиям ишсиз юрибсиз?
- Менга қаранг, биродар! Овозимдан фойдаланишдан бош тортганларингиз учун на сизни ва на фирманинг айблаётганим йўқ-ку. Аммо ишларим шу кунларда пачава, - у яна телевизор экранига тикилди.
- Тўғриси, хўжайинларимдан сизни яна бир марта синаб кўришларини сўрадим, - дедим унга хижолат аралаш. - Очиғини айтганда, кейинги пайтларда биз учун қилган радиорекламаларингиздан бирортасини ҳам сотолганимиз йўқ. Нархи...
- Биламан, биламан, - қўл силтади у. Экранда келишган, малласоч қиз пайдо бўлди. У айланаетган саҳнада ажойиб спорт автомобили ёнида турагар, атрофдагиларга ўзининг мафтункор табассумини ҳадя қиласиди.
- Эй, Худойим, у ҳақиқатан ҳам жуда гўзал, - деди Жерри Жимми Стюартнинг овозига ўхшатиб.
- Мен ойнага яқин бориб экранга тикилиб таниб қолдим:
- Ие, Фриллими? У қачон..?
- Икки ой бурун. Уни ёрдамчи қилиб олишганди. Ана сизга тақдирнинг ўйини, тўғрими? Фрилл Санкастл юлдуз бўлиб порляяпти, Жерри Хобан эса сўняпти.
- Аммо сиз ҳали ҳам Голливудда энг уста муқаллидларданисиз. Ҳатто Мак Бланк ҳам сизни...
- Мен энг зўр муқаллидман, - гапимни тўғрилади у. - Ҳар ҳолда шундай эдим. Маршмэллоудни қотириб ўхшатиб қўйганим эсингиздами? Ана шу бор-йўғи йигирма сониялик пародиям бир дунё мукофот олганди. Маршмэллоуднинг худди ўзига айланиб, унинг феъл-авторини қотириб кўрсатган эдим.
- Аммо, афсуски, Жерри, кучуклар овқатини мақтаб суратга тушган рекламаларингиздан ақалли бирортаси ҳам сотилганим йўқ.
- Ҳа, сиз ҳақсиз. Ҳаммасига ўзим айборман, - тушкун овозда тасдиқлади у. Айни пайтда малоҳатли Фрилли реклама қилинаётган автомобилнинг совутиш тизимини намойиш этиш учун энгашганини кузатди.
- Сиз ҳали ҳам Фрилли билан ажрашмадингизми?
- Ҳозир у билан алоҳида-алоҳида яшаяпмиз.
- Балки бу яхшиликкадир, тўғрими?
- Ҳа, биз Фрилли билан баъзан чиқишлиомай қолардик.
- Сиз юмшатиб айтапсиз. Уруш-жанжалларингизни бир эсланг. Бир у аразлаб кетиб қоларди, бир сиз. Ана ўша асабийлашишларингиз туфайли ҳозир омадингиз чопмай турибди. Бундан икки йил аввал, Фрилли билан топишишингиздан илгари сиз Голливуднинг энг яхши студияларида ишлардингиз, йилига икки юз минг топардингиз.
- Жерри энди Жон Вейннинг овозига тақлид қилиб жавоб берди:
- Вазият сиз ўйлагандан кўра анчайин соддароқ. Мен уни яхши кўраман, уям мени севади. Ишимни топиб, оёққа туриб олсан, яна бирга яшаймиз. Худди ҳалиги қўшиқдагидек, эсингиздами?
- Балки амакингиз ёрдамлашиб юборар?
- Амаким? - у экрандаги Фриллидан кўзини узиб менга тикилди. - Сиз Голливудда талантларни излаб топиш бўйича машҳур бўлган «Милдрью ва Аскью» фирмасининг собиқ президентини айтапсизми? Жамғармаси камида йигирма олти ярим миллион бўлган Харфорд

амакини айтяпсизми? Худди қароқчи рицарга ўхшаб ўзининг эски қалъаси Альтденада яшайдиган амакижонимни айтяпсиз-а? У киши уйини шифтигача эски қўрқинчли фильмлардан қолган нарсалар билан тўлдирган.

- У бундан бир неча йил бурун ёрдам берган эди-ку.
  - Тўғри, бир гал ёрдам берган, ҳамма гап ана шунда, - Жерри бу сафар амакисига ўхшатиб гапириб бош чайқади. - Хаёли фақат пулда бўлган ўша бетайин аёлни ташла. Шунда, балки тил топишиб кетармиз, Жерри.
  - Ёки амакингизнинг собиқ ҳамкори Марко Асьюга мурожаат қиласиз?
  - Марко бу ишини икки йил бурун бас қилган. Бундан ташқари мениям, Харфорд амакимният жинидан ёмон кўради. Аслида, иккаласиям мияси айниган чоллар. Уйларини эски кино реквизитлари музейига айлантиришган. Коллекционерлар! Яна бир-бирини ёмон кўришига ўлайми!
  - Аммо шунга қарамай у...
  - Марко неча йилдан буён «Вампидаче саройи» фильмидаги машхур реквизитларни сотишни сўраб амакимни ҳолу жонига қўймаяпти. Амакимнинг коллекциясида қадимий курол, кафан, ҳатто ичи шойи билан қопланган бир дона тобут ҳам бор. Амаким тез-тез унинг ичига кириб ухлар ҳам эмиш...
- \*\*\*

Жерри ўша куни кечқурун қўрғонни ўраб олган баланд тўсиқларга ўрнатилган қўйма дарвозадан ошиб ўтаркан шу ҳақда ўйларди. Осмонни булат қоплаб, ёмғир томчилай бошлади. У оқ тош ётқизилган йўлқадан, қалин бутазор ёқалаб тез-тез одимлаб амакисининг марокко услубида қурилган уйи томон шошиб борарди. Нихоят у асосий кириш жойидаги оғир, эман ёғочидан ясалган эшикни ғичирлатиб очаркан, кенг турган йўл-йўл свитер кийган кекса кишига юзма-юз келди.

- Жиннимисан? Дарвозада ўрнатилган гаплашиш аппарати орқали келганингни хабар қилсанг бўларди-ку! Унинг учун ойига 450 доллар тўлайман.
- Агар Брафф хоним навбатчилик қилаётган бўлса, барibir эшиитмасди. Кулғини том босган. Кейин, амакижон, келганимни хабар қилсан, сиз доим ҳам ичкарига таклиф қилавермайсиз. Шунинг учун баъзан ҳозиргига ўхшаб бостириб киришга тўғри келади.
- Хўш, бу сафар хаста амакингдан қанча талаб қилмоқчисан, Жеральд?
- Амаки, неча йилдан бери еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда-ю, ҳалиям худди қирқинчи йиллардаги қурумсоқقا ўхшаб нолийсиз, - у кекса, ажиндор кишига яқин келди. - Кулок солинг, сизда битта шахсий саволим бор.
- Мендан меросга бир чақа олишга ҳам умид қилма.
- Буни биламан, - дарров жавоб берди Жерри. - Эшитишимча, сиз кечалари тобутда ухлар эмишсиз, шу гап тўғрими?
- Тўғри. Шундоқ ҳам бир оёғим гўрда. Шунинг учун бу қилиғимнинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.
- Тўғрику-я, лекин сал ғалати, ғайритабии. Бу тобут учун нақ 50.000 доллар тўлашга тайёрлар бор. Айниқса, коллекция жиннисига айланган қари туллак Марко Аскьюга ўхшаганлар. Айтганча, у билан кўриша оласанми?
- Албатта.

- Унда орқамдан юр. Яширин йўлакдан кирамиз. Фақат қоқилиб-туртиниб бирор нарсани синдирма. Оёғинг остига қара. «Мен мурдага турмушга чиқдим» фильмида ишлатилган ажойиб кўзачани синдирганинг ҳалиям эсимда.
- Ўшанда бор-йўғи саккиз ёшда эдим, амаки, - қарияга эргашиб зимиштон йўлак бўйича бораркан Жерри ўзини оқлаган бўлди. У эроний гилам устига занг босган рицарлик ашқол-дашқоллари билан ёнма-ён қўйилган мўмиёни сал бўлмаса босиб олаёзди.
- Коллекциям миллионлаб доллар туради деб оғиз кўпиртирасиз. Шундай экан, нарсаларни пича тартибга келтириб қўймайсизми?
- Мен шундок ҳам нимам қаердалигини яхши биламан, - минғирлади чол. Улар кенг залга киришли. - Уч ойдан бери менга қорангни кўрсатмайсан. Энди раҳмимни келтирмоқчимисан. Гапир, нима бўлди? Яна анави малла парик кийган аҳмок эчкичанг сени кўчага ҳайдаб юборган бўлса керак-да.
- Фриллининг бошидаги парик эмас. Сочи ўзи шунаقا – табиий малла.
- Унинг табиий ҳеч вақоси йўқ. Фақат эчкига ўхшаб табиий аҳмок, холос, - қария бир қўли билан ҳассага, иккинчиси билан кенг мармар зинапоянинг чамбарагига суюниб секин кўтарила бошлади. – Отини қара, отини – Фрилли! Куюсанми, куласанми? Худди мампарнинг турига ўхшаб эшитилади. Ҳақиқий юлдузлар ўзларига Жоан, Жуди, Лоретта каби исмларни танлашади.
- Аммо яна бир юлдуз бор, - Жерри бу гал Глория Свексоннинг овозига ўхшатиб гапирди.
- Бежиз шу пайтгача иш тополмаган экансан.
- Сизга нима бўлди, Харфорд амаки? - Жерри бир сакрашда икки зина кўтарилиб қарияга етиб олди. - Нега ҳарсиллаб нафас оляпсиз?
- Нима бўларди, қаридим. Агар шошма-шошарлигинг бошингга етиб машина тагида қолмасанг, сен ҳам бир кун келиб қарийсан.
- Жерри амакисининг тирсагидан ушлаб, унинг сўнгги зиналардан кўтарилишига кўмаклашди.
- Ё шифокорни чакирайми?
- Кераги йўқ, - Милдрю тўхтаб хириллаганча нафасини ростлади. Сўнг ҳассаси билан туртиб, эшикни шараклатиб очди.
- Ана, тобутни томоша қилсанг бўлади.
- Аҳа. Демак, сиз шу хонада ухлайсиз?
- Ҳа. Фақат тобут тепароқда бўлса, янайм қулайроқ бўларди. Чиринди ва моғор хиди гупиллаб турган хобгоҳ қоронғироқ эди. Аммо Жерри дарров қозиқни кўрди. У қандайdir ҳайвоннинг панжаси ва мармар плита билан бирга стол устида туради. Қозиқнинг уни ўткир эди – уни бемалол курол сифатида ишлатса бўларди. Тобутнинг ўзи эса махсус металл таглик устига ўрнатилган бўлиб, қопқоғи устида қўнғироқли соат туради.
- Хўш, хобгоҳим сенга ёқдими? - хирилдоқ овозда сўради чол.
- Зўр, - деди Жерри чанг босган шиша қоплама остида турган қозиқка яқин бораркан. Сўнг самимий оҳангда давом этди. - Очиғини айтганда сиз билан бир масалани маслаҳатлашиб олмоқчи эдим.

\*\*\*

«Амакижони»никида муваффакиятсиз ташри-фидан сўнг Жерри Фрилли Сан-Кастлнинг янги ишхонасига қўнғироқ қилган. Аммо унинг на

ишихонадаги ва на уйидаги телефони жавоб берган. Орадан ҳеч қанча вакт ўтмай Фриллининг ўзи қўнғироқ қилиб қолган.

- Сен Гонцернинг олдига бордингми? - сўради Фрилли.

- Боришга бордим, аммо...

- Хўш, у сўраган нарсани амакингдан олиб берасанми?

- Йўқ...

Фрилли ҳафсаласи пир бўлгандай нафас олди:

- Нега?

- Чунки амакимнинг собиқ ҳамкасби Марко Аскью неча йилдан буён ўша қозик атрофида айланишади. У қандай бўлмасин ўзининг коллекциясини ана шу қозик билан ҳам бойитмоқчи эди. Амаким қариган чоғида кўнгилчан бўлиб қолибди, чоғи. Ҳар ҳолда у Маркога қуриб кетгур қозиқни сотишга кўнибди. Олди-сотти эртага бўлиб ўтади. Амаким менинг таклифимни эшитишни ҳам истамайди.

- У қозиқни қанчага пулламоқчи экан?

- Буни айтмади.

- Ўзим аҳмоқман. Сени деб бекорга ҳаракат қилиб юрибман. Сен бўлсанг оддийгина ишни ҳам эплай олмайсан.

- Фрилли, илтимос, бас қил! Сен билан яна аразлашиб қолиш ниятим йўқ, - ялинишга тушди Жерри. - Гонцерга қозиқни олиб беролмаётганимдан ўзим ҳам афсусдаман. Ўн беш минг ҳеч бир жойимдан тешиб чиқмасди, ахир...

- Маслаҳатим, қозиқни Гонцерга сотишга амакингни кўндиришга яна бир уриниб кўр. Тағин ўзинг биласан, менга бари бир. Бунақа умидсиз аҳволда бўлсанг, бирор ишни уддалашинг мушкул, эсиз вактим...

\*\*\*

Ана шу гап-сўзлардан сўнг орадан бирор соатлар ўтгач, Жерри менга сим қоқди. Икковимиз гаровхона олдида тасодифан кўришиб қолганимиздан сўнг нималар бўлганини айтиб берди. Сўнг ўзининг режасини ҳам баён этди.

- Андишангизни сақлаб қолганингиздан хурсандман, - дедим. - Энди режангизга келсак, уни амалга оширангиз сизни охири тутиб олиб қамашади. Яхиси, Фриллини унутинг. Икки-уч ҳафтага бирор ёқса кетинг. Яна Лос-Анжелосга қайтганингиздан сўнг, сизга бирор иш топиб берарман.

- Уни эсдан чиқара олмайман, - эътиroz билдириди Жерри. - Осонгина ўн беш минг ишлаб олиш имкониятини ҳам қўлдан чиқариш ниятим йўқ. Сизга раҳмат, фикрларимни йиғиб, тартибга солиб олишимга ёрдам бердингиз.

Жеррининг нодир қобилиятини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг Чарба қозиғини қўлга киритиш режаси ёмон эмасди. Факат у ўз имкониятларини юқорироқ баҳолаб юборган. Бунинг устига у Марко Аскью билан Гонцернинг қабулхонасидаги хитойлик гўзал қизнинг яқин муносабатдалигини билмасди.

Тахминимга кўра, Жерри қуйидагича ҳаракат қилган. Кечга яқин у тўрт марта қўнғироқ қилган. Бунинг учун уйидаги телефон ҳаки тўланмагани боис ўчириб қўйилгани сабабли кўчадаги телефон-автоматдан фойдаланган.

Аввал у спортчи ва амакисининг собиқ ҳамкасби бўлган Марко Аскьюга сим қоқкан. У амакисининг овозига ўхшатиб:

- Марко, қадрдоним, гап бундок, - деган. Овози ишончли чиқиши учун хириллаган. - Учрашувимизни кечиктиришимизга тўғри келади. Бугун кечкурун саккизда вақтим йўқ.

- Шунақами, - пичинг оғангида сўради Аскью. - Демак, эшитганим тўғри экан-да.

- Нима деб эшитувдинг. Икки кунга бир ёққа бораётган эдим. Саломатлигимни ҳам ўйлашим керак-ку. Келишим билан битимимиизни амалга оширамиз. Менга ишонавер.

- Сенга ишонишим керакми? Аввал қозикни менга сотишга ваъда берасан. Кейин виждансизларча алдайсан. Шундан сўнг ҳам сенга ишонишим керакми?

- Марко, қозикни оласан. Узоғи билан кейинги ҳафтанинг охирида. Чин сўзим.

- Ишониб бўпман, - Аскью заҳарханда кулиб гўшакни илиб қўйди.

«Ҳаяжонландилар, - ичиди кесатди Жерри. - Раҳмдил Марко бугун кечқурун виллага келмайди».

Кейин у Гонцер бюроси рақамини териб аввал мафтункор котиба билан, сўнг Гонцернинг ўзи билан гаплашди.

- Агар ҳамма пулни менга тўласангиз, амакимга шу маъқул бўларди,

- энди ўз овозида гапирди Жерри. - Менимча, бу солик билан боғлиқ бўлса керак. Менга ҳамма пулни бирйўла тўлашингиз мумкин. Бир юзу олтмиш беш минг доллар бўлади. Эртага мен сизга ҳалиги нарсани олиб бораман. Яна нимайди?.. Ҳа, амаким бу олди-сотти ҳақида ҳозирча ҳеч кимга оғиз очмаганингиз маъқул деганди.

- Тушундим. Эртага эрталаб соат ўнда келинг.

- Эртага. Жуда соз! Ҳамма пул ёнингизда бўладими?

- Албатта.

Кейинги икки қўнғироғи билан Жерри бошқаларнинг овозини қойилмақом қилиб ўхшатишдек нодир истеъдодини ҳеч ҳам йўқотмаганини ўз-ўзига исботлади. Ҳар икки сафар ҳам у кекса амакисига сим қоқди.

- Салом, бу мен - Маркоман, - деди у биринчи гал. - Саломатлигинг қалай, қари туллак?

- Мен учун ғам емай қўя қол. Ҳали сенинг ўлигингни ҳам ўзим бosh бўлиб кўмаман. Яхиси, мақсадга ўтиб қўя қол. Нима зарур гапинг бор эди? Ахир, қўнғироқ қилмасанг ҳам, бугун кечқурун кўришмоқчи эдик-ку!

- Шунинг учун ҳам қўнғироқ қиляпман-да. Бугун оқшом сеникига бора олмайман.

- Хоҳишинг, оғайнни. Ўзинг «Қозиғингни менга сот!» деб кулоқмиямни единг-ку.

- Кутилмаган бир иш чиқиб қолди, - деди Жерри ҳамон Марко Аскьюга тақлид қилиб, - Сенга ўзим эрта-индин қўнғироқ қиласман. Нима бўлганда ҳам ўша гапимиз гап.

- Аммо биласанми, - Милдрю чайналди, - агар омадинг бўлса, қозикнинг баҳоси эллик минг долларлигича қолади. Омадинг чопмаса, ошиши ҳам мумкин. Бу эсингда турсин, - шундай деди-ю гўшакни жойига қўйди.

У иккинчи марта телефон кабинасига кириб яна Альтаденадаги эски виллага сим қоқди.

- Жаноб Милдрю, сиз мени танимайсиз, - деди у ўзига ишонган фирибгар образига кириб. - Аммо менда сизни жуда қизиқтирувчи бир нарса бор.

- Матоҳингизга қизиқишимга шубҳам бор, - мэнсимай жавоб берди қария.

- Бу узук, - деди Жерри, - кўршапалак шаклида рубиндан ясалган узук.

- Игорь Царбуга тегишли бўлган вампир узуги? - ишонмай сўради Милдрью. - Ахир уни бундан тўқиз йил бурун Царбунинг ўзи билан кўшиб қўмишган эди-ку.

- Ҳой қария, қулок сол, - керакли оҳангни топиб давом этди Жерри. - Кўмилган нарсани кавлаб олса бўлади. Хўш, бу нарса сени кизиқтирадими ёки Марк Аскьюга қўнғироқ қиласми?

Қария бир неча лаҳза сукут сақлаб жавоб берди:

- Узукни бажонидил бир марта кўрган бўлардим. Меникига келинг.

- Йўқ, бу ҳакда гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Агар сизга буюм керак бўлса, ўзингиз бизниги келинг.

- Ахир, мен кекса, хаста одамман...

- Бугун кечқурун «Фурия» қаҳвахонасида кутамиз. Соат тўққизда.

- Ҳой йигит, мен ҳатто қаҳвахона қаердалигини ҳам билмайман.

- Сўранг, суриштиринг, - Жерри гўшакни жойига илиб, маза қилиб кулди.

У Аскьюнинг қозиқка ишқи тушиб қолгандек, амакиси ҳам узукка қизиқиб қолганини аниқ биларди. Қария анча кучдан қолган бўлишига қарамай ҳали ҳам машина ҳайдаб турарди. Жерри бу оқшом амакиси Вениста йўл олишига шубҳа қилмасди. Марко Аскью ҳам учрашув бекор қилингани учун виллага келмайди. Милдрюнинг хизматкори Брафф хоним эса тўққиздан кейин ухлайди. Демак, бу оқшом вилла бўшаб қолади деса ҳам бўлади.

\*\*\*

Жерри кутганидек ҳовли эшиги қулфланмаган экан. Қоронғулик қўйнида у қозик нусхасини қўйнига яширди. Сохта қозиқни у ўз қўли билан ясаган эди. Жерри хобгоҳга кириб, шиша қалпоқ остидаги ҳақиқий қозиқни олиб, ўрнига сохтасини қўйса бўлди эди. Суроби тўғри бўлиб қолган қария буни пайқамайди. Икки чол ўртасида музокараларни буткул чиппакка чиқариш учун Жерри яна икки-уч марта Аскьюга Милдрю бўлиб, амакисига эса Аскью бўлиб қўнғироқ қилмоқчи, қулай фурсатни пойлаб уларни бир-бири томонидан ҳақорат ҳам қилмоқчи эди.

Балки пайти келиб Гонцер қозик ўғирланган мол эканини билар. Аммо Жерри бу муаммо туғдирмайди деб ҳисобларди. Борди-ю, орадан ўн йиллар ўтиб Гонцер қозиқни сотишга қарор қилса, қария бу пайтга келиб гўрида чириган ҳам бўлади. Бундан ташқари, эртага эрталаб Жерри қўлига бир юз олтмиш минг доллар тегиши билан Фриллини олиб Жанубий Америкага суринб юборади.

У кинояли кулиб, остона ҳатлаб қоронғу хонага кирди. Кутимаганда чироқ ёнди - рўпарасида тўппонча ушлаган амакиси турарди.

- Сен энг катта аҳмоқгарчилик қилдинг, тентак, - деди у.

- Харфорд амаки! Мен бор-йўғи Царба қозифини олмоқчи эдим. Сиз уни Аскьюга арзимас эллик мингта пулламоқчисиз. Ваҳоланки, мен уч баробар қимматга сотаман. Юз эллик минг! Кеча келганимда шуни айтмоқчи эдим, аммо ўзингиз оғиз очирмадингиз. Эвазига озгина ўз улушимни оламан, холос.

- Мен факат ўзим ишонган одамлар билангина битим тузаман, - у тўппонча билан тобут устида турган телефонга ишора қилди. - Ҳозир эса полиция чакираман.

- Амакижон, нималар деяпсиз? Мен, ахир, жияннинг бўламан. Дунёда яккаю ягона жигарингиз.

- Сендақа жияннинг баҳридан ўтдим. Ўша амакисини алдамоқчи бўлиб бошқалар номидан унга қўнғироқ қиласмиган.

- Сиз ростдан ҳам полиция чакирмоқчимисиз?
  - Бўлмаса нега икки соат зулмат ичида аҳмоқ бўлиб ўтирдим. Сен билан валаклашиш учунми?
  - Йўқ, қўнғироқ қилиб бўпсиз! - Жерри бир сакраб амакисига мушт туширди.
- Кария гандираклаб ийқилиб тушди.
- Мени ўлдирдинг-ку, аблах, - инқиллаб гапирди у, сўнг жимиб қолди.
  - Ўзингиз айбдорсиз. Мени шу жиноятга бошлаган ўзингиз, - Жерри тиз чўкиб амакисини қучоқлади.

Бир зум гангиб тургач, мурдани яшириш тараддуудига тушди...  
Қозик кечаги жойда туради. Йўлакдаги чироқ нури унга тўғри тушарди. Жерри шиша қалпоқни очиши билан пастдан Марко Аскьюнинг таниш овози эшитилди:

- Сен эшигимни бузиб киролмайди деб ўйлаганмидинг, қари туллак? Мени аҳмоқ қилиш сен ўйлаганчалик осон эмас.

Жерри Гонцернинг қабулхонасидаги гўзал котиба Аскьюнинг айфоқчиси эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Котиба Жерри биринчи марта Гонцернинг хузурига ташриф буюриши билан бу ҳақда Аскьюга хабар берган эди. Котибанинг иккинчи қўнғироғи Марконинг тоқатини тоқ қилди. У Харфорд Милдрю билан «ҳисоблашиш» учун эски виллага йўл олди.

Жерри энди қозик ҳақида ўйламас, ёлғиз истаги шу ердан эсономон чиқиб кетиш эди.

Жерри овоз чиқармасдан тобут ёнига келди, унинг ичига кирди. Аммо қопқоғини ёпишга улгурмади – хонага Аскью кирди.

- Сотқин! Иуда! - бақирди Марко. - Аввал менга ваъда берасан. Кейин аҳмоқ Гонцерга. Нима учун? Кўпроқ фойда кўриш учунми? Биласан-ку, ҳозир эллик мингдан ортиқ беролмаслигимни. Ярамас сотқин!

Жерри нима қилишни билмасди. Билдирмасдан қопқоқни ёпсинми? Ёки ўрнидан туриб тутақаётган Аскьюга ҳақиқатни айтсинми? Бунақада уни амакисини ўлдирғанликда айблаб қамоққа олишади-ку!

- Ҳа! Мана экан! - Аскью қозик томон югурди, шиша қалпоқ полга тушиб чил-чил синди.

Шунда Жеррининг миясига бир фикр келди – «Аскью фақат бир нарсани – қозикни қўлга киритишини хоҳлайди-ку!» ўйлади у. Сўнг тобут ичида ётганча:

- Бўпти, олақол ўша қозикни! Энди уйингга жўна! Асабийлашишингни бас қил! Одамга уйқу бер, - деди.
- А-ҳа, сен шу ердамисан, Иуда? - унга ташланди Аскью. - Доим сени огоҳлантирардим. Бир кун тоқатимни тоқ қиласан дердим!

Жерри қоронғулик ичида бўлса ҳам Аскьюнинг қўлидаги қозикни аниқ кўрди. Кейинги лаҳзада қозик унинг кўксига санчилди.

Ёшим бир жойга бориб, ўлимим яқин қолди. Энди бу сирни ошкор қилмасам бўлмас. Қўш қотиллик вампирлар, даҳшатли расм-руссумлар ҳақида турли миш-мишлар тарқалишига сабаб бўлди. Ҳатто ҳақиқий қотил топилганидан, у айбини бўйнига олганидан кейин ҳам узунқулоқ гаплар тўхтамади. Энди – менинг гувоҳлигимдан сўнг одамлар истеъдодли, аммо тентак Жерри фожиасидан вокиф бўлишар.

1 (АҚШда машҳур телевизион реклама кўрсатуви)

## ➤ Брендон Флеминг ЯГОНА ИЗ

Пуаро ёш Блейбнернинг васиятномаси масаласида ҳам ҳақ бўлиб чиқди. Бундан бир неча йил илгари Руперт мастилик устида ҳазил тариқасида «Портсигаримни ва бошқа барча нарсаларимни, жумладан, бўйнимдаги қарзларимни ҳам мени бир гал ўлимдан – чўкишдан қутқазиб қолган қадрдон дўстим Роберт Эймсга мерос қилиб қолдираман», деган мазмунда васиятнома ёзган экан.

Икки эркак баҳсларига нуқта қўйиш учун учрашдилар. Гувоҳларсиз, юзма-юз.

Вильдер ранги мурдадек оқариб, оромкурси тутқичини асабий чангллаганча ўтиради. Энсор эса бамайлихотир сигарасини тутатар, ҳамсухбатининг юзидан кўзини узмасди.

– Такрор айтаман: таклифимни бутунича қабул қилишингиз ёки рад этишингиз мумкин, – совуқ оҳангда таъкидлadi у. – Уни ўзгартириш ниятим йўқ.

Вильдер бир силкиниб қўйди. Энсор стол устидаги стаканда турган вискидан ҳўплаб, давом этди:

– Сиз мендан уч юз фунт оласиз ва ... мамлакатни икки кун ичида тарқ этасиз. Бир пепни пул ҳам ёки бир соат ҳам мухлат қўшишимдан умид қилманг. Уч юз фунт оласиз ва озодлигингизни сақлаб қоласиз. Ёки сиз бир неча йил турмани афзал биласизми? У вискини охиригача сипқориб, стаканини столга тўқиллатиб қўйди. Сўнг тўсатдан қаддини ростлаб сабрсизлик билан сўради:

– Хўш, қандай қарорга келдингиз?

– Уч юз фунт?! Ахир мен бу бизнесга бир неча минг сарфлаганман-ку! – алам билан гапирди Вильдер. – Сизнингadolat ҳақида тушунчангиз ғалати экан-ку, Жорж Энсор.

– Шартим шу, – эътиrozга ўрин қолдирмайдиган оҳангда такрорлadi Энсор, – сиз билан талашиб-тортишиб ўтиришга хоҳишим йўқ.

– Сиз фурсатдан фойдаланиб мени ишдан четлатмоқчисиз. Ниятингиз – ўз фойдангиз учун менинг сармоямдан фойдаланиш.

– Мен сизга яхшигина ҳақ тўляяпман, – қуруққина жавоб қайтарди Энсор, – ахборотингиз учун, ўрнимда бошқа бирор бўлганда сизга бир шиллинг ҳам бермасдан ковушингизни тўғрилаб қўйиши мумкин эди. Сиз нафакат шерик сифатида мени алдадингиз. Билишимча, акциядорларнинг пулидан ҳам бир неча марта фойдаландингиз.

– Тўғри, лекин ўзингиз ҳам жуда фаришта эмассиз, – ғўлдиради Вильдер.

– Шундай ҳам дейлик, – бепарво оҳангда жавоб берди Энсор, – аммо мен ҳеч қачон эҳтиёткорликни унутмадим, қонунни расман бузмадим. Сиз бўлсангиз ошкора қонунбузарликка йўл қўйдингиз. Кўриб турибсизки, ўртамиздаги фарқ катта.

– Ахир, мен сўнгги ярим йил ичида ўзлаштирган пулларимни сўнгги шиллингигача қайташга розиман-ку, – Вильдер ялинишга ўтди. Энсор ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади:

– Бу таклифингизга сўнгги марта «йўқ» деб жавоб бераман. Қайтиб бюромизда қорангизни кўрмай. Мижозлар билан умуман муомалада бўлманг. Шартим қатъий. Қарорингизни ҳозироқ айтишингиз керак.

Жорж боққа қараган ойнаванд эшик олдига бориб, зим-зиё тунга тикилиб қолди. Унинг уйини баланд-баланд дараҳтлар ўраб турар, уларнинг уч-учларида шаҳар чироқларининг шуъласи кўринарди. Қуюқ

япроқлар күчадан ўтадиган машиналар шовқинини түсіб қолар, атроф тинч эди.

- Ёмғир тұхтабди, - Энсор гүё ўз-ўзига гапирди, сүңг ҳамсуҳбатига юзланди. - Ўйлаб күришингиз учун беш дақиқа мұхлат берә оламан. Соат ўнда олдимга биров келиши керак.

- Аёл киши бўлса керак? - кинояли кулди Вильдер.

Энсор энсаси қотгандек афтини буриштируди:

- Тахминингиз түғри. Уям сизга ўхшаб ўйламай қадам босган. У билан ҳам жиддий гаплашиб олишга түғри келади.

Энсор гапиргани сайин Вильдернинг юзига қон югурада, қараши жонланарди. Ўзига виски қуиши билан банд бўлган Энсор бу ўзгаришларни пайқамади.

- А-ҳа, бугун барча хизматкорларингизга шунинг учун жавоб береб юборган экансиз-да, - кесатиш-да давом этди Вильдер. - Хос сұхбатингизга ҳеч ким халал беришни истамагансиз-да, а?

Энсор жаҳлдан қизариб кетди:

- Менинг шахсий ишларимга бурнингизни тиқманг. Яхшиси, ўз фамингизни енг.

- Қизик, бундай bemахалда келишга уни нима мажбур қилар экан? - Вильдер гүё ҳамсуҳбатининг гапини эшитмагандай унга синовчан тикилди.

Энсор баттар тутақди:

- Шартим ўзгарди, - деди у эътиrozга ўрин қолдирмайдыган кескин оҳангда, - энди сиз уч юз фунтнинг ўрнига икки юз фунт оласиз. Бир қарорга келишингиз учун сизга бир дақиқа вақт бераман, - у шаҳд билан ўгирилиб стаканини вискига тўлдируди.

Вильдернинг юзи аламдан бўзариб кетди. Азбаройи муштларини қаттиқ тукканидан юзидаги томирлари бўртиб кетди. Шу пайт нариги стол устида турган шарқона ёдгорликлар орасида дандон сопли ханжарга кўзи тушди. У ханжарни шошиб олаётганда, тифи стол четига тегиб кетди.

Энсор металл овозини эшитиб ўгирилди-ю Вильдернинг авзойи бузуқлигини, ханжар ўқталиб турганини кўриб қичқирди:

- Тентак! Дарҳол ханжарни жойига қўйинг!

Жон ширинлик қилиб у қўллари билан юзини түсіб олди. Аммо кеч, жудаям кеч эди! Бошқа қичқиришга улгурмай, турсиллаб полга қулади.

Бир-икки дақиқадан сўнг Вильдер ўзини босиб олиб, ўзи ўлдирган кишининг жасадига тикилиб қолди.

Ханжар танага чукур ботган, фақат сопигина чиқиб турарди. Гиламда қон кўлмак ҳосил қилганди. Вильдер қаддини ростлаб, қалтироқ қўли билан пешонасини артди. У қилмишидан афсусланмасди ҳам, виждони ҳам қийналмасди. Фақат жиндак ҳайрон эди. «Қара-я, - ўйларди у, - Энсор ўлди. Уни мен ўлдиридим, мен! Ўлимига ўзи айбдор! Ўзининг бўлмағур талаблари-ю оғир шартлари билан мени шунга мажбур қилди. Аслини олганда, Энсор мендан нимаси билан ҳалол эди. Ҳеч нимаси билан».

Душманини йўқотишга журъати етганидан у ҳатто фахрланишга ўхшаган ҳис тұярди юрагида. Вильдер фирмаси пулини ўзлаштирганини ёлғиз Энсор биларди. Энди у йўқ. Вильдер энди

нимадан қўрқиши керак? Жинояти учун оладиган жазоданми? У ҳам анойи эмас, полиция келиб жиноятчини фош қилишини кутиб ўтирумайди. Ҳозирдан жиноятни очишга хизмат қилувчи барча аломатларни йўқ қилишга киришади.

Тўсатдан у бир нима эсига тушиб девор соатига қаради. Миллар ўнга тўрт дақиқа қолганини кўрсатиб туарди. Демак, тўрт дақиқадан сўнг Энсор айтган ҳалиги номаълум аёл келиб қолиши мумкин.

Хавфнинг яқинлигини ҳис қилиб у тезда совуққонлик билан ишга киришди. Вильдер қўлини дастрўмол билан ўраб, ханжар сопини яхшилаб артди. Кейин ўзи қўл теккизган нарсаларни бир-бир эслаб, уларни ҳам ҳафсала билан артиб чиқди.

Вильдер кўп жиноялар уларни содир этган шахслар эҳтиётсизлик қилиб воқеа жойида из қолдирғанлари туфайли очилишини яхши биларди. У ўзининг тунда бу уйда бўлганини тасдиқловчи барча изларни йўқотди назарида.

Сўнг даҳлизга ўтиб, чироқни ёқмасдан пальто ва шляпасини олди. Кабинетга қайтиб, ҳалиям дастрўмол ўроғлиқ қўли билан эшикни беркитиб, боққа чиқди.

Атроф жим-жит эди. У девор паналаб уйни айланиб ўтиб гаражга келди. Чироқлари ўчирилган машинасини буталар тўсиб туар, уни ҳеч ким пайқамаган бўлиши керак эди.

Ўзидан мамнун бўлган Вильдер эҳтиёткорлик билан буталар орасига кирди. Бу ерга яқиндагина қотиллик юз берган кабинет чироғининг нури ғира-шира тушиб туарди.

Вильдернинг режаси анчайин жиддий бўлса-да, таваккал қилди. Чунки ўзининг жиноят изларини йўқотган, бундан кўнгли хотиржам эди.

Орадан бир неча дақиқа ўтди. Сўнг енгил қадам товушлари эшитилди. Қадди-қомати келишган аёл киши Вильдер беркиниб турган бутазор яқинидан шошиб ўтиб, ойнаванд эшикдан ичкарига кирди.

Айнан шуни сабрсизлик билан кутиб турган Вильдер соядек сассиз ҳовлидан чиқиб, шошганча полиция участкасига йўл олди.

Навбатчи инспектор эндиғина икки дона сэндвични паққос тушириб бўлиб, қайнок қаҳва ичиб ўтирарди. Инспектор қабулига келган кишининг хавотирли юзига кўзи тушиб хижолат чеккандай лаб-лунжини артиб, ўрнидан қўзғалди:

- Тинчликми? Хизмат?  
- Биласизми, инспектор, - деди Вильдер чайналиб, - Менимча, мистер Энсорнинг уйида бирор кўнгилсизлик бўлганга ўхшайди. Гап шундаки, биз у билан бугун оқшом соат ўнда уйида учрашишга келишгандик. Ҳозир бориб эшик кўнғироғини ҳар қанча жиринглатсан ҳам, ҳеч ким очмади. Ҳеч бир хонада чироқ кўринмайди. Тиқ этган товуш эшитилмайди. Гўёки ҳаммалари бошқа ёққа кўчиб кетгандек. - У бир оз тин олди-да, гапида давом этди:

- Тинчликми? Хизмат?  
- Биласизми, инспектор, - деди Вильдер чайналиб, - Менимча, мистер Энсорнинг уйида бирор кўнгилсизлик бўлганга ўхшайди. Гап шундаки, биз у билан бугун оқшом соат ўнда уйида учрашишга келишгандик. Ҳозир бориб эшик кўнғироғини ҳар қанча жиринглатсан ҳам, ҳеч ким очмади. Ҳеч бир хонада чироқ кўринмайди. Тиқ этган товуш эшитилмайди. Гўёки ҳаммалари бошқа ёққа кўчиб кетгандек. - У бир оз тин олди-да, гапида давом этди:

- Менинг отим Ричард Вильдер. Энсор билан анчадан буён ҳамкорман. Бугун у билан бизнесимизга оид жуда муҳим ва шошилинч масалаларни муҳокама қилиб олишимиз керак эди. Энсор учрашишга келишганимизни унутган бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, унинг бир тўда хизматкорлари бор. Ҳеч бўлмаганда бирори менга эшикни

очиши керак эди-ку! Ҳозир уйига бир неча марта қўнғироқ ҳам килиб кўрдим. Ҳеч ким гўшакни кўтармади. Кўнглим хавотирда. Бирор қўнгилсиз кор-ҳол юз бермадимикин? Бирор-бир ёрдамчингилини хабар олгани юборишингизнинг иложи борми?

Инспектор бошига фуражкасини кийди:

- Мистер Вильдер, сиз билан ўзим бирга бoramан. Bu ҳолат ўзимга ҳам ёқмаяпти. Мистер Энсорни, унинг турмуш тарзини шахсан жуда яхши биламан.

Улар тезда дараҳтзор орасида қўнгилга вахима солиб, қорайиб кўриниб турган машъум уйга етиб келишди. Инспектор қўнғироқ тугмасини босди. Жимлик. Эшикни тақиллатганида ҳам ҳеч ким овоз бермади. Шунда у эшикка қоқилган хат кутисига қулогини қўйиб турди-да:

- Гўристондай тинчлик. Bu менга ёқмаяпти, - деб ғўлдиради.  
- Қизик, шунча хизматкорлар қаёққа ғойиб бўлишди экан? - безовталаниб ўз-ўзидан сўради Вильдер.

Инспектор унга юзланди:

- Уйни айланиб ўтайлик-чи. Ҳим, менга бу жимлик ёқмаяпти.  
Улар уйни ўраб турган хиёбон йўлаги бўйлаб юра бошлишди.

Тўсатдан Вильдер вахимали шивирлади:

- Қаранг, кабинетда чироқ кўриняпти. Дераза ҳам очик, шекилли.  
Инспектор унга «жим» дегандай ишора қилди, икковлари оёқ учидан ойнаванд эшик олдидаги буталарга пана бўлишиб, ичкарига мўралашди.

Бир аёл ёзув столи устига энгашганича тортмаларни титиб нимадир изларди. Қўнғироқ-нинг жиринглаши ва эшикнинг тақиллаши уни чўчитиб қўйганди. Аёл қўллари қалтираганча қоғозларни шошиб кўздан кечирар, қўпларини полга ташларди. Вақти-вақти билан тин олиб, атрофга қулоқ тутар, бурчакда турган диванга қараб баттар қалтиради.

Аёл қора, оқшомги манто кийиб олганди. Юзи қўрқувдан оқариб кетганига қарамай, у ниҳоятда сулув эди.

Инспектор тўсатдан ойнаванд эшикни очиб, ичкарига кирди. Жувон қўрқувдан қичқириб юборди ва икки эркакка тикилганича орқага тисарилди.

- Сизларга нима керак?.. - ғўлдиради у.

Шу пайт инспектор ҳамрохига диван томонни кўрсатди. У ерда – полда Энсорнинг қонга беланган танаси ётарди.

Вильдер ёввойи овозда бақириб юборди:

- Даҳшат! Уни ўлдиришибди! Қаранг, қўкрагига пичоқ санчилган!

Инспектор энгashiб мурдани кўздан кечирди. Кейин қовоғини уйганча жувонга қаради:

- Хоним, ўз бурчимни бажаришимга тўғри келади. Хонадан менинг ружсатимсиз ҳеч қаёққа чиқмаслигингизни сўрайман.

Вильдер бўлса оҳ-воҳ чекища давом этди:

- Бечора Энсор... Шўрпешона... Уни ўлдиришибди! Даҳшат!  
Шафқатсизлар! - у тўсатдан аёлга ташланди. - Қандай қўлингиз борди? Қандай юрагингиз дов берди?

- Уни мен ўлдирмадим, - ялинганамо пичирлади аёл, - илтимос, ишонинг, қотил мен эмас.

Вильдер елка қисди:

- Қўйсангиз-чи! Қўриниб турибди-ку!

Инспектор бўлса мурдани ҳафсалади билан кўздан кечирди. Сўнг қаддини ростлаб, аёлга мурожаат қилди:

- Огоҳлантириб қўяй, ҳозир айтадиган хар бир гап-сўзингиз ўзингизга қарши далил бўлиши мумкин.

Аёл асабийлашганча бармоқларини қирсил-латди:

- Нега, ишонмайсизлар? Мен ўлдирмадим деяпман-ку! Қасам ичаман. Хонага кирганимда мурда шу қўйи ётарди.

Инспектор ён дафтарчасига нималарнидир қайд қилди.

- Нима учун марҳумнинг қоғозларини титкилаётган эдингиз? Буни рад этмасангиз керак? - сўроқни давом этди у.

Жувон ҳолсизланиб оромкурси суюнчиғига суюнди. Унинг тишлари такилларди:

- Мен излаётган эдим... Бир нарсани излаётган эдим...

- Нимани?

Аёл индамади.

- Маслаҳатим, ҳамма гапни очик айтинг.

Аёл оромкурсига беҳол чўкди:

- Бир хатни излаётган эдим.

- Ўзингиз мистер Энсонга ёзган хатними?

- Ҳа! - бақириб юборди жувон. - Ҳа! У бугун оқшом уйига келишимга мажбур қилди. Хатимни қайтариб олишнинг бошқа иложи йўқ эди... У агар келмасам, хатимни... бошқа бирорга жўнатиб юборишини айтиб мени қўрқитди, - аёлнинг овози титради. - Энсор раҳмсиз эди, шафқат нималигини билмасди! Ваҳший ҳайвондан баттар эди. Факат уни мен ўлдирмадим, аммо ўлганига хафа эмасман.

Аёл энди инспекторга тикка қаради, унинг кўзларида бояги ҳадикдан нишон ҳам йўқ эди.

- Ҳа, хоҳласангиз мени қамашларингиз, ўлимга ҳукм қилишларингиз мумкин. Унинг ўлганига хурсандман, хурсандман, хурсандман... - жувон юзини қўллари билан тўсиб ҳўнграб юборди.

- Тинчланинг, - юмшоқроқ оҳангла унга далда берди инспектор, - гапларингизни ўйлаб гапиринг. Эсингииздан чиқмасин, мен қонун ҳимоячисиман, ҳокимият вакилиман. - Сўнг у Вильдерга ўгирилиб сўради: - Сиз марҳум билан анчадан буён ҳамкорлик қиласизми? Бўлиб ўтган воеа бўйича бирор нима дея оласизми?

- Мен бизнес бўйича шеригимнинг шахсий ҳаёти билан унча таниш эмасман. Аммо бу аёлнинг гаплари кишини ўйлантириб қўйди.

Инспектор ён дафтарини ёпиб чўнтағига солди:

- Фараз қилайлик, хоним кирганиларида мистер Энсор ҳакиқатан ҳам ўлдирилган эди.

Аёл бошини қўтариб, ҳаяжонланганча гапира кетди:

- Ҳа, у ўлиб ётарди! Қасам ичаман!

Инспектор унга «жим бўлинг» деган маънода имо қилди.

- Шундай қилиб, дейлик: бу хоним тўғри гапиряптилар. Сиз мистер Энсорни яна ким ўлдириши мумкин деб тахмин қиласиз? - саволини қайтарди инспектор.

Вильдер бош чайқади:

- Бошқа ҳеч кимдан гумоним йўқ. Шеригимнинг ғанимлари йўқ эди. Хонимга азбаройи раҳмим келганидан мен ҳам уни қотил эмас деб фараз қилишим мумкин. Умуман, ҳаётда исталган нарсани фараз қилиш мумкин. Аммо фактлар тескарисини кўрсатяпти, ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмаяпти, назаримда.

Аёл чорасиз оҳангла ух торти. Инспектор унга диққат билан тикилиб туриб, яна Вильдерга мурожаат қилди:

- Демак, бунга аминсиз?

- Афсуски, ҳа, - Вильдер хўрсинди. - Бу ёш жувонга жуда ачинаман, аммо нима қилай, барча далиллар унга қарши.

- Ҳа, сиз ҳақсиз, - ўйчан гапирди инспектор. - Барибир... - у яна ҳўнграб ийғлаётган аёлга ўйчан тикилиб қолди, - барибир кўп нарса ҳали ойдин эмас. Бунинг тагида бошқа нарса бўлса керак. Ҳақиқий жиноятчилар бунчалик жўн бўлишмайди. Кўнглим сезиб турибди, аёл алдамаяпти. Шундай бўлса ҳам уни ҳибсга олишимга тўғри келади.

Вильдернинг юзида самимий ҳамдардлик ифодаси зохир бўлди:

- Ҳа, сизгаям қийин, - у бошини сарак-сарак қилди. - Аммо фактлар қайсар. Менинг кўргазмаларим ҳам унинг айбини енгиллаштирмаяпти.

Инспектор иягини қашлади:

- Мистер Энсорнинг телефони бўлса керак?

- Ҳа, даҳлизда, - жавоб берди Вильдер.

- Илтимос, участкамизга - Бернвиль 438 га кўнғироқ қилинг, Мортон доктор Синглтонни олиб бу ёқса келсин. Мурдани кўздан кечиришсин. Сизни безовта қилаётганим учун узр. Сабаби, хонимни ёлғиз қолдиргим келмаяпти.

- Сиз ҳақсиз, - деди Вильдер даҳлизга йўналар экан.

У ортидан уй эшигини ёпар экан, юзи қувончдан ёришиб кетди. У на виждан азоби ва на шубҳа тушган аёлга нисбатан ачиниш туюрди. Вильдер ҳаёти давомида бир неча бор ўзининг қора қилмишларига айбиз одамларни аралаштирган, бутун жиноятни уларга ағдариб, ўзи сувдан қуруқ чиқкан эди.

У кўнғироқ қилиб, инспекторнинг топшириғини етказди, сўнг шошмасдан хонага қайтди. Инспектор ҳибсга олинишини эшишиб ҳушини йўқотган жувон билан овора эди. Виски ҳам аёлни ҳушига келтиришга ёрдам бермади. Фақат тез орада етиб келган доктор Мортонгина унинг жонига оро кирди.

- Мортон, - ходимига мурожаат қилди инспектор, - сиз доктор Синглтон билан қолиб текширишни тугатасиз. Мен эса хонимни идорамизга олиб бораман. Уни яхшироқ сўроқ қилишим керак, - сўнг у Вильдерга юзланди. - Сиз ҳам бизлар билан бирга борсангиз яхши бўларди. Сўроқ пайти у-бу ноаниқликлар пайдо бўлса, аниқлик киритишга ёрдамингиз тегармиди.

- Хўп бўлади, - дарҳол кўна қолди Вильдер, - хоҳласангиз, сизларни ўз автомобилимда олиб боришим мумкин. У яқин орада турибди.

- Яхши бўларди, - инспектор аёлнинг билагидан ушлаб турғазди.

- Машинам шундоқ гараж олдида турибди. Мистер Энсор меҳмонлар машиналарини уй олдида қолдиришларини ёқтирамасди.

Учовлари хиёбон бўйлаб гараж томон йўл олиши.

Аёл инспекторга суяниб қолди, полициячи уни гўё ёш болани опичлагандай кўтариб машинага ўтқазди. Вильдер машинани энди юргизмоқчи бўлганида инспекторнинг қўл фонарини ёқиб энгашиб автомобиль остига қараётганини кўрди.

- Нима қиляпсиз? - ҳайронлигини яширмади Вильдер.

Инспектор қаддини ростлади:

- Мистер Вильдер, - деди у қатъий оҳангда, - ёмғир бундан бор-йўғи бир соат олдин тинди. Ундан олдин камида ярим соат гўё челаклаб қуиди.

- Нима бўпти? - баттар ҳайрон бўлди Вильдер.

- Гапингизга қараганда, уйда мудхиш жимлик ҳукмронлигини кўриб бизга хабар қилгани шошдингиз. Бунга ярим соатлар бўлди, тўғрими?

- Тўғри, нима бўпти? - ҳамон гап нимадалигини тушунмай сўради Вильдер.

- Қаранг, машинаниз турган жой куп-қуруқ. Атрофда эса ҳар қадамда кўлмакчалар. Демак, машинанизни бу жойга ёмғир ёғишидан олдин қўйгансиз. Кўриниб турибиди, бу ерда бир соатдан кўп бўлгансиз! Айтинг-чи, шунча пайт нима билан банд бўлдингиз. Айниқса, сел пайти, ундан олдин, а?

Вильдер инспекторнинг тикилиб турган кўзларига қарай олмади, унинг пешонасидан совук тер чиқиб кетди. Вильдер бир нималар демоқчи бўлди, аммо тили калимага келмади, томоғига гўё нимадир тикилгандай бўлди, оғзидан бир-бирига боғланмаган, маъносиз товушлар чиқди, холос.

Ҳарчанд уринмасин, жиноят жойида изи қолган экан. Айбини исботловчи ягона из...

- Сизга айтдим-ку хоним алдамаяпти, кўнглим сезяпти деб, - инспектор Вильдернинг билагидан маҳкам ушлади. Кишаннинг ёқимсиз шиқирлаши эштилди.

### ➤ Гери Бранднер КИНГ ДАГГЕТТНИНГ ХАТОСИ

Кулранг булатлар қуёш юзини тўсган. Қоялар сари элтадиган йўл ёқасида яқиндагина оқ рангга бўялган эски «Паккард» машинаси турарди. Ойналари очик.

Автомобилнинг ҳайдовчи ўтирадиган тарафдаги эшиги кескин очилиб, каскадёр Кинг Даггетт машинадан шундок пастда ёзилган кураш тушиладиган тўшак устига сакради. Аста ўмбалоқ ошиб жойидан турди ва машқни яна такрорлаш учун машинага ўтирди...

Учинчи уринишдан сўнг Даггетт кўнгли тўлиб, камера атрофида тўпланиб турган суратга олиш гурухи аъзоларига қўл силкиди. Ўрта бўйли, ўрта ёшли соқолтой Фриц Койл оператор билан сұхбатини тўхтатиб, ўнг оёқда оқсоқланганча машина ёнига келди.

- Қандай, ҳаммаси жойидами? - сўради у машина ойнасидан ичкарига мўралаб.

- Сен нима деб ўйловдинг? - пиchinг қилди Даггетт.

- Кинг, мен шунчаки сўрадим-да, - Койл приборлар тахтасига қўл чўзди. - Яхши ишлайптими?

- Торт қўлингни. Кечакун бўйи машинага уннадим. Ҳозир у эгарланган тулпордай. Тушундингми?

- Сигнал байроқчалари яхши кўриняптими?

- Худди сени кўриб турганимдек! - Даггетт атайлаб эснади. - Майдончангга жўна, суратга олишни бошла. Бугун муҳим учрашуви бор. Беверли Хилтон билан тушлик қилишим керак.

Койл бош силкиди, аммо шу пайт машина олдида қадди-қомати келишган, эгнига ялтироқ кўк плаш кийган аёл пайдо бўлди. У ҳайдовчининг эшиги олдига келиб, ойна рамасига суянганча ҳаяжонланиб гапирди:

- Кечаги жанжалимиздан кейин бу трюкни бажаришингни хоҳламайман... Сендан илтимос...

- Хоним, агар ҳар гал оилавий жанжалдан сўнг ишламайдиган бўлсам, сўнгги ярим йил давомида ҳеч ҳам кўчага чиқмасдим. Шунинг учун яхиси жўнаб қол, кўзимга кўринма.

- Кинг, бунчалик бағритош бўлма! Ахир, минг қилсаям сенинг хотинингман-ку!

- Аммо бу узоққа бормайди. Хотиринг жам бўлсин. Икковинг ҳам бу ердан туёғингни шиқиллат, мен ишлашим керак.

Койл машинадан узоқлашди.

- Жун, кетдик.

Жун эрига анча синовчан тикилиб турди, сўнг кескин қаддини ростлаб, Койлга эргашди. Койл камера ёнига келиб, портатив рация орқали майдончадаги ва қирғоқдаги қоя остида ишлаётган суратга олиш гурухлари билан боғланди. Улар ҳам шай эди.

- Мотор!

Даггетт полдаги акселераторнинг педалини босди ва эски «Паккард» ўқирганча олға интилди. Саноқли сониялар ичида у ёғоч тўсиқларни синдириб, жардан пастга қулади. Қирғоққа урилгач, аланга ичида қолиб, бомба сингари портлади.

Бир сония ҳамма улкан алангага тикилиб қотиб қолди. Сўнг жар ёқасига югуришди. Фақат шундан кейингина аёл кишининг қичқиргани эшитилди:

- У улгурмади! Эй Худо, у машина ичида қолиб кетди!

\*\*\*

Бич-Сити полицияси ходими лейтенант Питер санитарлар Кинг Даггеттнинг тана қолдиқларини фургонга ортишаётганини кўриб сесканиб кетди. У Койлга ўғирилиб сўради:

- Бу ерда сиз бошлиқмисиз?

- Иккинчи режиссёрман. Оммавий саҳналарни, иккинчи даражали саҳна кўринишларини, трюкларни — умуман, юлдузларимиз қатнашмайдиган кадрларни суратга оламан.

- Даггетт нима қилаётган эди?

- «Босқинчи»нинг дублёри эди. Бу пойганинг якуний қисми бўлиб, ёмон йигит қилмишига яраша жазосини оларди. Жардан эллик фут нарида бир жуфт сигнал байроқчалари бор. Кинг машинадан сакрашга улгурса бўларди. Уста каскадёр учун бунинг қийин жойи йўқ. Даггетт бўлса энг уста каскадёр эди.

- Бу соҳани яхши билар экансиз.

- Албатта-да! Бундан ўн йил аввал мендан уста каскадёр йўқ эди. Вестерн суратга олинаётганда мен отдан фургон устига сакраётиб озроқ хатога йўл қўйдим. Оёғим жароҳатланганидан кейин, - у ўнг сонига уриб қўйди, - камеранинг бошқа томонига ўтишимга тўғри келди.

- Даггетт ҳам хатога йўл қўйиши мумкинмиди?

- Албатта, бутунлай бехатар деб бўлмайди. Жиндаккина хатога йўл қўйсанг, тамом — ўлдим деявер. Аммо бундай трюкни бажариш техник жиҳатдан қийин эмас. Машина сигнал байроқчаларининг тўғрисига келиши билан Кинг пастга сакраса бас эди.

- Унга нима халал берган бўлиши мумкин?

- Негадир у трюк олдидан ҳаяжонланаётган, вахимага тушаётгандек эди.

- Эшик очилмай қолса, деразадан сакрай олармиди?

- Йўқ, улгурмасди. Бундай эски машиналарнинг ойнаси кичик бўлади, сифиши қийин.

- Қанака русумли машина эди?

- 1939 йилда ишлаб чиқарилган «Паккард». Портлаш ишонарли чиқиши учун унга портловчи модда жойлаштиргандик.
  - Доимо шунақа қиласыларынг?
  - Албатта! Чунки ёқилғи баки портламай қолиши ҳам мүмкін-да. Үзингиз биласиз, аланга бўлмаса, томошабин портлаш юз берганига ишонмайди.
  - Биламан... - Блейни каскадёр қулаб тушган қояга ўйчан тикилди. Томоша майдончасидан ёрдамчиси, сержант Арт Тамасаки унга аллақандай имо-ишоралар қилди. - Майли, қани, тепага кўтарилайлик-чи...
- Нижоят булатлар остидан қуёш муралади. Тамасакининг ёнида турган кўхликкина жувон плашини ечиб, қўлига олди.
- Жун Даггетт хоним, - таништириди сержант. - Мархумнинг умр йўлдоши.
  - Даггетт хоним, эшишимча, эрингиз билан машъум трюк олдидан суҳбатлашган экансиз...
- Аёл бош лиқиллатди.
- Нима ҳақда?
  - Айтарли ҳеч нарса ҳақида, - гапга қўшилишиди Фриц Койл. - Жун унга омад тилаш учун келган эди.
- Жун елка қисди.
- Фриц, яширишдан нима фойда? Кеча кечкурун биз Кинг билан қаттиқ жанжаллашган эдик. Оилавий ҳаётимиз... Биз ажрашмоқчи эдик. Жанжалимиз бугун машқ пайти унга салбий таъсир этмасин деб хавотирда эдим.
  - Хўш? - Блейни кўзларини пирпиратди. - У ёмон ахволдамиди?
  - Менимча, йўқ.
- Лейтенант, қулок солинг, - яна суҳбатга аралашиб Койл. - Кингни келишган йигит деб бўлмасди. Жунга муомаласи эса... Аммо ўз соҳасининг устаси эди: мушукдай абжир бўлиб, жасурликда ҳеч ким унинг олдига тушолмасди.
- А-ҳа... - ғўлдиради лейтенант. - Жаноб Койл, сиз ҳам машина ёнига келган эдингиз, тўғрими?
  - Ҳа... Кинг Лос-Анжелесга қайтишга шошаётган эди. Шунинг учун трюк пайти бирор нарсани нотўғри бажармасин деб чўчидим. Кинг тергайверганим учун менга бақириб берди.
  - Мен суратга олинган материални кўздан кечирмоқчиман. Плёнкаларни кабинетимга олиб келишсин.
- Изқувар Койл ва Жун билан хайрлашиб, машинаси томон йўл олди.
- Арт, Лос-Анжелесга бориб, Даггетти, унинг хотини ва Койл ҳақида иложи борича кўпроқ маълумот тўпла, - деди Блейни. - Мен ўз хонамда бўламан, экспертиза натижаларини кутаман. Қайтиб келганингдан кейин Кингнинг ҳалокати тасвирга туширилган кадрни томоша қиласиз.
- Тамасаки хўжайинига шубҳали қараб қўйди:
- Сизнингча, Даггеттига кимдир «ёрдамлашган»ми?
  - Мана шу нишонимни тикиб гаров ўйнайманки, уни анови икковидан бири ўлдирган.
- \*\*\*
- ...Кинопроектор бир маромда ишлар, экранда одамлар шошиб куймаланишарди.
- Пит, афсуски, тахмининг пучга ўхшайди, - деди Бич-Сити полицияси бошлиғи Эд Галан.

Блейни қайсарлик қилиб, яна оқ «Паккард» жарга томон ҳаракатланаётган кадрларни қайта қўйди.

- Қара, Эд! У бошини эгиб, эшик томон ўгириляпти. Айтдим-ку сенга, йигит сакрашга уринган, аммо унга нимадир халал берган деб! Фақат анави иккови – хотини ва режиссёргина эшикни очилмайдиган қилиш имкониятига эга бўлишган. Ҳозирча исботим йўқ, аммо шундайлигини кўнглим сезиб турибди!

- Прокурорнинг кўнглинг билан неча пуллик иши бор. Экспертлар машинани винтларигача қисмларга ажратишиди. Эшик яхши сақланиб қолган экан. Техникларнинг айтишича, ҳеч ким эшикнинг қулфига тегмаган. Марҳумнинг қонидан гиёхвандлик моддаси ҳам, алкоголь ҳам топилмаган. Қисқаси, ҳафтанинг охиригача бирор жиддийроқ далил топ, бўлмаса жиноят ишини ёпамиз.

Блейни яна проекторни ёқди, «Паккард» жар ёқасига етиб келганида «пауза» тугмасини босди.

- Соя ён тарафда. Кўряпсизларми?

Тамасаки елка қисди.

- Умуман, ҳайдовчининг эшиги хиёл очик, шекилли.

- Мен ҳам шуни айтаяман-да. Агар эшик очилган бўлса, нега Даггетт сакрамаган?

- Сен бу саволга ҳафтанинг охиригача жавоб топишинг керак, – хулоса ясади Галан. - Бўпти, мен уйга кетдим.

Блейни билан сержант қолишиди.

- Хўш, «дўстларимиз» ҳақида қандай маълумотлар тўпладинг?

- Кинога ўтгунича Кинг Даггетт пойгачи бўлган, ралли ва мотоцикл пойгаларида қатнашган. Бундан беш йил аввал Голливудга ўтган.

Койл каскадёр бўлган. Бундан ўн йил аввал оёғидан ажралган. Шундан сўнг суратга олиш жараёнининг техник масалалари билан шуғуллана бошлаган. Иккинчи режиссёр даражасигача етган. Аммо мен ҳамсухбат бўлганларнинг ҳаммаси у бундан юқори даражага кўтарила олмайди дейишиди.

Жун Даггеттнинг қизлиқ фамилияси Мерсер бўлган. У икки йилча киностудияларда ўралашиб юрган. Бир неча эпизодларда суратга тушган. «Зиёфатлар учун аталган қиз» сифатида пул топган. Энг қизиғи энди бошланади. Кинг Даггеттга теккунича кимнинг хотини бўлганлигини биласизми?

- Койлнинг бўлса керак...

- Тўппа-тўғри, хўжайин! Койл энг зўр каскадёр бўлган кезлари Жун унинг бошини айлантирган. Ўша пайтлар Даггетт ҳали мотоцикл пойгаларидан бўшамасди.

- Худди кўп серияли бемаъни фильмларга ўхшаб кетаркан. Майли, уйга бориб, дам олайлик. Эртага Голливудга боришимиз керак.

\*\*\*

Сержантни Голливуддаги полиция бўлинмаси идораси ёнида қолдириб, Блейнининг ўзи Даггеттилар яшайдиган Сан-Фернандо-Вэллига йўл олди.

Бу испанчага ўхшаш услубда қурилган унча катта бўлмаган уй экан. Йўлакда янги спорт машинаси туради. Лейтенант қўнғироқ тугмасини босди. Шу пайт худди пойлаб тургандек, оstonада Жун Даггетт пайдо бўлди.

- Хайрли тонг, – деди у ҳайрон бўлиб, – мен бўлсам дугонамми деб ўйлабман.

Блейни дид билан жиҳозланган ёруғ мөхмөнхонага кирди. Хона тўрида, девор тагида ингичка оқ ип билан боғланган картон қутилар устма-уст қилиб қўйилган эди.

- Кўчиб кетяпсизми?

- Ҳа, то бошқа хонадон топгунимча дўстларимнида яшаб тураман. Кинг билан боғлиқ хотираларимни қанча тез унутсан, шунча яхши.

- Мебелларингизни ҳам олиб кетасизми?

- Буларнинг ҳаммасини Кинг ижарага олган. Уни ҳам, диван-креслони ҳам, телевизору кир машинани ҳам, ҳатто каравотимизни ҳам... У ҳеч ниманинг доимий бўлишини хоҳламасди, жумладан, хотинининг ҳам.

- Даггетт хоним, бу биринчи турмушингизмиди?

Жун кулимсиради.

- Менимча, сизлар суриштириб, илгари Фриц билан оила қурганимизни аниқлаган бўлсангизлар керак. Ахир, бу – Голливуд!

- Бизнинг Бич-Ситида ҳам баъзан одамлар ажрашишади, – деди Блейни. – Майли, бошқа вақтингизни олмайин.

Койл Фрицга қўнғироқ қилиб, у билан ресторонлардан бирида учрашишга келишиди.

- Шундай қилиб, лейтенант, сиз бу ерга шунчаки келмаган бўлсангиз керак? Ҳўш, қўнглингиздагини очик айтаверинг, – деди Койл официант буюртмаларни олиб келгач.

- Тўғрисини айтсан, Даггеттнинг ўлими баҳтсиз ҳодисалигида ишонмаяпман.

- Тушунарли. Демак, мендан ҳам шубҳаланяпсиз. У йигитни ёқтирамаганим рост. Аммо Голливудда ўзаро низолашганлар бир-бирларини ўлдираверишса, ҳозир тиззамизгача қонга ботган бўлардик.

- Нега бўлмаса илгари Жун Даггеттга уйланганлигинги изни айтмадингиз?

- Буни муҳим деб ўйламагандим. Қолаверса, Жунни хижолатга қўймай дегандим. Бу ҳақда эслашни ёқтирамайман. Ёшларга кино сирларини ўргатсангиз, улар миннатдор бўлиш ўрнига хотинингизни илиб кетишишади.

- Ҳозир-чи?

- Ҳалиям Жунни севасизми деб сўрамоқчимисиз? – Койл кинояли кулди. – Лейтенант, ноўрин шубҳага боряпсиз. Бундай хавфли трюкни бажармоқчи бўлган ҳар қандай каскадёр ўз ҳаётини хавф остида қолдиради. Бу арава ҳар қанча текширилган бўлмасин, Кингга минглаб қўнгилсизликлар келтириши мумкин эди. Хуллас, унинг омади келмаган.

Блейни елка қисиб қўйди:

– Балки, солиқ тўловчиларнинг пулини бекорга совураётгандирман. Аммо барибир ҳақиқатнинг тагига ётишим керак.

\*\*\*

«Антик-Авто» машина дўконининг майдончаси эски машиналарга тўла эди. Улар ичида қўриниши тузукроқларидан тортиб занг босган, келиб чиқиши номаълумларигача бор эди. Тамасаки лейтенантнинг олдига коржома кийган озғин кишини бошлаб келди.

- Хўжайнин, бу киши дўкон эгаси Энди Уилсон. Бизга керакли машина ҳов ана, яшил рангда.

Блейни анча илгари ишлаб чиқарилганига қарамай яхши сақланган «Паккард»ни кўздан кечирар экан, маъқуллагандек бош силкиди.

- Худди шунақаси керак эди. Рангини айтмаганды Даггеттинг машинасидан фарқлаб бўлмайди.

Ўзича ўйлдираб машина атрофини бир неча марта айланиб чикди, ўриндиғига ўтириди, кейин қўлини орқага қилиб «Паккард»нинг эшикларини ўйчан кўздан кечира бошлади. Сўнг хурсанд бўлганидан юзига табассум ёйилиб, кафтларини ишқалаб қўйди.

Тамасаки ҳушёр тортди:

- Хўжайин, қўринишингиздан «Эврика!» деб қичқирган Архимедга ўхшаб қолдингиз.

Блейни унга кўз қисиб, Уилсондан сўради:

- Яқин атрофда хўжалик моллари дўкони йўқми?

- Бор. Кўчанинг нариги томонида.

- Жуда соз! Арт Жун Даггеттга ва Фриц Койлга қўнғироқ қилиб, менинг номимдан бу ёққа чақир. Сабабини сўрашса, билмайман де.

- Хўп бўлади, - бош силкиди Тамасаки. - Чунки бу ҳақиқатнинг ўзгинаси.

Каскадёрнинг беваси ва режиссёр дўконга деярли бир вактда етиб келишди. Улар эски «Паккард»ни қўриб хавотирланиб бир-бирига қараб қўйишиди.

- Қаршингизда жаноб Даггетт ҳалок бўлган машинанинг бошқа нусхаси турибди, - дея гап бошлади Блейни. - Энди мен сизларга ҳалокат қандай содир бўлганини айтиб бераман.

- Масалага яқин келсангиз, - минғирлади Койл. - Шахсан мен ҳеч нарсани тушунмаяпман.

- Ҳозир биз юз берган воқеа манзарасини биргаликда тиклаймиз. Ўйлайманки, сизлар менга ёрдам беришдан бош тортмайсизлар. Жаноб Койл, сиз собиқ каскадёрга ўхшаб машинага ўтиринг.

Фриц иккиланиброқ ҳайдовчи ўриндиғига ўтириди.

- Кейин-чи?

- Энди Даггеттнинг суратга олишдан олдинги барча ҳаракатларини қайтаришга ҳаракат қилинг.

- У аввал бир неча марта газ берди, - Койл акселераторни босди.

- Кейин уч марта эшикни мана бундай қилиб текшириб кўрди, - у ёнгил бир ҳаракат билан эшикнинг ручкасига уриб, эшикни елкаси билан туртди. Эшик очилиб кетди.

- Пастга сакрашим шартмасдир? - кесатди у.

- Албатта. Хўш, давом этамиз: мен Даггетт хонимнинг ролини бажараман, сержант Тамасаки бўлса сизнинг ролингизни бажаради. Агар бирор жойда янглишсак, тузатасизлар. Арт, машинанинг ёнига бор.

Тамасаки «Паккард»нинг ёнига бориб, эгилиб ўнг ойнасига қаради.

- Биз Кинг билан икки оғиз гаплашдик, - деди Койл, - кейин мен приборлар тахтасига қўй узатдим.

Сержант Койл айтганидек қўлини кабинага суқди.

- Кинг бўлса мени жеркиб берди.

- Тушунарли, - бош силкиди Блейни. - Сўнг мен пайдо бўламан, яъни Даггетт хоним пайдо бўладилар. Капотни айланиб ўтиб, ҳайдовчининг эшиги олдида тўхтайман... Даггетт хоним, мен тўғри ҳаракат қиляпманми?

- Тўғри. Кейин бир неча сония Кинг билан гаплашдим.

Блейни қўллари билан ойнанинг рамасига суюниб сўради:

- Шу алфоздами?

- Ҳа, кейин яна юрган йўлим бўйича Фрицнинг олдига келдим. Биз камеранинг ёнига қайтдик.

Блейни бир четга ўтди.

- Охирги илтимос. Жаноб Койл, Кингнинг трюкни бажараётган пайтдаги ҳаракатларини такрорласангиз. Унинг ўрнида бўлсангиз, ўзингизни қандай тутган бўлардингиз?

Койл қаттиқ «уф» тортиб қўйди. Рулни қаттиқ ушлаб, олд ойнага тикилди. Сўнг йўл четидаги сигнал байроқчаларини кўргандек, атрофга аланглади. Эшикка томон хиёл эгилиб, қулфнинг ички дастагини тортиб, эшикни елкаси билан туртди. Эшик хиёлгина очилиб қотиб қолди! Койл ҳайрон бўлиб бақириб юборди.

- Машинанинг олдига боринглар, - Блейни паст овозда сержантга ва Жунга буюрди. - Хўш, нимани кўряпсизлар?

«Паккард»нинг олд ва орқа эшиклари турли томонларга очиларди. Уларнинг шундоқ ёнма-ён жойлашган ташки дастаклари пишиқ оқ чилвир билан тортиб боғлаб қўйилган эди. Изқувар чилвирни узиб ташлаб, гап бошлади:

- Кеча мен бу тахминимни текшира олмадим. Чунки машина бўлакларга бўлинниб кетган эди. Аммо бугун текшириб кўрдим. Чилвирни худди сизга ўхшаб плашимнинг енги ичида яшириб олиб келдим, Даггетт хоним. Тўғри айтяпманми?

- Йўқ... Сиз хато қиляпсиз! - Аёлнинг овози титраб кетди.

- «Паккард»нинг корпуси сизни бошқалардан тўсиб турарди. Оператор эса буни фақат орқа томондан кўриб турарди. Ингичка оқ чилвирни оқ рангли машина фонида ҳатто яқин масофадан ҳам кўриб бўлмайди. Қуёш булутлар остида бўлгани учун машина эшигига чилвирнинг сояси ҳам тушмаган.

Жун ҳўнграб юборди. Койл шошиб машинадан тушиб, унинг елкасидан қучоқлади:

- Сен бир оғиз ҳам гапирма! Улар фақат тахмин қилишяпти! Исботлари йўқ!

- Йўқ, азизим, янглишяпсан, - пичирлади аёл кўз ёшларини дастрўмол билан артиб. - Менимча, далиллари бор. Тўғрими, лейтенант?

- Сиз ҳақсиз, - ғамгин бош силкитди изқувар, - далиллар топилади. Тўғри, кеча сиз ғалтакдан ечиб олган чилвир парчаси ёниб кетган, албатта. Аммо экспертиза эшик дастагидан унинг қолдиқларини топади. Ахир, у кўч-кўронингизни жойлаган картон кутиларни боғлаган сунъий чилвир билан бир хилда, тўғрими?

Жун ниҳоят ўзини бутунлай қўлга олди.

- Мен сўнгги сониягача бунга журъат этишимни аниқ билмасдим. Агар у менга ҳеч бўлмаганда бир кулиб қўйса ёки бир оғиз ширин сўз айтса... Аммо қўполлик, шафқатсизлик қилди. Биласизми, каскадёрлар «Биргина хато ҳам бизнинг ўлимимизга сабаб бўлиши мумкин», дея тез-тез такрорлашади. Кинг мени ҳайдаб соганида худди ана шу хатога йўл қўйди...

## МУНДАРИЖА

1. Маргарет Меннерс.	<b>ОМБОРДАГИ МУРДА</b>	.2
2. Агата Криста.	<b>Ибодатжонадаги қотиллик</b>	12
3. Жонатан Клейг.	<b>МАРГИМУШ</b>	20
4. Э. Дирл.	<b>РАШК</b>	24
5. Р.Л. Стивенс.	<b>ТОЗИ ИТ ФОШ ҚИЛДИ</b>	.28
6. Фрэнк Сиск.	<b>АЁЛ МАКРИ</b>	.31
7. Эдмон Кристин.	<b>ҒАЛАТИ ҚАДАҲ СҮЗИ</b>	.36
8. Эдмон Кристин.	<b>ҚАЛАМ</b>	.39
9. Эдмон Кристин.	<b>БЕХОСИЯТ ҲАЗИЛ</b>	.42
10. Валерий Ярхо.	<b>ТЕМИР ГУВОХ</b>	.45
11. Рон Гуларт.	<b>ТОБУТ МУНТАЗИР</b>	.50
12. Брендон Флеминг.	<b>ЯГОНА ИЗ</b>	.58
13. Гери Бранднер.	<b>КИНГ ДАГГЕТТИНГ ҲАТОСИ</b>	64